

Muassislar:  
**O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
O'zbekiston yoshlar ittifoqi**

1982-yildan chiqa boshlagan.

Tahrir hay'ati:  
**Sirojiddin SAYYID  
Minhojiddin MIRZO  
Nodir JONUZOQ  
G'ayrat MAJID  
O'razboy ABDURAHMONOV  
Farrux JABBOROV**

Jamoatchilik kengashi:  
**Qahramon QURONBOYEV  
Iqbol MIRZO  
Muhammad ALI  
Abdurasul ABDULLAYEV  
Rustam NOSIROV  
Rustam QOBILOV  
Ahmad OTABOYEV  
Shuhrat SIROJIDDINOV  
Serobiddin ISMOILOV**

Bosh muharrir:  
**Faxriddin HAYIT**

Bosh muharrir o'rinbosari:  
**Nurilla CHORI**

Mas'ul kotib:  
**Sa'dullo QURONOV**

Mas'ul muharrir:  
**G'iyosiddin O'NAROV**

Adabiy muharrir:  
**Husan MAQSUD**

Badiiy muharrir:  
**Akbarali MAMASOLIYEV**

Muharrir:  
**Yahyoxon FAYOZ**

Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Chilonzor tumani,  
Bunyodkor ko'chasi, Adiblar xiyoboni,  
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi binosi.  
Indeks 100066  
E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz  
Web sayt: www.yoshlikjurnali.uz  
Tel.: (0371) 231-20-58, 231-20-59

Navbatchi muharrir: Jamoliddin Abdulhayev  
Bosishga 20.12.2018-yilda ruxsat berildi.  
Qog'oz formati: 60x90 1/4  
Nashriyot hisob tobog'i: 8,7  
Indeks – 822.

ISSN 0207-9137. Jurnal 2007-yil 4-mayda  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi  
tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.  
Jurnaldan ko'chirib bosilganda  
"Yoshlik" dan olindi" deb izohlanishi shart.  
"SILVER STAR PRINT" MChJ  
bosmaxonasida chop etildi.  
Buyurtma № 85. Adadi: 2450  
Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 22-mavze, 17-uy.

**EHTIROM**  
**3** Ikki elning suyuqli  
farzandi

**ADABIY DO'STLIK**  
**5** Intiqom Yashar  
Tarix bilan hamnafas o'lka

**12** Abdullajan Akmataliyev  
Muhabbat va iztirob ramzi

**NAZM**  
**9** Abdusaid Ko'chimov  
Zaminni ko'rpaday qoplab  
yotar qor

**32** Nilufar Umarova  
Bulut kabi to'zg'iydi ruhim

**54** Eshqobil Vali  
Soyam meni  
yo'lga boshlardi...

**ESSE**  
**18** Otauli  
Afandining yo'rig'i



3





29

### **NIGOH**

**29** Qani mening yulduzim?

### **TADQIQOT**

**Shavkat Hasanov**

**34** “Kichik” odamlarda  
katta qalb koʻrgan adib

### **NASR**

**Ashurali Joʻrayev**

**38** Yurak aldamaydi

**Xolmuhammad Karimiy**

**56** Karquloq

### **UCHRASHUV**

**Maftuna Raimqulova**

**60** Dimogʻimda ising bor,  
tuproq

### **“YOSHLIK”**

**XAZINASIDAN**

Markes bilan uchrashuv

**43**

### **MEZON**


**Hakim Sattoriy**

**61** Turgenov ibratlari

43



61



Muqovada  
**Rustam Nazarmat**  
olgan suratdan  
foydalanildi.

38







# Ikki elning suyukli farzandi

**Президент қарорига биноан мамлакатимизда буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланди**

Ўзвучи хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳридаги марказий кўчалардан бирига Чингиз Айтматов номи берилди ҳамда хотирасига барельеф ўрнатилди.



Таниқли шоир-ўзвучилар, олимлар иштирокида таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ҳамда маҳаллаларда “Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти” мавзuida адабий кечалар ўтказилди.







Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Асил Рашидов таржимасида адибнинг ўн қиссадан иборат “Сайланма”си, шунингдек, “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” замонашлар хотира китоби, Аҳмаджон Мелибоевнинг “Чингиз Айтматов: Давр. Инсон. Ҳақиқат”, Адҳамбек Алимбековнинг “Чингиз Айтматов – бовурим”, Йўлдош Солижоновнинг “Ижоднинг машаққатли йўли”, Сайди Умировнинг “Чингиз Айтматов – публицист ва мунаққид” номли илмий-бадиий рисоалари нашр этилди.

“O‘zbekkino” миллий агентлиги буюртмасига кўра, адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида “Икки элнинг суюкли фарзанди” номли ҳужжатли фильм суратга олинди.

Ардоқли адибнинг асарлари асосида юртимизнинг 16 та театрида 16 та спектакль саҳналаштирилди.



Ўзбек ва қирғиз киноижодкорлари ҳамкорлигида адибнинг “Қизил дуррачали сарвиқоматим” қиссаси асосида “Сарвқомат дилбарим” бадиий фильми суратга олинди, Тошкент, Бешкек ва Истанбул шаҳарларида тақдимотлари бўлиб ўтди.



Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган асосий ижодий кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди. Кечада Қирғизистондан келган делегация вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, дипломатик корпус вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, ёшлар, адиб ижодининг ихлосмандлари қатнашди.

Паркент туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабида Чингиз Айтматов бюсти ўрнатилди.



ЮНЕСКО маълумотларига кўра, Чингиз Айтматовнинг асарлари 170 дан ортиқ тилга таржима қилиниб, 128 мамлакатда 68 миллион ададда нашр этилган.

# Tarix bilan hamnafas o‘lka



*У*ТИҚОМ ЯШАР

1990 йили Озарбайжоннинг Кедабек шаҳрида туғилган. Озарбайжон давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. “Илк уграшув”, “... ва яна сукунат”, “Уйда йўқман” номли китоблари нашр этилган.

## Кузнинг ҳаволари Бокуга ўхшайди...

Боку – Самарқанд йўналишидаги олис йўл чорлаётир бизни. Аввалбошда Бокудан Москвага учдик. Уч соатлик парвоз... йўл бўйи ким биландир суҳбатлашгиси келади одамнинг. Лекин Москвага учиш вақтида бирор ҳамсуҳбат топилмади...

Лекин Москвадан Ўзбекистонга учишда бир ўзбек қардошим менга ҳамроҳ бўлди. Суҳбатлашиб кетдик... Йўлдошимнинг айтишича, у қуролсозлик бўйича мутахассис экан. Бир муддат ватанида ишлаганидан сўнг унга Москвадан иш таклиф қилишибди ва у мазкур шаҳарга келиб бироз ишлабди: тўғрироғи, у ишламаган, балки чиндан тер тўккан. Унинг ўзга юртдан келгани учун заҳматли меҳнат ва соғинч чеҳрасига из солиб турарди. Ҳамкасблари ва иш берувчиларнинг унга ёт кўз билан қараши дўстимизнинг жон-жонидан ўтиб кетибди. Энди эса... оиласи ёнига қайтаётган экан. У билан Озарбайжон қуролли кучларининг бугунги ҳолати ҳақида бироз суҳбатлашган бўлдик. Қорабоғ ва унда кечаётган зиддиятлардан сўради. Қардошимиз адабиёт мухлиси экан. Озарбайжон адиби Юнус Ўғузнинг асарларини ўқигани ва улардан олган таассуротини ҳайрат билан сўзлаб берди. Қувондим. Яна тангаларни коллекция қилар экан. Унга сафархалтамдаги Озарбайжон тангаларидан бердим. Хурсанд бўлиб кетди. Шоирлигимни билиб бирон китобимдан беришимни сўради. Таассуфлар бўлсинки, китобим солинган жомадон юкхонада эди, бироқ ёнимдаги халталардан бирида дўстим, ёш шоир Турол Туроннинг китоблари бор эди. Улардан бирини мамнуният ила қардошимга узатаман. Самолёт қўнганида Турол китобига имзо қўйиб беради.

Ниҳоят, Тошкент аэропортига етиб келдик. Мен паспортим ва бошқа зарур ҳужжатларни кўрсатиб ўтиб кетдим. Аммо шеригим Туролга келганда қандайдир муаммо чиқди. Сиз чиқаверинг, дўстингиз ортингиздан чиқадилар, дея мени қўйиб юборишди. Юкларимни олиб ташқарига йўналаман. Туролдан хабар йўқ. Бояги ўзбек дўстимиздан телефонини сўраб олдим ва бизни қаршилашга чиққан қардошлар билан алоқага чиқишга уриндим. Аэропортдаги Туризм марказига йўналаман.





Ходимлар менинг Озарбайжондан эканлигимни билиб табассум билан кутиб олишди. Уларга муаммони тушунтираман-у, лекин унинг тезда ечилишини сезиб турардим. Сал ўтмай ёш шоир Мирзоҳид Музаффарнинг қадрдон ва бироз ўзбекча оҳанг аралашган “Селамуалейкум” деганини эшитиб қувониб кетдим. Кўришдик... Мирзоҳиднинг ёнида яна бир йигит бор эди, таништирди. Исми Икром, Ўзбекистон ёш ижодкорлар кенгашининг раис ўринбосари экан.

Тошкентга қалин туман тушган, бироз совуқ. Турол Турон ҳамон чиқмаётгани учун хавотир ола бошлайман. Мирзоҳид ва Икромбек мени тинчлантиришга ҳаракат қилади. Ниҳоят Турол чиқиб келди. Бизни кутиб олишга тайинланган машинага ўтириб, Икромбекнинг уйига йўл олдик. Ҳали тонг оқаришига 3-4 соат бор, соат еттида “Афросиёб” билан Самарқандга кетишимиз керак эди...

Икромбекнинг иссиқ уйидамиз. Биз бу азиз мезбонларнинг ярим кечада биз учун тузатган дастурхони устида суҳбат қура бошладик. Қаранг, бир-бири билан неча йиллардан бери кўришмаган биродарлар каби гурунглаша бошлаймиз. Қалбларимиз тили таржимонга ўрин қолдирмайди.

Самарқанд – яхлит мозийнинг улуг парчаси бизни кутаётир. Сал ўтмай

яна йўлга чиқишимиз керак. Тонг отгач, Шимоллий вокзал деб аталувчи поездгоҳга бордик. У ерда ҳам бошқа туркий ўлкалардан келган қардошлар тўпланиб туришган экан...

Бизни манзилга қадимий Афросиёбнинг учқур пўлат оти “Афросиёб” олиб борди. Поездга ўтиргач, эртақлардаги каби кўз очиб юмгунча муаззам Самарқандга етиб келдик ва бу ердаги гўзалликдан ҳам ҳайрат, ҳам ифтихор туйдик. Самарқандлик мактаб ўқувчилари, мутасаддилар бизни карнай-сурнай, нон-туз билан қарши олишди. Шеърлар, қўшиқлар, кулги овозлари, куй жаранглари руҳимизда ажиб ҳисларни уйғотади. Митти юраклардан оламга олам-олам меҳр ва қувонч ёйилади. Бир пайтлар бутун бир миллатни бирлаштирган Афросиёб ўша миллат фарзандларини яна бағрида жамлади.

## Буюк Темур юртида

Кўчаларга нигоҳ ташлайман. Қадимий бинолар пештоқидаги ҳар бир ёзувни тушунишга уринаман... Ҳамма нарса таниш, ҳамма нарса қадрдондек кўринади. Бироздан сўнг фестивалнинг очилиш маросими бўлиши керак эди. Шу сабабдан махсус автобусга ўтириб қисқа манзилга отландик. Шаҳарнинг нақд юрагида виқор тўкиб турган муҳташам Регистон мажмуаси худди яхлит шеърга ўхшайди! Ҳар тоши бир нақш, ҳар нақши – санъат асари. Мен бу ердаги минораларни Самарқанднинг кўкка узанган қўлларига ўхшатаман...

Хуллас, фестивал ўз ишини бошлади. Ўртага таниқли адабиётшунослари, Халқ шоирлари ва меҳмон ижодкорлар сўзга чиқишди. Ёлгон гапириб нима қилдим, ўзим гарчи залда бўлсам-да, фикру зикрим Регистон майдонида эди. Ташкилотчиларнинг кўзини шамғалат қилиб Мирзоҳид ва Турол билан майдонга чиқамиз. Мен тарихни қўлларим билан ушлаб кўргим келади. Кўҳна деворларни силайман. Бармоқларим титрайди...

Тадбирлар поён топгач, яна бояги автобусларда меҳмонхонага йўл оламиз. Қаранг, меҳмонхонанинг номи ҳам Регистон экан. Бу юртда ўз тарихини асраш шу қадар кучлилигини кўриб жуда қувондим!

Фестиваль режасига кўра, ресторанга борамиз. Куй-қўшиқ, одамлар юзидаги самимий табассум қалбингга англашиб бўлмас некбинлик солади. Ташкилотчилар қувончли хабарни очиқлайди.

Эртага Самарқанднинг бошқа тарихий обидаларини кўришга борар эканмиз.

16.11.2018... Ҳаммамиз Соҳибқирон қошига чиқмоққа шаймиз. Йўлга тайёргарликлар пухта. Йўналишимизнинг илк манзили буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳазратларининг мақбаралари бўлди. Зиёратчилар кўп. Улар бу ерда кўнгил тили ила суҳбат қуришарди. Дуолар ўқилди. Дуои фотиҳадан сўнг шу мақбара ёнидаги музейга кирдик. Бу ерда ўзга юртларнинг Ўзбекистонга ҳадя қилган Қуръони карим китобини кўриб, кўнглимиз аллақандай илоҳий сакинат топгандай бўлади.

Ҳазрат Имом Бухорий зиёратларидан чиқиб, енгилмас саркарда Амир Темур мангу макон тутган манзилга одим отамиз. Энди ҳаяжонимизни тасаввур қилаверинг.

Китоблардан ўқиб, бир замонлар кўришни орзу қилган ва бугун ўша бахтга мушарраф бўлиб турган тарих – Амир Темур хилхонасида туриш... Соҳибқирон мақбарасини айланарканмиз, ўзбек дўстларимиз бу ердаги ҳар бир тошнинг тарихи ҳақида маълумот беришади. Суҳбатлар турли афсона ва ривоятларга қоришиб кетади. Уларни эшитарканман, воқеалар кўз олдимда рўйроқ жонланади. Хаёлан XIV асрда яшаётгандек ҳис этаман.

Тарих кўзгуси бўлмиш Самарқанд обидаларини томоша қилишга ҳеч тўймасак-да, “Самарқанд шеър оқшомлари”нинг асосий тадбири бўладиган жойга кетдик. Мен аввалига мазкур тадбирда, нари борса, 100-150 одам қатнашса керак, деб ўйлагандим. Бироқ... залдаги қарийб минг кишини кўриб, бутунлай лол қолдим. Халқ таъбири билан айтганда, игна отсанг, ерга тушмайдиган даражада тирбанд давра. Шеърга, сўзга бу қадар меҳрини кўриб ўзбек халқига ҳурматим чандон ошди. Тадбирдаги энг майда деталлар, мушоиранинг ҳар бир дақиқасига қадар пухта ташкиллангани ҳам таҳсинга лойиқ.

Озарбайжон вакили сифатида мен ва Турол Туроннинг чиқиши Ёш ижодкорлар кенгаши ходимлари томонидан ниҳоятда нозик дид ила режалаштирилган экан. Мамлакатимиз номи эълон қилинган, залдаги қарсақлар гулдуриси оламни тутиб кетгандек бўлди...

Хуллас, Турк дунёсининг турли нуқталаридан ташриф буюрган катта-кичик шоирларнинг рангоранг манзумалари ила мушоира бошланиб кетди. Биз ушбу манзаралар таъсирида умрини Туркий халқлар бирлиги йўлида фидо қилган улуғ аждодлар руҳини ёд этиб, Яратганга минг бор шукрона келтирдик. Эсдалик учун суратларга тушганимиздан кейин бу эртакнамо кунга якун ясалди. Барчамиз кўнглимизда чексиз муҳаббат ва Самарқанд соғинчини туйиб, азим Тошкентга қайтиш учун ҳозирлик кўра бошладик.

Биз жойлашган меҳмонхонанинг даҳлизида йиғилган, шеър ўқиган меҳмон шоирларнинг чехрасида қандайдир хафалик бор эди. Чунки тез орада бу жаннатмонанд юртдан учиб кетамиз... Мана шу тадбирнинг барча оғирлигини нозик жуссасига юклаган ва улкан қалбига қардошлар бирлигидек улуғ мақсадни жойлаган Меҳриноз хоним Аббосова бутун чарчоқлар ва турли муаммоларга қарамай, унинг юзларидан бир лаҳза бўлсин табассум аримади. Умун олганда, биз кўрган ўзбек қардошларимизнинг бари хотирамизда илиқ ва ўта салимий табассуми ила мангуга муҳрланиб қолди.

17.11.2018... хотираномамизнинг бошида айтиб ўтганимиз ўша учқур “Афросиёб” поездининг “оёқ”лари яна темирйўлга тушади. Кўзларимни чексиз



чўллар ва бахмал адирлардан ола олмайман. Ҳар бир дарахт, тош ва майсани эслаб қолишга уринаман. Сирдарё ўзанидан ўтаётганимизни адабиётшунос Баҳодир Карим айтиб қолди. Тарихий китобларда ўқиганим – номлар яна тирила бошлайди: Амударё... Сирдарё... Амир Темур... Буюк саркарда мана шу икки дарё орасида – Мовароуннаҳрда таваллуд топган, бу ерни обод ва озод Ватанга айлантирган.

Профессор Баҳодир ога билан суҳбатимиз қизгин тус олди. Мозийдан то ҳозирга қадар ўзбек-озар адабий алоқаларини мустақамлашга ҳисса қўшган, икки халқнинг маънавий устозлари бўлган ёруғ сиймолар ҳақида фикр алмашдик. Суҳбат давомида устоз Баҳодир Каримнинг Озарбайжонга чексиз ҳурмат ва муҳаббати борлигини ҳис қилдим.

### Яна Тошкентдамиз...

Ташрифимизнинг дастлабки кундаги каби туман-рутубат Тошкентни тарк этибди. Қуёшнинг беозор шуълалари ичра пойтахт бор гўзаллиги ва салобати ила кўркам бўлиб турганди.

Биринчи бўлиб Ўзбекистон – Озарбайжон дўстлигини мустақамлашда хизмат қилаётган “Китоб дунёси” газетаси таҳририятига йўл оламиз. Биз билан Самарқанддан бирга қайтган ўзбекнинг таниқли шоираси Хосият Рустамова ўзи раҳбарлик қилувчи ушбу газета таҳририятида бизни кўриб шу қадар қувондики... Бу аёлнинг бизга кўрсатган самимий муносабатидан беҳад хурсанд бўлдик. Таҳририят билан танишгач, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига йўл олдик.

Бизнинг тил билан айтганда, Ёзарлар бирлигининг сўлим хиёбони Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарорига биноан бунёд қилинибди. Бу қадар юксак эътиборга сазовор бўлган Уюшманинг аъзоларига ичимиздан ҳавас қилдик. Қардошлар ўлкасида аҳли адабиётга бу қадар гамхўрлик кўрсатилсаю, қувонмай бўладими?! Ёзувчилар уюшмаси биносидаги таҳририятлар билан бир-бир таниша бошладик. Довруғи Ҳазар денгизидан ўтиб бизга қадар ёйилган “Ёшлик” журналининг бош муҳаррири Фахриддин Ҳайит билан ҳамсуҳбат бўлдик. Суҳбат замонавий шеърият, журнал



фаолияти ва ўқувчилар савияси ҳақида бўлди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, у киши ҳам замонавий туркий шеърият намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш билан машғул экан.

Сўнг “Жаҳон адабиёти” журнали таҳририяти билан танишдик, шундан кейин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг иш хонасида тўпландик. Сирожиддин Саййид жанобларининг ўзбекона лутфи ва самимияти, Туркий дунёга бўлган меҳри бизнинг у кишига бўлган ҳурматимизни янада орттирди. Оташнафас шоир юртимиздаги замонавий адабиётдан сўз очди, ўзи таниш бўлган ижодкорларнинг ҳолини сўради. Суҳбат асносида Озарбайжоннинг таниқли адиблари Анор, Феруз Мустафонинг Тошкентга келганларини сўзлаб берди.

Учиш вақти етгунга қадар Тошкентни айландик. Қадрдонлар билан дастурхон атрофида жам бўлдик. Барчалари бизга самимий ҳурматини изҳор этиш учун озарбайжончалаб “гардаш-гардаш” деб елкамизга қоқиб қўйишарди...

Бироз ўтгач, ота юртда дўстлашган қадрдонларимизга омонлик тиладик.

Йўлда яна бир йўлдошга эҳтиёж бор. Илинж билан об-ҳаво янгиликларига кўз тикаман. Москва яна совуқ... изгирин... У ердан Бокуга йўл оламиз. Ахир, бизни она Ватанимиз ва Ҳазар денгизи кутаётир!

Омон бўлгин, Ота юрт!

**Мирзоҳид МУЗАФФАР**  
таржимаси.



# Zaminni ko'rpaday qoplab yotar qor

## ЧЕГАРА

Чеку тегарасиз, деган гап ёлгон,  
Чегара мавжуддир қуёшда, ойда.  
Урушлар бошланган, дарё-дарё қон  
Оққан тегаралар бузилган жойда.

Чегарасиз эмас на дарё, на дор,  
Хатто нуқтанинг ҳам бордир ҳудуди.  
Дўстим, дўстликнинг ҳам тегараси бор,  
Асло буза кўрма ушбу ҳудудни.

## ФИДОЙИЛИК

Қойил қиламан деб, дунёи дунни,  
Ҳайратда қолсин деб, давру даввора;  
Бедору беором ўтказиб тунни  
Қаҳрамонлик излаб бўлма овора.

Ватанга садоқат кўрсатмоқ угун  
Кўжракни ўқ-гўққа урмоқ шарт эмас.  
Укам, гумолини авайлаб секин,  
Йўлнинг бир тетиға олиб қўйсанг, бас.

Сенга гинормонанд камолот тилаб,  
Елкада ардоқлаб турмиш Она ер.  
Бир ожиз қушганинг қанотин силаб,  
Угириб қўймоқ ҳам фидойиликдир.

## СИЗНИНГ ҚЎЛИНГИЗГА

Оламда мавжуддир нега минг олгоқ,  
Қанга муттаҳаму қанга олғир, қув.  
Шуларнинг бари жам бўлса ҳам, мутлоқ  
Сизнинг қўлингизга қўёлмайди сув.



## Абдусайд КЎЧИМОВ

1951 йили тугилган.  
Низомий номидаги  
Тошкент давлат педагогика  
институтининг (ҳозирги уни-  
верситет)нинг ўзбек тили  
ва адабиёти факультетини  
тамомлаган.  
“Кашфиётчи болалар”,  
“Менинг Ўзбекистоним”,  
“Тошбургут”, “Менинг  
юлдузим”, “Чаноқ”, “Ҳалқа”,  
“Икки баҳор”, “Умид  
дарахтлари”, “Қиёфа”, “Ёсу-  
ман”, “Баланд тоғлар”, “Кўз-  
ларимнинг қароғидасан”,  
“Муҳаббат боғлари”, “Эл сув  
иган дарёлар”, “Сафар” ном-  
ли публицистик, шеърий  
ва насрий китоблари топ  
этилган. М.Харисовнинг  
“Қизил сайёрага саёҳат”  
қиссасини таржима қилган.



## ТОНГ

Ҳар тонг туриб тонгга салом бер,  
Ҳар тонг, тонгга айтгин қасида.  
“Ассалом!” деб мардона ҳайқир,  
Шодликларинг ўтли сасидан;

Чинни каби жарангласин ой,  
Жарангласин сомон йўллари.  
Жарангласин самовий тирой —  
Соҳир саҳар камалаклари.

Титраб кетсин тоғлар тожию  
Кавкабистон юлдузигага,  
Шамолларнинг тилвир согию  
Уммонларнинг илдизигага.

Қаҳрабо тун кўмилсин куйга,  
Куйга тўлсин нилий фалаклар.  
Рақс тушсин илоҳий уйда,  
Оқ булутлар — саркаш малаклар.

Кўм-кўк гумбаз мавжлансин, маъсум  
Шабнамларнинг мунгоқ кўзида.  
Чузмомолар қилсинлар таъзим,  
Қизгалдоғу бўтакўзига.

Зухро юлдуз — самовий тугён.  
Насимларга ёр-ёрлар айтсин.  
Шалолалар куйласин достон —  
Қирлар яшил алёрлар айтсин.

Бошга кўтар париваш сиймо,  
Мунаввар тонг — субҳи санамни.  
Шундай сирли дамларда, аммо  
Ухлаб ётган одам, одамми?

Ҳей, уйқуғи зотлар, туринг, де,  
Уйғот, мудроқ кўзларни уйғот!  
Туринг, туринг, гаппар уринг, деб,  
Сокин саҳар қуғоғига от!

Бошга кўтар мунаввар тонгни,  
Ҳар тонг шеър айт, айтгин қасида.  
Маҳкам қуғиб оппоқ оламни,  
Ўпиб қўйгин пешонасидан.

## ҲАВАС

Улгу олиб яша доим ҳавасдан,  
Булбулдек куйлашга талпинсин қумринг.  
Фақат соя бўлиб қолма ҳавасга,  
Ҳавасга эргашиб ўтмасин умринг.

Ярқироқ юлдуздек гарақла ҳар дам,  
Изингда гулласин сирли тилсимлар.  
Ибрат бўл, орзу бўл, ҳавас бўл сен ҳам  
Кимлардир сенга ҳам ҳавас қилсинлар.

## ҚУЁШ БАЛҚИБ ТУРАР...

Заминни кўрпадай қоплаб ётар қор,  
Қуёш балқиб турар кулранг маъвода.  
Гўё қиш қўйнида барқ урар баҳор,  
Гўё райҳон ҳиди қалқир ҳавода.

Бироқ алдамгидир бу ҳолат, илло —  
Аёз пусиб ётар тўнғиб музтошга.  
Эҳ! Қандай дунё бу,  
дўст-ку, дўст, ҳатто  
Ишониб бўлмаса бобо қуёшга.

## ҚАРАБ ҚҲЙ

Юксак, юксакларда — гўзал маконда,  
Азим тинорлардай гуркираб ўсгин.  
Ёлгон мақтовлардан зериккан онда,  
Босган изинга ҳам қараб қўй, дўстим.

## САДОҚАТ

Садоқат йўқ, дейсан,  
Садоқат ўлган.  
Ҳаммаёқ ёлгонги,  
Қаллобга тўлган...  
Магар, шундоқ эса  
Фурсат, бафурсат;  
Садоқат тилама,  
Садоқат кўрсат!



## ТАЪЗИМ

Билмам, назар тутдингиз нени,  
Омадлисан, деганда менга.  
Минг бор шукур қиламан, мени –  
Ҳаёт сизга угратган кунга.  
Келган бўлса, зарра омадим,  
Кулган бўлса, тақдири мумтоз;  
Бошим ерга теккунга таъзим –  
Сизга таъзим қиламан, устоз!

## ХАТО ҚИЛМАНГ

Бир ҳамдам топай деб, топай деб дўст-ёр,  
Дарё каби тошдим, шамолдек шошдим.  
Гавҳарим тош бўлиб тикди ҳар сафар,  
Ҳар гал хато қилдим, ҳар гал адашдим.  
Хато деганлари дарддир бедаво,  
Яланғоғ кўксингга сангилган тикан.  
Хатодир, хатонинг энг тўнги аммо,  
Одам танламоқни билмайди, деган.  
Мен одам танлашда кўп бор адашдим,  
Қанотим қайрилди, эзилди шаштим.  
Бир марта ишонмай адашган бўлсам,  
Ўн марта ишониб, ўн бор адашдим.  
Оҳ! Бугун юрагим мажруҳ бир сато,  
Инграр – ўз-ўзимга қилган ҳақсизлик.  
Дўстлар, сиз адашманг, сиз қилманг хато,  
Сиздан нари бўлсин бизнинг бахтсизлик.

## ХИССИЗЛАРНИ КЎРСАМ

Ҳар битта сўзимни англайди итим,  
Ҳар бир ишорамни илиб олади.  
Ёт, десам юзимга термулади жим,  
Дардимни кўзимдан билиб олади.

Кес-сақдай бетуйғу зотларни кўрсам,  
Игдан эзиламан, тутаб, куяман.  
Қарашлари сокин, ўктам ва кўркам  
Итимнинг бошини силаб қўяман.

## НЕГА ТУШ ЭМАССАН?

Қайларда юргандинг, эй гулранг баҳор,  
Ўн саккиз...  
Ўн тўққиз...  
Ўттиз ёшимда?!  
Қўна бошлаганда соғларимга қор,  
Нега нилуфардек келдинг қошимга?  
Осмондан тушдингми, тикдингми ердан,  
Нега туш эмассан, эмассан сароб?  
Кўзларим қамашиб кетди-ку нурдан,  
Булутли осмонга тикқандек офтоб.  
Сезолмай қолдимми ёлгонни гиндан,  
Бизга аталганми париваш бастинг?  
Ё, қилиг қаноти қайрилган, синган  
Бургутда бормиди гаразли қасдинг?  
Шабнам ифоридек нозик табассум,  
Мудроқ ўйларимни солса ларзага.  
Найзалар сангайми ўзимга ўзим,  
Қайга бош урай бу қалтис лаҳзада?  
Йўқ, йўқ, ўйнашмагин ўт билан асло,  
Ташиши сотиб олма ғамсиз бошингга.  
Оташ оловида ёндиргай, илло –  
Севса...  
Севиб қолса, менинг ёшимда.  
Қизгалдоқ навоси келмоқда қирдан,  
Телба қилаёттир бир сирли итоб.  
...Осмондан тушдингми, тикдингми ердан,  
Нега туш эмассан, эй сирли сароб?..

## УЛУҒЛИК

Бир-биридан азиз, муҳташам, порлоқ,  
Хислатларимиз кўп бамисли офтоб.  
Катталар қошида “хўп-хўп”, деб турмоқ,  
Шоҳона удумдир, шарқона одоб.

Қонимизга кирган мўминлик оқиб,  
Бажо айлағаймиз “хўп-хўп”ни бекам.  
Аммо ноҳақликка типпа-тик боқиб,  
“Йўқ!”, демоқ бундан-да улғудир, укам.





*А*бдуллажан  
АКМАТАЛИЕВ,

Қирғизистон Республикаси  
Миллий фанлар академияси  
вице-президенти. Фило-  
логия фанлари доктори,  
профессор, Қирғизистон  
Республикаси фан арбоби.

# Muhabbat va iztirob ramzi

Ёз ойларида “Тоғлар қулаганда” романи тугаганидан сўнг, Чингиз Айтматов китоб ҳақида фикр билдиришим учун Белгиядан қўлёзма-ни юборди.

Ҳар бир ёзувчининг ғаладонида доимо бошлаб қўйилган, тугати-лишига оз қолган, маълум бир сабабларга кўра вақтинчалик тўхтатиб қўйилган асарлар бўлади. Мен ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида Айтматов билан ижодий дўстона муносабатда бўлдим. Кўпинча у мендан иш ёки мақолага оид баъзи материалларни тушунтиришни ёки газета ва журналларнинг эски сонларини топишимни сўрар, мен унинг талабини ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилардим. Масалан, Чингиз Тўрақулович саркарда Чингизхоннинг вафоти ҳақида бирор нима қораламоқчи бўлганида, мен унинг илтимоси билан Фанлар ака-демиясининг кутубхонасида сақланаётган мўғулар ҳақида ёзилган кўплаб китобларни топиб берганман. Бир сафар у мендан қор барсла-ри ҳақида яхшигина маълумотга эга бўлган овчиларни топишимни сўради. Кўп ўтмай у “Тоғлар қулаганда” деб номланган ўзининг сўнгги романини ёзди.

Мен Чингиз Айтматовнинг кўплаб асарлари яратилишида ўрин тут-ган асл манбаларга гувоҳ бўлдим. Таъкидлаш жоизки, “Қордаги Биби Марям”, “Бакҳиана”, “Худонинг нархи”, “Китина ва Кеатон” ёки “Се-вишганлар мактублари”, “Йиғлаётган деворнинг ўлими” каби асарлар устида ишлаш жараёнида муаллиф 30-40 бет ёзиб бўлгач ҳам, ўз ишидан қониқмади, бир неча марта уларни қайта ёзди. Албатта, юқорида қайд этилган қўлёзмаларни катта ишлар учун эскизлар, деб аташ мумкин. Уларнинг баъзилари ўзгаришларга учраб, “Жоди”, “Кассандра тамғаси” романларига кирди. Қўлёзма шаклида қолиб, ўқувчига етиб бормаган яна бир асари “Най ва Ер” ҳикояси бўлди! Худога шукрки, ёзилганига қирқ йилдан ўтган қўлёзма топилди. Йиллар давомида ёзувчи нега ушбу қўлёзма тўғрисида оғиз очмагани сирлигича қолмоқда. Балки қўлёзмани яқиндагина муаллифнинг ўғли Асқар Айтматов уйдан топилгани бунда шахсий сабаблар борлигини тасдиқлар?

Бу ҳикоя, эҳтимол, “Алвидо, Гулсари” дан кейин, лекин аниқ “Оқ кема” қиссасидан олдин ёзилган.

“Най ва Ер” ҳикояси Чингиз Айтматовнинг асарлари адабий ва эстетик ривожланишининг янги даражасига кўтарилган даврда ёзилгани ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин. Мавжуд қўлёзмадан ёзувчи ўз ишини тўла-тўқис қайта кўриб чиққан-чиқмагани маълум эмас. Айт-



матов ўз фикрларини тўлиқ ифодалаши, тасаввурларини тўлиқ очиб бериши ва ҳикоя йўли орқали мантиқий натижага эришиши мумкин эди. Асарни нотугал деб ҳисоблайман, чунки ҳозир бизда ишнинг якуний қисми йўқ. Шундай қилиб, ёзувчининг вафотидан кейин тез орада топилган қўлёзма ҳақида саволлар туғила бошлади ...

Асар мавзуси, хусусан, қирғиз тилида янграши қандайдир ғайритабиий туюлади. “Най” (яъни “Чоор”, “Чоор” и “земля”) ва “тупроқ” – бир-бири билан ҳеч қандай алоқаси йўқ нарсалар. ...Сўнгра сўфий шоир Румий ижодига юзланаман. Унда айтилишича, най соҳилда қолиб кетибди, у ерда у найзага айланишидан олдин ҳам ўстан бўлади. Вақт ўтиб ўз ҳолига ачинганидан нолиш этади! Жалолиддин Румий ўз асарларида оддий ҳаётий ҳодисалар орқали “бошланишнинг бошланиши” – Худо ҳақида гапира туриб, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини Худонинг чексиз раҳм-шафқатига ва севгисига бўйсуниб, куч ва қудратини улуглаш орқали эришади. Шеърнинг маъноси остида шоирнинг ушбу насиҳати ётади: “Худо бизни лойдан яратганидан сўнг най орқали руҳ киритади. Шундай экан, биз асл манбаимизни излаб топишимиз керак”. Ўйлашимча, ёшлигидан Шарқ ва Ғарб асарларини ўрганишни истаган Чингиз Айтматов, албатта, Румий асарлари билан ҳам яхши таниш бўлган. Балки “Най ва Ер” асарида ёзувчи Назира (Шарқ адиблари адабий классикасида “шеърый жавоблар”) анъаналарини давом эттирган ҳолда, “асл манбалар” ҳақида фикр юритган Румий билан, дейлик, ижодий беллашувга чиққандир. Асарнинг моҳиятига кириб борарканман, тахминларим бир қадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Ибтидо ҳақида фикр юритиш “Най ва Ер” асарининг марказини ташкил этишининг сабаби ҳам шунда. Албатта, бу мурожаат Румийнинг сўфийликка йўғрилган асарларида бўлгани каби диний йўналишга эга эмас, балки Айтматовга хос жамиятнинг тўғри, соғлом ривожланиши учун зарур бўлган миллийлик, халқ урф-одатлари, эътиқоди, тушунчаларига олиб келувчи оҳангга эга.

“Алвидо, Гулсари” асаридан фарқли ўлароқ, “Най ва Ер” номли асарда асосий қаҳрамон бўлган Байимбет ўзининг зулм қилинган онгига таяниши мумкин бўлган ҳеч нарсани кўрмайди. Сухбатларнинг бирида ёзувчининг “Алвидо, Гулсари” ва “Оқ кема” асарларида бадиий восита сифатида фольклордан фойдалангани – “концепция” деб ном олганди, бундан маълумки, машҳур доноликнинг келиб чиқишини ҳатто ёзувчи ҳам фаол мафкуравий тушунча даражасига кўтаради.

Фольклор асарга тўғридан-тўғри асосий сюжетга боғланиб эмас, балки унинг таркибий қисми сифатида киритилади. Яъни турли авлодлар (Бай-

тим, унинг қизи ва келини, набираси) ўртасидаги муносабатларни, жамият ва шахслар ўртасидаги муносабатларга қиёслаб тасвирлашда бадиий парраллеликни юзага келтириб фойдаланади.

Асар шундай бошланади: “Бу автобус дунёдаги бошқа автобуслардан фарқ қилмайди. Лекин айнан шу автобусда у шаҳар ташқарисига чиқди ва қайтиб келди. Неча маротабалаб шу автобус орқали Қайиндига келди, лекин бирор марта бу шаҳарда қолмади. Бу – унга одат. Кейинги қатновгача у нималар қилишга улгурмайди дейсиз, лекин... Шунақа гаплар...” Шундай қилиб, Чингиз Айтматовнинг янги ва айни пайтда эски таниш қаҳрамонини билиб оламиз. Эскилиги шундаки, Байимбет – муаллифнинг 70-йилларнинг бошларидаги қаҳрамонларига яқин. Янгилиги эса қаҳрамон билан биринчи марта танишмоғимизда.

Найни усталлик билан чалиш Байимбетга бобоси қонидан ўтган, у моҳирона ижрога шўнғиган дамларда қўшни қишлоқлардан ҳам тинглашга иштиёқмандлар келарди. “Айдариш”, “Бекбекей” сингари куйлар унинг онгига болалик йилларидан сингиб, тарбиясига ижобий таъсир ўтказди. Масалан, “Айдариш” куйини ижро этишни бошлаганида, тингловчилар кўз олдига Ала-Тоо томондан янги шабада эсгани, дарахтларнинг майин-майин тебраниб тургани, кенг далада силлиқ шовқин-суронлар кезиб юргани келарди. Тасаввурларни мусиқанинг майин оҳанги қайраб турарди. Мусиқа ва тасвир орқали чиройли санъат асари яратиш Чингиз Айтматовнинг ўзига хос қобилиятидир. У нимаки ёзмасин, тан олиш керак, мусиқа ва санъат намуналари бўртиб туради. Бирор қаҳрамоннинг ички дунёсини тасвирлашда ёзувчи даставвал ўқувчини бирор гап-сўз билан чалғитиб, кейин мусиқа орқали руҳ киритади. Болалигидан бошлаб Байимбетнинг руҳини мусиқа чулғайди. Мусиқа туйғуси, унга бўлган мойиллик қаҳрамонни ижод дунёсига олиб келади, илҳомлантиради, бундан ташқари, уни қозоқ кўшиқчиси Шолпан билан таништиради. О, ўша пайтларда Байимбет нақадар бахтли эди! Лекин унинг ҳаёти найни севиш билан бошланади. Байимбетнинг истеъдодидан мамнун бўлган раҳбарлар уни пойтахт филармониясида ишлашга таклиф қилишди. Катта Чуй канали концертида иштирок этишни режалаштирган қаҳрамон Қозоғистон санъаткорларининг делегациясини кутиб олишга тайёр эди. У қўлида бир даста гул тутиб, кимга ҳада этишни билмай турганида қаршисидан Шолпан чиқиб: “Менга берақол гулингни, иним. Мен севишли Зинам учун уни ҳада қилмоқчиман, сен ўзингга бошқа олақол. Ундан кейин қўлингга ушлаб турган найингдан ҳам бирор куй эшитсам дегандим?” Мана бу бир кўришдаёқ севиш, муҳаббатнинг илк учқуну! Айтматов муҳаббатни куйловчи адиб, унинг эзгу

орзуси қалбнинг муқаррар севгисидир. Агар самий туйғу муҳаббатга айланса, ҳеч ким уни тўхта-толмайди – қахрамоннинг ўзи ҳам, бошқаси ҳам. Айтматовнинг қўлэмасидаги севги мавзуси бошқа асарларидан тамомила фарқ қилади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки севги формуласи ягона-дир, у – инсон ички дунёсининг чўққиси. Одамлар ҳиссиётининг юқорига олиб чиқувчи кучи севгида, бошқача айтганда, кишининг азобланиши, йиғлаши, кулиши, ҳислари бир хилдир, лекин севгиси эмас. Шундай эмасми? Шундай қилиб, Байимбет бу ёрқин туйғу асирга айланади, йигит танишига гул олиб бормоқчи бўлган Шолпанни рашк қилади. Хўш, айтинг-чи, мана шу рашкнинг ўзида севгининг илк учқунлари зоҳир эмасми? Қизнинг қиёфаси яна бир бор унинг кўз олдига пайдо бўлади, уни уйқудан махрум қилади, Худога илтижо қилиб, Шолпан эртанги ижросини чиройли яқунлашини сўрайди. Ўзининг “Гулгааки” деб номланган фольклор қўшиғини унга бағишлаб ижро этишни, ҳисларини унга билдиришни орзу қилади. “Гулгааки” қўшиғига асосланиб, ёзувчи антик даврда ҳам, ҳозир ҳам ва келажакда ҳам ҳар доим бир хил маънога эга бўлган, ҳар доим бир хил бўлади, севгисини кўрсатади: тоза туйғу ҳар доим баландликка хосдир. Афсонага кўра, бир дарвеш Гулгаакини севиб қолади, бу худди Байимбет Шолпанни севишига ўхшайди. Лекин алоҳида аҳамият қаратиш керакки, ҳар икки ошиқ ҳам турли даврларда яшагани билан бир хил севгининг асирларидир. Шу билан бирга, маҳоратли сўз устаси – Чингиз Айтматов қадимий афсонани ва ўз қахрамонлари тақдирини ўзаро бирлаштириб, яхлит бир асар яратади. Кутилганидек, концертдан олдин Байимбет Шолпан билан учрашади ва унга ҳаяжонни тарқ этишни ва ўзини эркин тутишни, овозининг тембрини сақлашни, одамлар олдига яхши ижрога киришиши кераклигини айтади. Эҳтимол, тақдир уларни бирлаштиради, бу ҳис-туйғулар уларнинг қалбида мавҳум бўлиб, кейинчалик секин-аста ўчиб кетган бўлар эди. Ким билади дейсиз? Агар биз севишганлар севгиси янада мустақкам бўлиши учун висол шарт, деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда Байимбет ва Шолпан учрашуви ҳам шу каби эҳтиёжларга таянди. Қизнинг табиатидан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳам топган бахтини йўқотиб қўйишдан қўрқарди, чунки у анчадан бери шу лаҳзаларни кутарди. Ох, ўша вақтларда икки ёш қанчалар бахтли эди?! Қўлэммада икки қахрамоннинг тақдири ҳақида гапирилмайди – муаллиф фақат бир гап билан чекланган: “Бу қахрамонларимизнинг сўнгги учрашуви эди”. Аммо нега? Қўлэманинг сўнгги варақлари ҳали топилмади, шунинг учун бу ҳақда бир нима дейиш қийин. Балки Шолпан билан бирор фалокат юз бергандир? Агар сиз воқеаларнинг мантикий давомийлигига риоя қилсангиз, шу хулосага

келасиз. Нега Байимбет автобустга чиқиб Кайиндига йўл олади? Бу жой уни нима билан ўзига тортиб туради? Мана унинг сўзлари: “Сен мени ўзингга чорла, Кайинди, менинг тақдирим ҳақида сўра...” демак, унинг қалбида улкан қайғу ва ҳеч қачон рўёбга чиқмайдиган орзу бор... Нега Байимбет ўз қизи Айзада билан тил топишолмай, невараси Славик билан ўзаро зиддиятга тушиб қолди? Ҳаммаси унинг эски тушунчалар билан яшашидами? Бугунги ақлли ёшларнинг мақсадлари, интилишлари, орзуларини тушунишга қодир эмасми? Нима учун бугунги ёшлар най каби халқ чолғу асбобларини қабул қила олмайди? Нима учун ҳар бир киши шахсий режаларини биринчи ўринга қўяди ва жамият муаммосига келганда бефарқ бўлади? Бу чуқур моҳият, социализм мафкурасими?! Байимбет қанча кўп одамлар билан учрашмасин, қандай вазиятларда тўқнашмасин, барибир ўзига муносиб дўст топа олмайди. Партия ходими Асакеев, Олег Завадский, Байимбет билан танишишга вақт тополмайди, аммо урушда ота-ўғиллардек муносабат шакланган эди. Асосий қахрамон вақт ўтган сайин ўз ҳаётида ёлғизликнинг кучайиб бораётганини ҳис қилиб, ўз қизи ва набираси билан яқин алоқаларни тиклашга уриниб кўради, лекин уларга юрагини очолмайди. Бир сафар Славик бобосининг Асакеев билан Будда ҳайкали олдига ўтирган расмини йиртганди. Бу сурат Байимбет ҳаётидаги энг муҳим нарсалар қаторида турарди. Уйда йиртилган фотосуратни кўрган чол дод солиб йиғлади. Куёви Евгений эса ўзини ҳеч нима бўлмагандек тутиб, бефарқларча: “Нега ҳадеб хафа бўлаверасиз, уруш бу – уруш, унда қанча одам ҳалок бўлади, қанчаси омон қолади, муҳими бу эмас, муҳими – натижа!” дейди. Кейин эса қўрқитмоқчи бўлиб, қўйидагиларни қўшиб қўяди: “Сиз бизнинг ғалабамизни истамаганлар тарафдамисиз? Агар шундай бўлса, керакли жойга хабар бераман!” Унга жавобан Байимбет бундай дейди: “Йўқол!”. Евгенийнинг салбий қиёфасида манқуртлик аломатлари сезила бошлади. Худди шундай, салбий образ – Собитхонга, Чингиз Айтматов Эдигейга айтган гапини қайтаради: “Сен манқуртсан!”

Сиёсий, маданий, иқтисодий глобаллашув давридаги интеграция, бу жараёни чеклаш, тўхтатиш, кескин танқид қилиш мумкин эмаслигини англаган ҳолда, ҳар бир нарсаси: миллий хусусиятлар, инсон эътиқоди, унинг ниятлари билан боғлиқ деган фикр билан ёзувчи Евгенийнинг салбий қиёфасига муқобил этиб, “Оқ кема” қиссасидаги Орозқулнинг яна бир тасвирини яратди. “Оқ кема” қиссасидаги Бола ўз бобоси билан яқин муносабатда бўлган бўлса, “Най ва Ер” асаридаги бобога набираси Евгений мутлақ совуқ муносабатда бўлади. “Оқ кемада” Бола бобосидан Шоҳдор Она бугу ҳақида эртас эшитди, унга ишонди, ҳаёлий дунё-



лари ичра яшади, халқнинг урф-одатлари билан танишди, баҳорда ички руҳи афсонавий тушлар каби жонланди. Лекин бунда Славик шаҳарда ўсди, болалар боғчасига борди, ҳеч қандай афсона эшитмади, ҳатто қирғиз тилини яхши билмади, отасининг ҳақорат тўла сўзларини эшитиб катта бўлгани сабабли ўз бобосини-да ранжитди. Асарлари орқали ёзувчи болаларни яхши тарбиялашнинг илдизи қаердалигини уқтиришга интилади.

Кўчирув ишлари ҳақида салбий таассурот қолдириш учун, тўғридан-тўғри эмас, мажозий, мавҳум бирлашма орқали Чингиз Айтматов Будданинг тош ҳайкалини Манас эпоси билан боғлайди. Шу мақсадда у Катта Чуй канали қурилишига – орқага қайтади. Ташқаридан қараганда, катта қурилиш қандай кетаётгани ва мамлакат бир маромда ривожланаётганини кўриш мумкин. Аслида эса социализм қурила боргани сари одамларнинг моддий ва молиявий бойлиги йўқолиб бораётган эди. Мазкур воқеалар орқали Байимбет, Айзада, Евгений кабиларнинг руҳий ҳолатлари моҳирона тасвирланган. Шу билан бирга, ёзувчи Совет ҳукумати қандай ўрнатилгани, аждодлар юрти халқдан тортиб олингани, халқнинг илдизларини қирқиш мақсад этилгани, тарихий хотирасини йўқ қилиш кўзлангани ҳақида ҳам айтиб ўтади.

Буюк Чуй каналини қуришда тарихий ёдгорлик топилган – Будданинг тош ҳайкали. Асакеевнинг таклифи билан марказдан Надежда Ивановна ва бир йигит келади. Улар ўша жойнинг ўзида ҳайкалнинг қадимийлигини ўрганишади. Байимбет меҳмонларга най чалиб беради. Найнинг хонишини тинглай туриб Надежда Ивановна чуқур ўйга толади ва оҳанг тингач, сўрайди: “Бу куйни ижро этаётганда нима ҳақида ўйлайсиз?”

– “Мен ҳеч нима ҳақида ўйламайман, Будда ўйларди...” – деди Байимбет.

– Мен ҳам шундай хаёлга бордим, – деб қўшимча қилди Надежда. Будда нима ҳақида ўйларди? Будда ҳайкали Чуй Канали қурилаётган жойга қандай келиб қолди? Ким олиб келди уни? Бундан ташқари, муаллифнинг таъкидлашича, Будда ҳақидаги фикр “Манас” эпосида ифодаланади ва қуйидаги сатрларни келтиради! Эҳтимол, бу матн муаллифнинг режасига мувофиқ равишда яратилгандир.

У гор каби тубсиздир илло,  
Нима ўйлар – мавҳум мутлақо,  
Ҳам эркак, ҳам аёл танаси,  
Ўлтирар, қўллари қовушиб,  
Қўрқманг ҳеч, ларзага тушиб.  
Уни ташлаб юбориш мумкин,  
Арқон каби йигириб сочин,  
Мумкин уни кўмиб ташламоқ,  
Одамлардан улуғмас мутлоқ!

Қўрқув сабаб қочмади улар,  
Кийикларни бўшатмоқ учун,  
Кетдилар отларни ечмоқ-чун!

Биз бу ерда бетаъсир, муз каби, мағрур, Будда ҳайкалини кўришимиз мумкин, ҳеч қанақа хон, бек, найза ёки қилични эмас. Албатта, бу фантазия ва аслида “Манас” эпосида Будда ҳақида бирорта сўз йўқ. Қуйидаги сатрларда айтилганидек: “Одамлардан улуғмас мутлоқ”, бундан аждодларнинг руҳи жамиятдан, давлатдан, тирик одамларнинг манфаатларидан устун, деган ҳукумат қарори келиб чиқадими? Юқоридагиларнинг қарори амалий жиҳатдан қанчалик тўғри бўлмасин, маҳаллий аҳоли учун ўз тураржойлари, аждодларининг қабрлари сув остида қолиши фожиали ҳолдир. Менимча, Айтматов ёшлик даврида “Манас” билан шуғулланган. Чунки, биринчи навбатда, унинг фикрлари “Манас”нинг кенг кўламли хусусиятлари билан ажралиб туради. Иккинчидан, мен ўзим мазкур дostonдан алоҳида қисмларни келтирганига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Чингиз Айтматовнинг ички дунёси учун “Манас” эпоси доимо бадиий ва эстетик манба бўлиб келган. Байимбет бир неча марта қийинчиликларни бошидан кечирар экан, бирдан ўйлашиб қолди, узоқ вақт давомида чалмаган Найни олиб бозорга кетди. Кутилганидек, Найнинг навоси одамларнинг қизиқишини ўзига тортди, у бозорнинг бир четида туриб, юракка яқин куйларни ижро этди. Одамлар ажабланиб, ҳатто эҳтиёткорлик билан, унга бефарқларча кўриниш бериб ўтадилар. Ҳатто баъзилар унга раҳм-шафқат кўзи билан қараб, олдига бир-икки танга ҳам ташлаб кетишди. Албатта, қиссанинг асосий қаҳрамони бозорга пул йиғиш учун келгани



йўқ. У бир вақтлар Чуй канали қурилатган дамлардагидек қайта куйлашни, одамлар уни аввалгидек мириқиб тинглашларини истаб келди. Кекса Байимбет ўз куйларига таянади, замон одамларига бу ажойиб меросни етказишни истади, лекин ҳеч ким уни тингламайди. Байимбетнинг куйларига шовқин-суронга йўғрилган ғарб қўшиқлари зуғум ўтказади. Мазкур матнда Чингиз Айтматов турли типдаги мусиқа асбобларини таққослаганда ўзаро рақобатни ҳис қилдим. Яхши, биз “катта оғаларимиз”нинг ҳужжатини қабул қила оламиз, аммо нега асрлар давомида сақланиб қолган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қирғиз халқининг чолғу асбобларини унутишимиз керак? Уни маълум бир қатлам душмани сифатида қоралаш мумкинми? Нега най чалишни ўрганиш, ундан ҳузур топиш мумкин эмас? Ахир, унинг нима айби бор? Байибетнинг қизи Айзада – опера қўшиқчиси, санъат соҳибаси, лекин у Найга ғазаб билан қарайди, унинг эри Евгений Найни “феодализмнинг сарқити” деб атайди, ўчоқ бўлса, уни ёқиш истаги борлигини айтиб таҳдид қилади, набираси ҳам шу кайфиятда. Наҳотки у шундай жамиятни қуриш учун қон тўкиб, тер тўкиб меҳнат қилган бўлса?!

У Найни берилиб чалаётган бир маҳалда кимдир унинг кўкрагига беш сўм қистирди, синчиклаб қараса, бу чол ўзи билан Чуй канали қурилишида қатнашган собиқ таниши бўлиб чиқди. Муаллиф унга ҳеч қандай ном бермайди, фақат хайрат билан уни Ордендор деб атайди. Иккаласи ҳам эски ҳаётни соғиниб, ўтмишни эслаб қолади. Демак, улар бир-бирларини яхши тушунишади, янги авлод эса, уларнинг қарашлари ва фикрлари билан қизиқмаса керак. Ордендор дўсти Байимбетдан оиласи ҳақида бирор нима сўраса, у нима деб жавоб беришни билмайди. У эски дўстини уйига бир пиёла чой ичиш учун ҳам таклиф қила олмаслигидан ўқинди. У ўз қизи ва куёвидан кўрқади. Бир неча руҳий зарбаларни бошдан кечирган кекса одамнинг ягона таянчи – най... Шундай қилиб дўстини навбатдаги бекатгача кузатиб қўяётган Байимбет, унга “Каникейнинг Бухорога парвози” деган куйни чалиб берди. Бу ерда ёзувчи иккинчи марта ўзининг қўлёмаларида “Манас” эпосига ишора қилади. “Манас” эпоси орқали муаллиф қаҳрамонларининг психологиясини очиб беради, улар ўртасидаги эпик ўхшашликларни келтиради. Эҳтимол, унинг куйларини тинглашга ташна дўсти ордендор кабилар қишлоқда серобдир? Манас ўзининг сўнгги истагини ифода этиб, Каникейни Семетейни қутқариш учун бор чораларни кўришга чақиради, Бухородаги отаси томон бориш истагини билдиради:

Мен ўлгач, парчалаб ташлашар мени,  
Мен ўлгач, очилур дарвозалар ҳам,

Мен ўлгач, тўкилар дўстларим қони,  
Мен ўлгач, қирғизнинг ерида мотам.  
Охирги нафасни қўйма, Қаникей,  
Олга юр, юртингни ўйла, Қаникей,  
Сўнгги нафасгача шиддат, Қаникей,  
Мен ўлгач, кетишга рухсат, Қаникей!  
Дунёда мос эмас одамлар ғазаби,  
Кетарман, кетарман, Бухоро томон!  
Аҳоли, одамнинг қасосдир матлаби,  
Кетарман, кетарман, Бухоро томон!  
Манаснинг ўғлини кўтармоқ учун ҳам,  
Кетарман, кетарман, Бухоро томон!  
Қирғиз тоғларига қайтармоқчи бўлсам,  
Кетарман, кетарман, Бухоро томон!  
Манаснинг урхоси байроқни елпитар,  
Кетарман, кетарман, Бухоро томон!  
Овоздан қирғизлар бир ерда тўпланар,  
Кетарман, кетарман, Бухоро томон!

“Манас” эпосининг матнида бу чизгилар бошқа тарзда янграйди Чингиз Айтматов афсоналар матнидан нусха кўчирмайди, балки унинг туб маъносини олади ва мустақил равишда қайта кўриб чиқади. Ёзувчи ўз ижоди ҳамоҳанглигида Манаснинг мардлиги, Каникейнинг аччиқ қисматини қайта кўриб чиқади. Худди шундай тахминан ўн бетлик ҳажмдаги “майдон”ни нашриёт тилида “эгаллаб”, “Манас”нинг маъносини бадиий изоҳлаб беради. “Каникейнинг Бухорога парвози”, “Каникейнинг армони”, унинг безовталиги, қолаверса, Байимбет чекаётган изтироблар, халқ ташвиши билан яшайдиган, унинг ёшидаги кекса авлоднинг аламлари моҳирона тасвирланади. Қисқасини айтганда, қаҳрамонлар тортган руҳий зарбалар, маълум бир маънода муаллифнинг ўзига ҳам тегишли, хусусан, “Каникейнинг Бухорога парвози” бобидаги изтироблар, Тўрақул Айтматов билан 1937 йили Москва вокзалида видолашиш воқеаларига бир қадар яқин. “Йиғлаётган Олуган” остидаги сирли хусусиятлар “Асирга татиғулик кун”га ҳам кўчади, фақат тўлдирилган тасаввурлар билан. Ушбу маълумотлар орқали “Манас” достони Чингиз Айтматовнинг маънавий таянчи бўлиб келган, дея оламиз. Шубҳасиз, эпик воқеалари, асарнинг мақсадига мувофиқ, мафкуравий ва эстетик юкни олиб келади. Бу биринчидан. Иккинчидан, Чингиз Айтматов “Манас” достонига ўхшаш санъат асари яратиш иштиёқида эди. Учинчидан, у “Манас” эпосини ёшлар орасига кенгроқ тарғиб этишни истарди. Чингиз Айтматовнинг “Манас” достонига алоқадор ижодий режаси – 50-йилларнинг охирларида янада кучайтирилди ва кейинчалик у “Қушлар қайтиб келгунча” асари орқали унга мурожаат қилади.

Олег Завадскийнинг исмини эслаш Евгенийнинг ғазабланишига олиб келади. Евгений қирғиз халқининг анъаналари ва урф-одатларини, шу



жумладан, найни ёмон кўради. Олег эса асли Москвадан эвакуация қилинганга қарамасдан, халқ душманининг ўғли бўлса-да, Қирғизистон интернатида ишлайди, мусиқа ва чизмачилиқдан дарс беради, уч йил давомида қирғиз тилини мукамал ўрганади ва най навосини ўз руҳига сингдиради.

Муаллиф Евгений каби маънавий ожиз кишиларни тасвирлай туриб, яқинда тузилган кўпмиллатли оиланинг миллий қадриятлардан узилган тарзда узоққа бормаслигини айтади. Олег ва Байимбетни най бирлаштиради. Мактаб-интернатда бўлиб ўтган концерт давомида, директор уни ўйлашдан тўхтатиб, Сталин портретини томоша қилиш таклиф этганида ноқулай вазият юзага келди. Олегни вазиятдан чиқариш учун Байимбет “Келинман” номли куйни бошлаб юборди. Қўлёзмада Олег урушга тортилгани ва ўша ерда вафот этгани айтилади. Чингиз Айтматов дастхати билан қолган қисмида ёзувчи Москва яқинида амалга оширилган қирғиз ва қозоқлардан иборат Панфилов бўлими эксплуатациясини тасвирлаб беришга уринади. Унинг мақсади, қирғиз миллатининг “Барбаросса” операциясига алоқадор фашистик Германия режалари қулаши учун катта ҳисса қўшганлигини кўрсатиш эди. Унда Шопоков, Ананев ва қолган 28 нафар панфиловлик душманни Москвага йўлатмаслик учун ўз жонларини беришади. Улар Асакаев ва Олег тимсолида қайта жонлантирилади. Бадиий параллелизм услуби ёрдамида қиссанинг воқеалари, уларнинг мазмунига мос келадиган фольклор асарлари билан бирга олиб борилади. Булар – “Манас” да келтирилган, “Келинман” номли куй ҳикояси, “Бургут билан хайрлашув”, “Каникейнинг Бухорога парвози”, “Кайинкейнинг армони”, “Чингизхон онасининг кўз ёши”. Гарчи булар асосий воқеага тўғридан-тўғри алоқадор бўлмаса-да, умумий мазмунга оиддир. Руҳий ҳолатнинг аниқ чизгилари ана шулар орқали ёрқинлашади. Чингиз Айтматов ижодининг яна бир хусусияти шундаки, у асарлари ва фольклор ўртасида уйғунликни шакллантириб, ўзи яшаётган давр одамлари билан ҳам жиддий мулоқотга чиқади. Афсоналардаги қаҳрамонлар ҳамда бугунги кун ўртасидаги вақт сезилмас даражада яқинлашиб кетади. Ундаги ҳамма нарса бугун учун ҳам муҳимдир. Совет даврида ўзи билан бир ижодий муҳитда яшаган ёзувчилардан фарқланиб туриш, ижтимоий реализм талабларидан четга чиқиш у вақтларда қийин эди. Айтматов тўғридан-тўғри ҳукуматга айта олмайдиган гапларини фольклор орқали беради. Унинг асарларидан айб топмоқчи бўлган “археологлар”, асар ичига киргач, кўпгина воқеликларга тўқнаш келишди ва натижада айб қўйгулик ҳеч нима топа олишмади. Биргина “Оқ кема” асари ҳам бир неча бор цензура таъқибига учради, ammo нашр вақтида баъзи қаҳра-

монларнинг номи ўзгарди, холос. Мисол учун, “Асрга татигулик кун” романининг асоси “Чархфалак” бўлган. Цензура бунга йўл бермади, чунки бу ном остида чуқур оқим ётарди. Айтматов “Алвидо, Гулсари” да қўллаган усули бундан кейин ҳам асқатишини тушунган, қолаверса, бу усул ўқувчини фольклор билан яқинлаштиради. Ёзувчи фақат қирғиз фольклорини эмас, балки бошқа туркий халқлар – ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, қорақалпоқлар, шунингдек, нивхлар ва умуман олганда жаҳон фольклори билан ҳам ишлайди. “Най ва Ер” қиссасида муаллиф бешта афсонадан фойдаланади. Натижа кутилганидек чиқиши учун инсон ўз жонини аямаслиги керак. Санъат учун қайғураётган найчи ўзини тутиб туролмайди, бозорга бориб най чалади, бу худди бургут тарбияловчи овчиларга яқин ҳиссиёт. Албатта, улар хайрлашишга мажбур. Агар “Най ва Ер” қиссаси ўз вақтида чоп этилса эди, биз уни Чингиз Айтматовнинг янги асари сифатида қабул қилган бўлар эдик. Менга бу қисса “Алвидо, Гулсари” асарига кирмаган ҳикоялар киритилиши керак бўлган асар бўлиб туюлганини қайтаришни лозим кўраман. Бу икки асарнинг тузилиши, услуби, гоёвий мазмуни бир-бирига зиддир. Айтиш мумкинки, агар “Най ва Ер” қиссаси “Оқ кема” дан аввал чоп этилганда, ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинган бўлар эди. Шундай қилиб, ўз вақтида эълон қилинмаган мазкур қиссада Чингиз Айтматовнинг бошқа кўпгина асарларига киритилган қаҳрамонлар мавжуд. Байимбетнинг қизи, куёви ва набираси ўртасидаги муносабатлар маълум бир маънода “Оқ кема” даги кекса Мўмин ва Орозқулни эста солади, айрим жойлари эса мазмунан “Алвидо, Гулсари” га кўчган. Йиғлаётган Огулан туяга миниб ўғлини қидириши тасвири “Асрга татигулик кун” даги Найман онани эслатади. “Най ва Ер” қиссасини мукамал асар демасак ҳам, уни ёзилажак қиссалар пойдевори сифатида ҳурмат қилишимиз керак.

Севимли ёзувчимизнинг руҳи шод бўлсин, у қолдириб кетган қўлёзма топилгани учун ҳам Худога шукр айтамыз. Лекин бир нарса аниқ, адиб ўз устида тинмай ишлаган, ўз-ўзига юқори талаблар қўйган, ҳатто бироз бўшроқ асарининг бахридан ўтишга-да журъати етган. Қиссада бугунги кун учун ҳам тааллуқли муаммо ва масалалар кўрилган. Қўлёзма ўқувчилар қўлига етиб борганда, юрагида сақлаган адиблари ҳақида қуйидагича фикр юритадилар: “Одам боласи қандай қилиб Ҳазрати инсонга айланаркин?!” Агар Чингиз Айтматовнинг “Най ва Ер” қиссасини унинг бошқа асарлари қаторига қўйсақ, адолатли иш бўларди. Ўқувчилар анчадан бери Чингиз Айтматовни соғиниб қолгандилар, хўш, қайта дийдорлашув вақти етиб келмадимикин?

**ШАҲРИЁР таржимаси.**

# Afandining yo'rig'i

(Давоми. Боши ўтган сонда)

## Пишиқлик

Латифаларнинг бир туркумида Афанди ўзини атайин ғирт аҳмоққа солади. Мақсади – ўз рақиби ё ганимини чув тушириш. Масалан, “Фирвайди” деган латифани ўқинг: “Афанди кечаси бир ухлаб туриб, ойдинда туйнукдан қараб турган ўғрини кўриб қолди.

– Хотин, хотин, – деди, – биласанми, боя мен қандай қилиб уйга тушдим?

– Билолмадим, – деди хотини.

– Эшикни шунча тақиллатдим, уйғонмадинг. Шундан кейин томга чиқиб, “Фирвайди” деган дуони уч марта ўқиб, ойга дам солган эдим, туйнукдан тушиб турган ойнинг нури ипак арқонга айландию, шундан осилиб тушдим. “Ё туйнукаллази юмалабан ва тутибан ва мустаҳиқул жазо, суф!” Афанди хотинига ўргатиш баҳонасида бу дуони уч бор баланд овоз билан ўқигандан кейин: – Энди бас, қолганини эртага ўргатиб қўяман, ҳозир ухлайлик, – деди, лекин ўчоқ олдиға бориб, катта косовни икки қўллаб ушлаб турди. Томдаги ўғри Афандидан ўрганиб олган дуони уч марта ўқиб, ойнинг нурига осилган эди, гурс этиб уйга қулаб тушди. Афанди эса, “Ё туйнукаллази”, деб уни савалай кетди.” Кўриниб турибдики, Афандининг гаплари алжираш эмас, балки пишиқ-пухта ўйланган режанинг бир қисми, яъни ўзини атайин довдир кўрсатиб, ганими – ўғрини қўлга тушириш. Ҳатто ўз режасини дуосида айтиб турибди: “Туйнукдан юмалаб тушади ва тутаман ва мустаҳиқ (муносиб) жазо бераман, суф”. Афандининг тесқари маслаҳатига кирган ўғри ростдан ҳам юмалаб тушадию тегишли жазосини олади. Одатда ҳеч бир касбнинг бошини тутмаган, ялқов ва текинхўр одамлар ўғриликдек қабих ишга қўл уради.

Назаримда, бу латифада ҳаётдаги яна бир ҳолат танқид қилинмоқда. Турли дардларига шифо истаб ўқиган мутахассис-шифокорнинг олдиға эмас, фирибгар дуохонлару фолбинларнинг олдиға борувчи оми ва ишонувчан одамларнинг кулгили ҳолати кўрсатилган. Бу латифа Афандининг пишиқлиги ва содда-муғомбирлигини-ю ўғри ва унга ўхшаган оми одамнинг хом ва анқовлигини кўрсатади.





Нафақат Афандининг ўзи, балки унинг отаси ҳам пишиқ бўлган. “Нўноқ” деган латифани ўқиб бунга ишонч ҳосил қиламиз: “Афанди доим онамнинг жойи жаннатда бўлсин, деб юрар эди. Бир куни ундан сўрадилар: – Афанди, доим онамнинг жойи жаннатда бўлсин, деб дуо қиласиз, отамнинг жойи жаннатда бўлсин, деганингизни эшитмаймиз. Бунинг сабаби нима?” Афанди жавоб берди: – Отамдан кўнглим тўқ, у киши муғомбир ва пишиқ одам эдилар. Отам гўрга кирганда мункарнакирларни алдаб, жаннатга аллақачон кириб кетган бўлсалар керак. Аммо онам гапга нўноқ, содда хотин эди, мункарнакирнинг сўроқларига жавоб тополмасдан, қўлга тушиб қолдимикан, деб қўрқаман. Шунинг учун доим: “Онамнинг жойи жаннатда бўлсин”, деб юраман”. Шу бир латифада олам-олам маълумот бор. “Ювощдан йўғон чиқади” деганларидек, Афандининг онаси гапга нўноқ, содда хотин бўлгани билан, унинг ўғли Афанди гапга уста ва уддабурон бўлиб улгайган.

Одатда пишиқ одамни ҳеч ким алдаб-лақиллатолмайди. Мана, “Мушук қани?” деган латифа: “Афанди бир куни бозордан уч қадоқ гўшт олиб келди-да, хотинига: – Кечқурун яхшилаб чучвара қил, – деб тайинлади. Хотини гўштни ўзи қовуриб еди-ю, кечқурун Афандининг олдига ёвгон угра қўйди. – Чучвара қани? – деб сўради

Афанди. – Гўштни мушугингиз еб қўйди, – деб жавоб берди хотини. Афанди мушукни ушлаб торозига қўйган эди, роса уч қадоқ келди, хотинидан сўради: – Агар бу мушук бўлса, гўшт қани, агар бу гўшт бўлса, мушук қани?” Афандининг кўндаланг саволини бу саволнинг мантиғини қаранг! Фалсафада “бўлак бутундан каттароқ бўлолмайди” деган аксиома, яъни оддий ҳақиқат бор. Афанди ана шу ҳақиқатни хотинига, хотини орқали ўқувчига уқтириб турибди. Фалсафа ва мантиқ фанларида ана шу аксиомани талабаларга тушунтирганда Афандининг мана шу латифаси мисол тариқасида айтилса борми, ҳам дарс жонланади, ҳам талабалар бу аксиомани яққол тасаввур қилдилар, шундай эмасми? Нега барча замонларда камбағал ва бечоралар Афандига талпинган, бой ва амалдорлар ундан қочган? Сабаби, Афанди ноинсоф ва очофат бой ва амалдорларнинг барча кирдикорларини фош қилган-да. Афандининг хотинига ўхшаб бой ва амалдорлар камбағал ва бечораларнинг мулкани қинғир йўллар билан ўзлаштиришга ҳаракат қилган чоғда Афанди уларга тўғаноқ бўлган. Ҳозирги кунда ҳам нафси ҳакалак отган, авом халққа қуюқ ваъдалар бериб, амалда

“ Афанди кўчада битта тақа топиб олиб, жуда хурсанд бўлиб бораётган эди, бир ошнаси сўради: – Ҳа, Афанди, мунча хурсандсиз? Афанди қўлидаги тақани кўрсатиб деди: – Битта тақа нақд, яна учта тақаю усти бут бўлса, битта от деган гап. Чу!.. ”

халққа шафтоли қоқиниям раво кўрмайдиган амалдорлар йўқ эмас. Шундай амалдорларнинг қинғирликларини фош қиладиган Афандиларга эса ҳамшиша эҳтиёж катта.

Тасвирий санъатнинг “мозаика” деган бир жанри борлигини биласиз, албатта. Сон-саноқсиз ясси тошчалар жамланмаси, яқиндан қарасангиз, ҳеч нимани англамайди, маълум бир масофадан қарасангиз, кўз олдингизда ажиб манзаралар намоён бўлади. Худди шундай, Афандининг алоҳида олинган бир латифаси гоҳида оддийгина ясси тошчадек жўн кўриниши мумкин. Бироқ бу “тошлар қурами”ни яхлит олиб қарасангиз, кўз олдингизда ажиб манзаралар намоён бўлади. Мана шу манзаралар иқлимида энг севимли миллий қаҳрамонимиз Хўжа Насриддин афандининг ўзбек адабиётида ҳам, жаҳон адабиётида ҳам беқиёс сиймоси, ёрқин қиёфаси бор бўйи билан рўй-рост кўринади. Демокчимизки, Хўжа Насриддин афанди бирламчи ҳаётий ва ҳаққоний қаҳрамон, реалистик насрнинг ўзига хос сарчашмасидир. Бу қаҳрамон бир қарасангиз – ғоят ақлли, бир қарасангиз – ўтакетган аҳмоқ, бир қарасангиз – рақибини алдаб чув туширади, яна бир қарасангиз – ўзи баайни ёш боладек алданиб қолади. Бир қарасангиз – анойи, думбул, хом, яна бир қарасангиз – шу қадар пишиқ-пухтаки, ернинг тагида илон қимирласа билади ва бурганинг кўзини кўра олади! Унинг касб-кори ҳам битта эмас, мингта! Бир қарасангиз – деҳқон, бир қарасангиз – ҳунарманд-косиб, яна бир қарасангиз – зиёли, қозикалон, имом, муфтий, домла ва ҳоказо. Энг ақлли одам, ҳаттоки донишмандликда беназир аллома ҳам гоҳида шунақанги аҳмоқона вазиятларга тушиб қоладики, ундан ўз ақлига

муносиб йўл топиб чиқишга қийналади. Мана шундай энг мушкул ҳолат ва танг вазиятларда афандидек тадбиркорлик ва ишбилармонликда беназир қаҳрамон ҳам қай тарзда “қовун тушириб”, ўзини ўтакетган анойи, овсар, гўл, тентак, аҳмоқ кўрсатганини дoston, роман, қисса, ҳикоя, ҳаттоки энг улкан эпопеяларда ҳам учратмаслигини мумкин, бироқ Афанди латифаларида уларни истаганингизча топа оласиз.

“Насиб қилса, эрингман” латифасини қаранг: “– Хотин, бир палов қилсанг. Тўйиб еб, мазза қилардик-да, – деди Афанди бир куни хотинига. Хотини хўп деб, дарров палов дамлаб, сузиб, дастурхонга келтириб қўйди. Афанди лаганга қараб: “Бугун паловхонтўрани тўйгунча еб, маза қиларканмиз-да” деб қўлини ишқалаб қўйди. – Насиб қилса, денг, – деди хотини.

– Ие, сени қара-ю! Зарур кептими унақа дейиш?! Тайёр ошни насиб қилса ҳам еймиз, насиб қилмаса ҳам, – деб ошга энди қўл узатувдики, эшик кетма-кетига тақиллаб қолди. Ташқаридан: “Оч! Оч тезроқ!” деган овоз келди. Афанди чиқиб эшикни очса, подшонинг икки сипоҳи турибди. – Хўш, хизмат? – Қани, юр бу ёққа! – дедилар-да, Афандининг, тўхтанглар, қўлимни артиб чиқай, деганига қарамасдан, икки қўлини орқасига қайириб, олиб кетдилар. Борса, подшо зерикиб ўтирган экан, шунга чақиртирибди. Подшо уни алламаҳалгача гапга солиб ўтирди, ярим кечада аранг жавоб берди. Афанди қутулганига шукр қилиб, югурганча уйига келди-да, эшикни тақиллатди. – Ким-м? – деди хотини ичкаридан. – Очавер, насиб қилса, эрингман, – деб жавоб берди Афанди.” Бу латифада Афанди худога шак келтиргани учун таъзирини еб, ҳаёт зарбасидан пишгани қойилмақом қилиб тасвирланган. Юқорида “Насриддин” сўзининг туб луғавий маъноси “диннинг насри” эканини таъкидлаган эдик. Худога имон келтириш кераклигини узундан-узоқ ваъз ўқигандан мана шундай қисқа ва таъсирчан мисолда кўрсатилса, самаралироқ бўлади, албатта. Муқаддас Қуръони каримнинг Каҳф сурасида Аллоҳ таоло: **“Зинҳор бир нарсани “Бун эртага албатта қилгувчиман”, дема. Магар: “Аллоҳ хоҳласа”, дегин. Қачонки унутсанг, Роббингни эсла ва: “Шоядки Роббим мени бундан яхшироққа яқин бўлишимга ҳидоят қилса”, дегин**” деб марҳамат қилган. Шунинг учун ҳам насронийлар тановулдан олдин худога мурожаат қилиб, шукроналик билдирадилар. Муслмонлар тановулни “Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм”-дан бошлаб, дуои фотиҳа билан тугаллайдилар. Латифадаги Афандининг паловга қўл узатиши

билан подшо сипоҳларининг эшикни тақиллатиши тасодифан бир вақтга тўғри келиб қолдими ё бу ерда муайян қонуният, Худонинг қудрати бўй кўрсатиб турибдими? Чунончи, Қодир Аллоҳ шу шаккок бандасини тавбасига таянтириш учун унинг оёғини ерга теккизмай олиб келиш фикрини подшонинг дилига солдими? “Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи” деганларидек, бун даҳрий шунчаки тасодиф, мўмин белги-аломат деб тушунади, албатта. Зеро, латифадаги кулги қўзғовчи чўққи гап, яъни қиссадан ҳисса, “Насиб қилса эрингман” деган гап. Афанди шу даражада тавбасига таяниб, қўрқиб-чўчиб қолдики, худди олдида турган ошидан ажраб қолганидек, энди хотинидан ҳам ажраб қолмаслик учун Яратганга шукрона келтиряпти.

Юқоридаги латифага ўхшаш мана бу “Худо хоҳласа...” деган латифага қаранг: “Бир одам Афандидан сўради: – Ҳар иш худодан, худо хоҳласа бўлади, деган бир ихлос бор. Шунга сиз нима дейсиз?

– Мен ҳам худо хоҳлагани бўлади, дейман. Мен хоҳлаган бўлса, аллақачон мачитни бузиб, қишга ўтин ғамлаб олар эдим.” Бу латифани ҳам халқ эмас, ўтакетган нўноқ ва уқувсиз бир кимса гаразли ниятларда яратгани кўриниб турибди. Нега энди халқнинг сеvimли қаҳрамони халқ учун муқаддас жой – мачитни бузишни хоҳлар экан? Аксинча, бу жойни ҳар қандай бузғунчилардан ҳимоя қилиши керак эмасми у? Бир томондан худо хоҳлагани бўлишини тан оляпти-ю, бошқа томондан худонинг хоҳлаганига қарши чиқяпти, яъни мунофиқлик қияпти. Ахир, айнан мана шу мунофиқлиги учун шайтон лаънатланмаганми? Афанди ҳар қанча қув ва муғомбир бўлиши мумкин, лекин уни мунофиқ ва шаккок деб тасвирлаш кимга нима учун керак?! Мунофиқ ва шаккоклар учун, албатта. Шунга ўхшаш аломатларга зийраклик билан эътибор бериб қарасангиз, мазкур латифа, аслида, Афандининг латифаси эмас, Рақибнинг гаразли мақсадларда бичиб-тўқиган уйдирмаси экани англашилади. Бундай уйдирмалар худосиз шўро тузумида маълум бир мақсадлар ва муайян сиёсат талаби билан атайин урчитилган ҳам. Масалан, шўро тузуми даврида Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ўтакетган қонхўрлигини “исботловчи” озмунча сафсаталар латифа сифатида бичиб-тўқилганми! Хўжа Насриддин афандидек авлиёсифат зотни, ҳаттоки Бобораҳим Машраб-дек авлиёи киромни худосиз – даҳрий сифатида кўрсатишга уринишлар ҳам озмунча бўлганми! Бундай уйдирмалар вақт-соати билан ўз-ўзидан



унутилиб, халқ хотирасидан ўчиб, изсиз йўқолиб кетаверади, албатта. Халққа қолса ўзининг энг севимли қахрамонига хос топқирлик, тўғрилиқ, пишиқлик, қувноқлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, зийраклик, зукколик ва бошқа кўпдан-кўп фазилатларни аён кўрсатувчи латифаларни сақлаб қолади.

Бу ерда масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам борлигини эслатиб ўтиш керак. Афандининг анойилиги, лақмалиги, довдирлиги, овсарлиги, анқовлиги, нодонлиги, аҳмоқлиги... шулар каби беҳисоб нуқсонларию иллатларини аён кўрсатувчи латифаларнинг ҳаммаси ҳам ғаразли мақсадларда бичиб-тўқилган эмас. Уларнинг камида қоқ ярмини афандининг, демакки, халқнинг ўзи яратган! Нима учун? Одам боласига хос жамики нуқсонун иллатларни қатрадаги қуёш аксидек аниқ-равшан кўрсатиб, тингловчини улардан халос бўлишга ундаш учун! Шундай латифаларга асосланиб, “Афанди ростдан ҳам анойи, довдир, овсар, анқов, нодон, аҳмоқ...” дея юзаки хулоса чиқариб бўлмайди. Аслида, Афанди бундай нуқсонун иллатлардан холи бўлгани ва ҳар қандай айбловлардан зиғирча қўрқмагани учун одам боласининг табиатидаги жамики мавжуд нуқсонларун иллатларни ўзига олмоқда! Афанди халқнинг энг севимли фарзанди сифатида унинг дардини ўзига олиб, шу йўл билан дардга даво қидирмоқда! Бу нафақат ўзбек, балки рус, инглиз, француз, италян ва бошқа барча халқлар учун ҳам хос. Мана, масалан, рус фольклорида бир хил исми “Иван шаҳзода” билан “Иван тентаквой” сиймолари бор бўлиб, аввалгиси ўзида билгамишлик, ботирлик, қувлик, эпчиллик, пишиқлик ва бошқа фазилатларни жамлаган бўлса, кейингиси билмаслик (балбес), анқовлик, лақмалик ва бошқа иллатларни жамлаган. Рус халқи табиатан кулгига мойилликда ва кулдириш маҳоратида Хўжа Насриддин афанди латифаларини жамланган улкан бир тўпламни (аввал “Двадцать три Насреддина”, сўнг “Двадцать четыре Насреддина” номли) бир неча маротаба нашр эттирган! Яъни, жаҳондаги ҳеч бир халқ, ҳаттоки Хўжа Насриддин афанди сиймосини яратган халқлар ҳам қилмаган-қилолмаган иш амалга оширилган!?

Рус таржимонлари ва олимлари жаҳоннинг йигирма тўрт халқига мансуб Афанди латифалари жамланган “Йигирма тўрт Насриддин” тўпламини қарийб бир аср мобайнида тайёрлаб нашр этганини юқорида алоҳида таъкидлаб ўтдик. Рус ёзувчиси Леонид Соловьев қаламига мансуб “Очарованный принц” (“Маҳлиё шаҳ-

зода”) ва “Возмутитель спокойствия” (“Безовта қалб туғёнлари”) деб номланган оламга машҳур кўш қиссада Хўжа Насриддин афандимизнинг инсоний қиёфаси ғоят жонли чизиб кўрсатилган. Айниқса, рус киноусталари яратган “Афоня” комедияси ва унинг афандитабиат бош қахрамони Афанасий!.. Мен сизга айтсам, Афандининг феъл-атвори ва инсоний табиатини, биринчи галда унинг нақадар қувноқлигини жаҳонга кўз-кўз қила оладиган “Афоня” бадий фильмидаги Афанасийдек жонли яратилган табиатан хушчақчақ қахрамон жаҳон уммонига менгзагулик жаҳон кино санъатида ҳам камдан-кам топилади. Аминманки, сиз ҳам бу бадий фильмни томоша қилсангиз, “Афоня” ва “Афанасий” сўзларининг “афанди” сўзи билан ўзақдошлиги бежиз эмас, деган хаёлга боришингиз тайин.

### Қувноқлик

Бу оламда энг юқумли нарса нима деган саволга “кайфият” деб жавоб бериш мумкин. Ёнингиздаги одам ҳадеб эснайверса, сиз ҳам беихтиёр унга қўшилиб эснайсиз. Худди сиз еб, у қуруқ қолгандек тўмтайиб, қовоғидан қор ёғиб турган одамни кўрганингизда, беихтиёр юрагингиз сиқилади. Аксинча, самимий табассум қилиб турган одамни кўрганингизда эса, бу кулги сизга ҳам “юқади”. Ўзи кулолмайдиган, кулганни кўрганида тумшаядиган ичи тор, табиатан хомуш одамлар йўқ эмас, албатта. Унақаларни қитиқлаб ҳам кулдириб бўлмайди. Хўжа Насриддин афанди, табиийки, ҳар қандай қизиқчилардан минг карра кучлироқ қизиқчидир.

Одатда, одамни табиатига кўра икки тоифага – некбин (оптимист) ёки тушкун (пессимист) га ажратишади. Афанди, табиийки, некбин одам. Бунга “От” латифасини ўқиб ишонч ҳосил қиламиз: “Афанди кўчада битта тақа топиб олиб, жуда хурсанд бўлиб бораётган эди, бир ошнаси сўради: – Ҳа, Афанди, мунча хурсандсиз? Афанди қўлидаги тақани кўрсатиб деди: – Битта тақа нақд, яна учта тақаю усти бут бўлса, битта от деган гап. Чу!..” Бориға барака тилаб, топган-тутганига қаноат қилиб, келажакка умид билан қараш шунчалик бўлади-да! Қадимдан “отлиқ” ибораси бойлик рамзи бўлиб, “отлиққа ҳам йўқ” ибораси “бойларга ҳам топилмайди” маъносини англатган. “Қаторда нори бор” деган иборадаги “нор” карвондаги туяни англатади. Қолаверса, “қатордаги нор” одамнинг ўғил-қизини ҳам англатади. Демак, одамнинг оти ёки туяси бўлса, юки ерда қолмай, ошиғи олчи бўлади. Шунинг учун одамлар

эшик ва дарвозаларига тақа осганларки, бу “бой, ўзига тўқ хонадон” демакдир. Латифада Афандининг тақа топгандаги суюниши унинг оилали ва бой бўлишга интилишини ўта самимий ифодалайди. Аммо шундай қаноатсиз ва очофат одамлар борки, улар нафақат отнинг тақаси, балки қўша-қўша отлари бўла туриб ҳаётидан нолийди, ўзини гўё бахтсиз ҳисоблайди.

Афанди ҳар қандай огир ва иложсиз ўринларда ҳам кўнглини чўктирмайди, асабини бузмайди, балки қийин аҳволдан чиқиш йўлини қидиради, ҳар ёмоннинг бир яхшиси бўлади, деганларидек, ҳар бир ёқимсиз нарсадан ёқимли жиҳатни излайди. “Сузма” латифасини ўқиб кўринг: “Афанди уйига қорни очиб келиб, хотинига: – Хотин, бироз сузма билан нон олиб кел. Сузма кўп яхши наrsa, иштаҳани очиб, меъдани бақувват қилади, – деди.

– Сузма кеча тамом бўлган эди, – жавоб берди хотини.

– Тамом бўлгани яхши бўлибди, – деди Афанди.

– Сузма тишга ва қоринга зиён қилади.

– Бу сўзларингизнинг қайси бирига ишонай? – деди хотини.

– Бўлса – аввалгисига, бўлмаса – кейингисига, – деб жавоб берди Афанди.” Юзаки қараганда, Афанди телба-тескарига ўхшаб кўриниши мумкин. Чуқурроқ ўйлаб қарасангиз, у ҳақ. Сузма йўқ экан, деб куйиб-пишишдан, асабини эговлашдан ёки хотини билан жанжаллашишдан нима фойда. Ҳар қандай ҳолатда ҳам кайфиятни чоғлаб, борига барака деб, Яратганга шукр қилиш керак. Зеро, одамнинг соғлиғи ҳам, оиладаги тинчлик-тотувлик, файз-барака ҳам шунга боғлиқ. Барча касалликларнинг асабга боғлиқ экани бежиз эмас. Афанди нафақат ўзини тетик ва қувноқ тутади, балки бошқаларнинг ҳам кўнглиларига ҳаммиша йўл топиб, уларни хурсанд қилади. “Афанди дипломат” латифасини ўқиб бунга амин бўламиз: “Подшо туш кўрди. Тушида бир одам келиб, унинг ҳамма тишларини битталаб суғуриб олди. Подшо чўчиб уйғонди. Эрталаб вазиридан кўрган тушининг таъбирини сўради.

– Ҳамма бола-чақаларингиз ўлиб кетиб, ўзингиз омон қолар экансиз, – деб жавоб берди вазир. Подшо вазирини ўлимга буюрди. Шу маҳал ўрдага Насриддин афанди кириб келди. Подшо Афандига тушини айтиб бергандан кейин, таъбирини сўради.

– Ҳамма бола-чақаларингиздан кўра узокроқ умр кўрар экансиз, – деди Афанди. Подшо хурсанд бўлиб, Афандига тўн кийгизди.” Иккала таъбир ҳам бир маънога эга. Лекин уларнинг ай-

тилиш йўсинида осмон билан ерча фарқ бор. Биринчиси, ўлим ҳақида шумхабар айтиб подшони куйдирса, иккинчиси, ҳаёт ҳақида хушхабар айтиб подшони қувонтиряпти. Юқорида некбинлик (оптимизм) ва тушкунлик (пессимизм) ҳақида айтгандик. Ярим коса сутни некбин одам – ярми тўла, тушкун одам – ярми бўш кўрганидек, Афанди – некбин, вазир – тушкун. Шунинг учун ҳам подшо саройда Афандини ўзига яқин тутган. Ўз юртига ҳам, ўзга юртларга ҳам Афандини элчи қилиб йўллаган. Чунки Афанди ўйнаб гапирса ҳам, ўйлаб гапирди, топиб гапирди, кўнгиларни чўктириб эмас, кўтариб, қувонтириб гапирди.

Баъзида “қувноқ” сўзига “қитмир” сўзини қўшиб “қувноқ қитмир” ибораси қўлланилади. “Чанқаган чўнтак” латифасида Афанди айнан шундай тасвирланади: “Афанди бир куни тўйга борди. Унинг ёнида ўтирган бир савдогар очофатлик қилиб еганига қаноатланмай, дастурхондаги қанд-қурслардан олиб, чўнтақларини тўлғазди. Афанди буни кўриб ёнида турган чойнакни олди-да, секин унинг чўнтақларига қуя бошлади. Савдогар пайқаб қолиб, жаҳл аралаш Афандидан сўради: – Нега чўнтагимга чой қуйяпсиз? – Чўнтагингиз қанд-қурсни кўп еб чанқаб қолгандир, – деди Афанди.” Қаранг, Афанди ҳаддидан ошган, очофат савдогарнинг хурмача қилиғини кўриб: “Олса олаверсин, менга нима, бўлсаям бировники-ку!” дея лоқайдлик қилмаяпти. Ёки “Ҳой, уят эмасми, қани жойига қўйинг-чи” деб таъна ҳам қилмаяпти, сабаби, савдогар “Сенга нима, бой-никени бойтеват қизганибди, деганлари шу-да” дея жеркиб ташлаши мумкин-да. Шундай экан, Афанди қувноқ қитмирлик йўлини танлайди, яъни савдогарга дастурхондаги ширинликларни ўмаришига кўмаклашган киши бўлади-ю, аслида, бошлаб унинг таъзирини беради. Бу латифа орқали очкўз, баднафс, ебтўймас одамлар ўзларининг тегишли жазоларини олишига ишора қилинган, албатта. Шунинг учун улар ҳақда “Нафси бузук байрамда ўлади”, “Нафсим менинг ёмондир, ёнган ўтга солодир”, “Ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайди”, “Беш бармоғини оғзига тикади”, “Ҳаром лўқма тешиб чиқади” каби кўпдан-кўп ҳикматли гаплар яратилган.

Афанди латифалари орасида ғам-қайғу, йиғи-сиғи, оҳ-нола, дод-фарёд ва таркидунёчиликни тарғиб этувчи биронта латифани кундузи чироқ ёқиб қидирсангиз ҳам тополмайсиз! Ҳаттоки Афандимиз ошкора аюҳаннос солиб, дод-вой қилиб турган чоғида ҳам, аслида, йиғламаётган, аксинча, ич-ичдан кулаётган бўлади. Бу ҳол, табиийки, сизни ҳам йиғлатмайди, аксинча, кулди-



ради. Масалан, мана, “Дод, қайси бирингни оламан!” деб номланган латифада тасвирланган Афандининг рухий ҳолатига диққат қилинг! “Хотини вафот қилганида Афанди ҳовлини айланиб юриб йиғлар эди: – Дод, энди кимни хотин қиламан! Бу сўзни жуда кўп такрорлаганидан уялиб, қайинсинглиси келди-да, қулоғига: – Почча, ундай деб йиғламанг, айб бўлади, агар юрту элдан сизга хотин топилмаса, мен тегарман, – деди. Афанди яна додлайверди: – Дод, энди мен кимни хотин қилиб оламан! Бир бева қўшниси бор эди, у Афандини секин бир чеккага чақириб: – Афанди, кўп куйинманг, агар муносиб хотин тополмасангиз, мен тегарман, – деди. Афанди яна баландроқ фарёд кўтарди: – Вой-дод, қайси бирингни оламан!”.

Ушбу латифа сизни кулдирибгина қолмайди, балки айни чоғда, одам боласининг феъл-атвори хусусида жиддий ўйлашга ундайди. “Одамнинг олasi ичида” дейдилар. Латифада ана ўша “ичдаги ола” баайни кўрпанинг авра-астари ағдариб кўрсатилганидек, рўй-рост ва ҳар томонлама кўрсатилади. “Кампирнинг дарди гўзада”, “Азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлайди” сингари истеҳзоли мақоллар бежиз яратилмаган. Ўзингиз ўйлаб кўринг! Нега хотини ўлганига аза тутиб, нола чекаётган Афандини, дейлик, маҳалланинг нуроний оқсоқоли, кайвони кампири ва ё қадрдон дўст-биродари эмас, айнан қайинсингил

билан бева қўшни овуत्याпти? Нега улар “Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич” деган нақлга амал қилган ҳолда барчага баралла эшиттириб эмас, ими-жимиди бири Афандининг қошига келиб, иккинчиси уни бир чеккага бошлаб чиқиб шивирлаб гапиряпти? Нега Афандининг икки марта айтилган “дод” и бу икки шивирлашдан кейин икки баравар кучайиб, “вой-дод”га айланди? Ҳамма гап – фожианинг илдизи шундаки, қайинсингил ҳам, бева қўшни ҳам, аслида, Афандининг ўлган хотини ва ё ўзига зиғирча ачиниб, ҳамдардлик билдираётгани йўқ, фақат ўзларини ўйлаб, ўз фойдаларини кўзлаб турибди! Бировнинг кулфатидан ўзининг бахтини қидириб турибди! Табиийки, бундай худбин хотинни олиш Афанди учун хотини ўлганидан ҳам оғирроқ кўргилик, кулфат, фожа! “Дод”нинг “вой-дод”га айланишига асосий сабаб мана шунда!

“Мен йиғламай ким йиғласин” деб номланган латифада ҳам шунга яқинроқ манзарани кўра-миз: “Бир ой ичида Афандининг ҳам хотини, ҳам эшаги ўлиб қолди. Хотини ўлганида Афанди бир-икки кун йиғлади-ю юпанди. Эшаги ўлганида эса у йиғидан ҳеч тийилмади. Буни пайқаган қўшниси сўради: – Афанди, хотинингиз ўлганида кўп йиғламаган эдингиз, эшагингизга нега бунчалик куясиз? Афанди жавоб берди:

– Хотиним ўлганда маҳалла йиғилиб “Қўйинг, хафа бўлманг, уйлантириб қўямиз” деган эди. Эшак ўлганида эшак олиб берамиз деган гап ҳеч кимнинг оғзидан чиқмади. Мен йиғламай ким йиғласин!”.

Одам боласининг табиати шундайки, у аксарият ҳолларда яхшиликни самимий-беғараз, “Худо йўлига” қилолмайди, чунки ўша яхшиликнинг замирида

шахсий манфаат, ўз фойдасини кўзлаш, ғаразли ният ётган бўлади. Юқоридаги латифада қайинсингил билан бева қўшни афандига гўёки ҳамдардлик билдириш орқали, аввало, ўз манфаатларини кўзлаганларидек, бу латифада маҳалла аҳлининг Афандини уйлантириб қўйишдек “хизмат-беминнат”ни таклифу тавсия қилишдан кўзда тутилган пировард мақсади ўзларининг бирон ишончли кишиси, хеш-ақрабосини афандига умр йўлдоши, демакки, улкан оилага бека қилиш, албатта. Лекин ўлган эшакнинг ўрнига Афандига эшак олиб беришнинг кимга қандай фойдаси бор? Эрта бир кун шу эшакда Афандига мингашиб юролмайди-ку, тўғрими? Мингашган тақдирда ҳам, от билан туя бўлса эканки, обрўсига обрў қўшилса, улов қуригандек эшакка мингашиш... бунинг фойдасидан зарари кўпроқ, албатта!.. Тушуняпсизми, афанди “Мен йиғламай ким йиғласин!” дер экан, аслида, йиғлаётгани йўқ, одам боласи табиатидаги худбинлик-манфаатпарастликдек иллатлар устидан қаҳ-қаҳ отиб кулмоқда! “Ниҳоят яна эшаклик бўлишида беғараз кўмаклашишни хаёлига келтирмай турганлар нега уни уйлантириб қўйишмоқчи, офтоб қаёқдан чиқиб қолди?” деб ўйлашга, шунчаки ўйлаш эмас, бу ҳолдан куйиш-куйинишига, албатта, ҳақли-да Афанди!

Юқорида “қувноқ қитмир” иборасини айтгандик. Бунинг устига “қувноқ” сўзи “қув” сўзига маънодош ҳамда ўзакдошдир. “Қув одам” деганда, одатда кўз олдимизга кўзлари олазарак, ним табассум қилган қувноқ, эпчил, тиришқоқ, жўшқин, ўйноқи ҳамда айёр, муғомбир, ичидан пишган, шум одам келади. Қувлик-шумликни билмайдиган одам эса, аксинча, бўшашган, ланж, боқибегам, қовоғи солиқ,

анқов бўлади. “Бола бўлса шўх бўлсин, шўх бўл-маса, йўқ бўлсин”, “Ўғил бўлсин, қиз бўлсин, қўл-оёғи тез бўлсин” деган иборалар боланинг аввал-бошдан ҳаракатчан, тиришқоқ, ерга урса, кўкка сапчийдиган бўлишига ишора қилади. Афанди латифаларининг бир туркуми ана шундай қувлик-шумлик ҳақида бизга ёрқин тасаввур бера олади. “Афандининг ўғли” латифасини ўқинг.

Бир куни подшо Афандининг ўғлини ҳузурига чақирди. Боланинг қадди-қомати, қош-кўзи худди отасиникига ўхшар эди. Унинг ақлини ҳам отасиникига ўхшаш-ўхшамаслигини синаш учун болага бир тилла берган эди, у пулни сира олмади.

– Нега тиллани олмайсан?

– Онамдан қўрқаман, у бегона одамдан пул олмагин деган.

– Яша! – хурсанд бўлди подшо.

– Мен онанг айтган бегона одам эмас, ҳукмдоринг бўламан, ола бер!

– Мен подшо эканлигингни биламан, онам бунга барибир ишонмайди-да.

– Нима учун?

– Ҳайрон бўлди подшо. Агар подшо пул берса, бир тилла эмас, кўпроқ берар эди, дейди-да! – жавоб берди бола.

Болакайнинг бу гапидан кейин подшонинг ҳолатини тасаввур қилиб кўринг. Ҳайратдан ёқасини ушлаб қолгандир. Алдагани бола яхши, деб у Афандининг ўғлини чандиб қўймоқчи бўлгандир. Эҳтимол, Афандининг қувлик-шумлигидан ҳаммиша панд еб келган подшо ўзича унинг ўғлини синаш баҳонасида уни бошлаб мот қилиб ҳузурланмоқчи бўлгандир. Эҳтимол, бир тилла бериб болани қўлга олмақчи бўлгандир. Лекин, кўрадики, бола муштдек боши билан кимсан мамлакат подшосини ўйнатиб турибди. Ҳатто вазирлару сарой мулозимлари подшо олдида дафдаг титраб, “Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз”, деб ялиниб-ялпизланса, Афандининг ўғли ўзини дадил тутиб, подшони истаса ёзиб чалпак, истаса букиб чучвара қилади. Бола Афанди шундай бўлгач, қария Афанди ундан оширади, албатта. “Битта “За”га минг танга” латифасини ўқиб ўзингиз ўйланг: “Афанди қариб қолган чоғида мевали дарахт кўчатларини ўтқазётган эди, подшо келиб қолди: – Ҳой, чол! – деди подшо.

– Сен пири фоний бўп қолибсан. Бу эканган дарахтларининг мевасини ейман деб ўйла-япсанми?

– Ўтганларнинг экиб қолдирганларидан биз фойдаланяпмиз. Энди бизнинг эканларимиз-

дан келгусидагилар фойдалансинлар, деб эжяпман. Бу гап подшога ёқиб кетиб: “За”, деб юборди. Унинг за дегани офарин дегани эди, подшо ҳар гал за деганида минг танга инъом берилиши шарт эди. Подшонинг ёнидаги хазиначи дарҳол Афандига минг танга санаб берди. Афанди қул-луқ қилиб:

– Мана, кўрдингизми, подшоҳим, меваларим ҳозирок ҳосил берди, – деди. Подшо янаям хурсанд бўлиб: “За”, деди. Хазиначи яна минг танга санаб берди. Афандининг таъби очилиб кетди: – Аслида мевали дарахтлар йилда бир марта ҳосил беради. Лекин подшоҳимнинг пой-қадамлари шарофатидан икки марта ҳосил берди. Подшога бу гап хуш келиб, яна: “За”, деб юборди. Хазиначи Афандига яна минг тангани санаб берди-да, секин подшонинг қулоғига шивирлади: – Э, подшоҳи олам, агар бу ердан тезроқ кетмасак, бу чол хазинангизни буткул қуритади”.

Қойилмисиз? Бу иккала латифадаги бир жиҳатга эътибор беринг. Унисада ҳам, бунисада ҳам Афанди аслида одоб-ахлоқ ва эзгуликни тарғиб қиляпти. Бола Афандининг онаси ўғлига бегоналардан пул олмасликни тайинлагани ёки қария Афандининг ўтган аждодлар эканларидан фойдалангач, келгуси авлод учун мевали дарахт экиши юксак тарбия ва яхшиликнинг энг гўзал намуналаридир, шундай эмасми? Аслида ҳар икки латифада подшо пулни мана шундай юксак қадриятлар учун тўлайди. Модомики, латифа халқ ижоди экан, латифа бошқа халқ ижоди жанрлари билан узвий боғлиқ экан, шундай мотивларни эртақларда ҳам учратамиз. Масалан, эртақ ва ривоятларда кўчада ҳикматли гап сотиб ўтирган одам бўлади-да, эртақ қаҳрамони ўша ҳикматли гапдан битта ёки учтасини сотиб олади, сўнг ўз мурод-мақсадига етишиш йўлида ўша ҳикматли гап асқатади. Бу латифаларда ҳам билса ҳазил, билмаса чин қабилда Афанди мамлакат ҳукмдорига ҳикматли гап сотяпти. Подшо нима қилади бу ҳикматли гапни, дейсизми? Мамлакатни ривожлантиришда, яъни шу қадриятларни тарғиб қилишда фойдаланади, тегишли қонун-қоидалар, ислохотлар, чора-тадбирларни қўллайди-да. Аммо эртақ ва ривоятлардан фарқли равишда латифада қувноқлик, яъни Афандининг қувлиги ҳам бор. Эртақдаги одам ҳикматли гапни қуруқдан-қуруқ сотса, юқоридаги латифаларда Афанди подшони мақтаб туриб, яъни кўнглига йўл топиб сотади. Дарҳақиқат, бола Афанди подшони таниши, лекин онаси подшо бир тилла эмас, кўпроқ пул беришини айтгани орқали, аслида, онаси подшони



сахий одам, одамларга меҳрибон деб санашига ишора қилинган. Подшога саховатли эканини айтишса, эримайдими? Умуман, подшолар ўзларига хушомад ва лаганбардорлик қилишларига ўрганган, шундай эмасми? Қария Афанди-чи, “подшоҳимнинг пой-қадамлари шарофатидан икки марта ҳосил берди” дейиши ҳам худди шундай, Афандининг қувлиги ва қувноқлиги, қолаверса, хушомад орқали ҳам кўнгилга йўл топиш маҳоратидан яққол далолатдир.

Одатда қувноқ ҳамда қув одамнинг юрагида ўти бўлади. Шунинг учун имиллаган, бўшашган, сўлғин одамларга “жонинг борми, мунча сувга тушган нондек бўшашасан?” деб койиймиз. Айниқса, одам катта жамоа олдига чиқиб гапирганда ёки бирор ишни биринчи бор қилганда ҳаяжонланади ҳамда асабийлашади. Шундай пайтларда одам ўзини йўқотиб қўйиши, довдираб қолиши, ҳатто йиғлаб юбориши ҳам мумкин. Лекин Афанди шунақанги қувноқ ҳам қувки, катта жамоа бўладими, подшоҳ бўладими, керак бўлса, ҳар қандай одамни довдирата олади.. “Эшак – сиз” латифаси бунга исбот: “Бир ўтиришдаги аскияда подшо Афандига эшак деган лақаб қўйиб чандий бошлади: – Сизни тегирмончига сотсаммикин ёки девона, атторга берсаммикин? – Тақсир, мени кўринганга бериб юбора берсангиз, охири эшак – сиз бўлиб қоласиз-да, – деб жавоб берди Афанди”. Битта гапда, юзаки қараганда, “Эшагингиздан ажраб қоласиз”, аслида – тағаминда “Ўзингиз эшак бўлиб қоласиз” деган фикрни уқтириш, ҳамсуҳбатининг, халқона ибора билан айтганда, “оғзидан чиққанини ёқасига ёпиштириш”... топқирлик ҳам, пишиқлик ҳам, қувлик-қувноқлик ҳам, беихтиёр кулдирувчи гўзал сўз ўйини ҳам мана шу! Афандининг Хўжа Насриддин эканини, “насриддин” сўзи “диннинг насри” эканини таъкидлаган эдик. Сирасини айтганда, “наsr” арабча сўз бўлиб, “син” ёки “сод” ҳарфлари билан ёзилишига қараб адабий жанр “наsr” ни ёки “ёрдам бериш” ни (масалан, “на-соро”) англатади. Афандининг насри ҳар икки маънода ҳам ўринли. Шундай экан, Афанди тил қонун-қоидаларини (синтаксис ва морфология) мукамал билади. Шунинг учун билса – ҳазил, билмаса – чин, деганларидек, “Эшак – сиз” латифасида Афанди гўё “эшак” сўзига “сиз” бўлиш-сизлик қўшимчасини қўшиб “эшаксиз” деяпти, аслида “эшак” сўзи билан учинчи шахс бирлик олмоши “сиз” орасига “тире” тиниш белгисини қўйиб, подшони “сиз эшак бўласиз” деб масхара-лаб турибди. Ёзувда бўлса-ку, маъноларни фарқлаб олиш мумкин эди, лекин оғзаки нутқда

буни фарқлаш, яъни афандини “тилидан илин-тириш” қийин-да. Худди шундай сўз ўйини машҳур русча иборада, яъни ҳукмда ҳам кўзга ташланади: “Растрелять, нельзя помиловать” (“Отиш, кечириш мумкин эмас”) ёки “Растрелять нельзя, помиловать” (“Отиш мумкин эмас, кечириш”). Биргина вергулнинг ўрнини алмаштириш орқали маъно тескарисига ўзгариб кетяпти... “Сиз аҳмоқ – одам эмассиз” латифасида ҳам худди шундай сўз ўйини ишлатилган: “Афанди бир куни гаплашиб ўтириб, аъламни, сиз аҳмоқ одамсиз, деб қўйди. Аълам уни подшонинг олдига судради. Подшо Афандига бир қанча пўписа-сиёсатлар қилгандан кейин: – Дарров узр айт, сиз аҳмоқ одам эмассиз, кечирасиз, дегин, йўқса, ҳозир жаллодни чақираман! – деди. Афанди аъламга қараб деди: – Сиз аҳмоқ – одам эмассиз? Кечирасиз!..” Бундай латифаларда жаноби Афандининг ҳар қандай қизиқчидан қизиқчи-роқ кулги устасигина эмас, аввало чинакам сўз санъаткори сифатидаги сўз устаси, сўз ўйинининг устаси экани яққол кўриниб туради.

Курашда кўтариб уриш деган усул бор. Бу усул фақат аввал осмонга кўтариб, кейин ерга уришни англатмайди, балки бир қўлда кўтариб туриб, иккинчи қўлда уришни, гўёки улуғлаган бўлиб, аслида, ер билан битта қилишни англатади. Бундай усулни унча-мунча паҳлавон қўллаёлмайди. Курашнинг бундай усулини қўлловчи паҳлавон худди Паҳлавон Маҳмуддек мисли кўрилмаган куч-қудрат соҳиби бўлмоғи керак, албатта. Афанди подшонинг чидаб бўлмас даражадаги калакаси, таҳқир-масхарасига жавобан шу усулни моҳирона қўллайди. Эътибор беринг, афанди гўё мақтанади-мақтайди, аслида эса, “Мени эшак ўрнида кўриб турган ўзинг эшаксан!” деган гапни, тагин, юқоридаги латифада бўлгани каби, пардалаб эмас, очиқ-ошкор уқтириб айтиб турибди! Бундай мисли кўрилмаган ҳақгўйлик, шартакилик, бетгачопарликни кўриб-билиб турган рақиблар қандай талқин қилдилар-у, подшо нима қилди? Подшо “Аслида, айб ўзимдан ўтди-да! Мен ўзим таҳқирлаб бошлаганимдан кейин бечора афанди шунга яраша жавоб қилди-да!” дея “масала”га бағрикенглик ва кечиримлилик нуқтаи назаридан кулиб қарадими ё “Сен нима деяпсан, ҳой афанди!?” дея жаҳл отига миниб, уни жаллоднинг қўлига топширдими? Латифада буниси айтилмайди – “масала”нинг бу томони тингловчи билан ўқувчининг тасаввурига ҳавола этилади. Ҳар қалай, латифадан англашилиб турибдики, афанди табиатан ўт билан ўйнашиш ва ё арслоннинг мўйловига тегиш (сичқоннинг

ўлгиси келса, мушук билан ўйнашади, деганлар) қадар қизиқ-қизиққон, яъни ҳар қандай қизиқ-чидан минг карра қизиқроқ қизиқчидир! Ҳар қадамда бошини гаровга қўйиб, жонини жабборга топшириш учун одатда одам боласи қип-қизил афанди бўлмоғи керак! Афандининг қувноқлиги ҳар лаҳзада ўта қимматга тушиши мумкин бўлган, ўзининг ширин жони билан ўлпон тўлаши эҳтимолдан холи бўлмаган қувноқлик-да! Мана шундай юзаки қараганда, ўта қувноқ-хушчақ-чақ, аслида, юрак-бағри таҳ-батаҳ қон бўлиб, таши кулиб, ичи йиғлаб, тилда енгилгина ҳазил-мутойиба қилиб, дилда эса одам боласининг феъл-атворини ўнглаш ва халқнинг аҳволини яхшилаш гамидан бошқа гами бўлмай турган чинакам афандиларгина одатда ҳукмдорларга лаганбардор эмас, асл маслаҳатгўй бўла олади! Агар ҳукмдор унинг ҳақ сўзига чидай олса!

Афанди афанди бўлганидан кейин ҳукмдор билан муносабатда шунчаки енгил аския, сўз ўйини, ҳатто калакага яраша калака билангина кифояланиб қолмайди, балки худди Юсуф Хос Ҳожиб ва ё “Ўткан кунлар” романидаги мушовир (маслаҳатчи) Юсуфбек ҳожидек унинг энг мушкул саволларига ҳам тўғри жавоб қайтариб, тўғри йўл кўрсата олади. Масалан, “Жанжал нимадан чиқади” деган латифада афанди подшонинг саволига мантиқан асосли, чинакамига донишмандона жавоб қайтарадики, афандининг топқирлиги, пишиқлиги, қувноқлиги, қўрқмаслиги, донишмандлиги, том маънода мушовир (маслаҳатчи)лик маҳоратига беихтиёр қойил қоласиз:

“Бир куни подшо афандидан сўраб қолди: – Шу одамларга ҳам ҳайронман-да. Доим бир-бирлари билан жанжаллашганлари жанжаллашган. Жанжал нимадан чиқаркин-а, Афандим?

– Одамлар бир-бирларига беҳосдан аҳмоқ бўлма деб юборадилар. Жанжал шундан чиқади.

– Бўлмаган гап! Шу арзимаган гапдан ҳам жанжал чиқадими?

– Чиқади.

– Чиқмайди!

– Чиқади.

– Чиқмайди!

– Аҳмоқ бўлманг! – деди Афанди жўрттага.

– Жаллод! – деб қичқирди подшо азбаройи жаҳли чиқиб кетганидан.

– Ана, айтмадимми, тақсир, битта “аҳмоқ бўлманг”га жанжал тугул, ўлим чиқди-ку! Боринг бўлмаса, аҳмоқ бўла қолинг!”

Гапнинг ҳақ-ростлиги ва теран тағмаънога эғалигини бир лаҳза – бир жумлада жонли мисол орқали кўрсатиб беришга Афандидек Юсуф

Хос Ҳожиб билан Юсуфбек ҳожи даражасидаги чинакам давлат маслаҳатчисигина қодир! Бу ўринда нафақат подшо, балки етти ёшдан етмиш ёшгача – барча одамларга у ёки бу даражада хос бўлган бир иллат – қайсарлик, ўжарлик, энг бамаъни панд-насихат ва йўл-йўриқнинг ҳам тескарисини қилиш иштиёқи санъаткорона очиб кўрсатилган. Зотан, одам боласининг табиати шундайки, у кўп ҳолларда “Аҳмоқ бўлма” десангиз аҳмоқ бўлади, “Бор, ана, аҳмоқ бўла қол!” десангиз, аксинча, бирданига “ақли кириб”, ақлли бўлиб қолади! Етти яшар болакайнинг ҳам, етмиш яшар подшонинг ҳам феъл-атвори-да бу! Сирасини айтганда, “адабиёт” сўзининг ўзаги “адаб” экан, у инсонларни адабга ўргатишга хизмат қилади. Адаб ва тарбиянинг эса, асосан, икки усули бор: мақтов ёки койиш. Масалан, “бундай қилсанг, яхши бўлади (ёки ақллисан), бундай қилсанг, ёмон бўлади (ёки аҳмоқсан)” дейиш мумкин-да. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи деганларидек, баъзи одамлар яхши гапни, тушунтиришни тўғри қабул қилади, баъзилар эса, яхши гапни тушунмайди, уларга фақат ёмон гап таъсир қилади. Одам боласининг феъл-атворига хос бундай нозик қирраларни яхши билган афанди ҳамма билан, ҳатто ҳукмдор билан ҳам феъллига яраша муомала-муносабатда бўлади. Латифада, айниқса, ҳар қандай жанжал ва ҳатто қатлу қирғинларнинг туб сабаби – аҳмоқлик экани санъаткорона очиб кўрсатиладигани, айрим уқувсиз ёзувчи бу ишни шапалоқдеккина латифада эмас, йирик насрий асарда ҳам удаллаши қийин!

Афанди йигирмадан кўпроқ халқларнинг бирламчи адабий қаҳрамони эканини таъкидлаган эдик. У ўзбекларда Хўжа Насриддин (лақаби Афанди), туркларда Хожа Насриддин, қозоқларда Хўжа Носир, озарбайжонларда Мулла Насриддиндир. Бундан ташқари, қозоқларда Алдар кўса, қорақалпоқларда Умрибек лаққи, уйгурларда Салой чаққон, тожикларда Мушфиқий епби афандитабиат қаҳрамонлар бор. Қолаверса, арабларнинг Афандиси Жоҳа (эҳтимол, хожа сўзининг тескарисига ўқилишидан ҳосил бўлган), русларнинг Афандиси Иван (эҳтимол, Афанди сўзининг қисқарган шакли) деб аталади. Худди денгизда наҳанг лаққа балиқларни ютиб юборганидек, Афанди бирламчи қаҳрамон сифатида бошқа иккиламчи қаҳрамонларни ютиб юбора олади. Яъни Афанди бошқа қаҳрамонлардан топқирроқ, пишиқроқ, қувноқроқ, устомонроқ. Мана, масалан, “Афанди ва Алдаркўса” латифасини ўқиб кўринг: “Бир куни Афанди билан Алдаркўса ҳа-



рифона ош қилишди. Алдаркўса Афандини алдамоқчи бўлиб: – Ош дам егунча жиндай мизғиб олмаймизми? – деди. Афанди кўнди. Ётишди. Афандини ухлатмоқчи бўлиб Алдаркўса ўзи ухлаб қолди. Афанди секин туриб ошни сузди ва пок-покиза еб, қозонга сув қуйиб қўйди. Алдаркўса уйқудан кўзини очиши биланоқ Афандини уйғоқ кўриб, мақтана кетди.

– Қизиталоқ пошшо тушимда ҳам мени тинч қўймай, саройга судраб борди. Зиёфат устига зиёфат...

– Ҳа, – деди Афанди, – ўша тушингизга мен ҳам кирган эдим, қарасам: оғиз-бурнингиздан овқат тиқишаётибди. Менга ҳеч ким қарамади. Қайтиб келдиму ошни ғарибчасига сузиб, ғарибчасига едим. Қорнингиз тўқ келарсиз деб, сизга аччиқ чой дамлаб қўйган эдим, олиб келайми?” Эътибор беринг, аввало, Алдар кўса Афандини алдамоқчи бўлди. Лекин у шохида юрса, Афанди баргида юрибди. Қолаверса, Алдар кўса ўзини пошшонинг ҳурматига сазовор қилиб кўрсатиб мақтаняпти, тўғрироғи, алдаяпти. Афанди унинг қуролини, яъни алдовини олиб ўзига қарши ишлатяпти. Унинг мақтовига мақтов қўшиб, яъни барча ҳурмат-эътибор унга бўлгани, бунга эса, ҳеч ким боқмаганини айтиб, ўзини ғариб кўрсатяпти. Ўзини ғариб кўрсатган ҳолда энг уста алдоқчини ҳам алдаб чув тушириш маҳорати фақат Афандида бўлади!

Маълумки, яҳудийлар кўп минг йиллик тарихга эга, мушавийлик ва исавийлик динлари нозил бўлган қадимги халқ бўлиб, кўпгина латифаларда уларнинг донолиги, қувлиги, пишиқлиги ва бошқа фазилатлари тараннум этилади. Модомики, Афанди кўп халқларнинг умумий ва бирламчи қаҳрамони экан, у ҳар қандай халқнинг ҳар қандай жамоасида ўзининг ақл кучи ва руҳий қувватини аниқ-равшан кўрсата олади. “Нодон жамоа” латифасини ўқиб кўринг: “Афанди бир кунни яху-

дийларнинг катта бойлари орасига бориб бундай деди: – Мени танийсиз, Мулла Насриддин Афанди бўламан. Ҳозир муслмончиликдан кўнглим совиб турибди, агар сиз қирқ кунгача мени яхшилаб зиёфат қилсангиз, сизнинг динингизга қираман! Яҳудий бойлари бу таклифга рози бўлишиб, Афандини қирқ кун зиёфат қилдилар. Охири улардан бири: – Энди ваъдангизга вафо қилсангиз, хайрли иш кечикмаса, – деди.

– Эй, нодон жамоа! – деди Афанди.

– Қирқ йилдан бери муслмонларнинг зиёфатини еб, ҳалигача тузук-қуруқ муслмон бўлганим йўғ-у, қирқ кунлик зиёфатингизга мусойи бўлайми?” Эътибор беринг, Афанди яҳудийларнинг катта бойларига мурожаат қиляпти. Бойлар Афандининг таклифига рози бўлишдими, демак, уларнинг дин ҳақидаги тасаввурлари чекланган! Бойликни ҳар нега қодир деб билган бу бойларни нодон жамоа деса дегудек-да! Лаззатли таом, моддий бойлик, ўткинчи дунё матоҳига қизиқиб динини белгилайдиган одамга ишонч йўқ, бундай одамда чин имон ҳам йўқ. Латифада Афанди ҳар икки тоифадаги одамлар устидан кулмоқда. Афсуски, бугунги кунда эътиқодни бойлик билан ўлчайдиган одамлар бойлик учун ҳар нарсага, ҳатто жонини гаровга топширишга тайёр одамлар, турли дин миссионерларининг ёлгон ваъдаларига ва моддий садақаларига эргашиб кетаверадиган одамлар йўқ эмас, ҳатто улар кўпчиликни ташкил этади. Ғалвирни сувдан кўтариб, яхшилаб суриштириб қаралса, кўпчилик чин эътиқодда собит эмас, балки мунофиқ, фосиқ, каззоб, фирибгар, тамагир, тилёғлама, ғаразўй ва ҳоказо экани кўринадиган қолади. Аммо бунини аниқлаш ва мутлақ ҳукм чиқаришга фақат Яратган қодир. Юқоридаги латифа эса шундай инсонларга ойна тутиб, бизни кулдиришга,



тўғрироғи, аччиқ захарханда билан кулишга, сўнг ҳазил таги зил деганларидек, зил тагмаънони жиддий ўйлашга ундайди. Шу ҳолга алоҳида эътибор берингки, ҳар икки латифада Афанди Алдар кўса билан яҳудий бойларига таҳқир назари билан камситиб қараётгани йўқ, балки уларнинг феъллига яраша муомала қиляпти: ёлғонга асосланган сохта алдовга ҳақиқий алдовни, моддий бойликка эса, маънавий бойликни қарши қўймоқда ва улардан иккинчисининг биринчисидан афзалроқлигини кўрсатмоқда.

Хуллас, афанди латифаларини топқирлик, тўғрилиқ, пишиқлик, қувноқлик, оққўнгиллик ва шулар каби кўпгина фазилатлардан бизга ўғит берувчи ўзига хос йўл-йўриқ, энг қисқа дастуриламал, энг ихчам қўлланма, дейишимиз мумкин. Улар фақат кулдириш (хурсанд қилиш, димоғ чоғлаш, баҳр очиш) учунгина яратилмаган. Бош мақсад ўйлашга ундаш, латифага сингдирилган чуқур тагмаъноларни йўриб-очиш кўрсатиш, тўғри тушуниш ва тушунтириш малакасини эгаллашдир. Тагмаънони яхшироқ тушунганимиз сайин завқимизга завқ, ақлимизга ақл қўшилиб, эл яратган ўлмас қаҳрамонимиз ва унинг ичакузди латифаларига қизиқишимиз тобора ошади. Бизнинг ушбу бадиани ёзишдан мақсадимиз эса, йўриқни йўришгина эмас, шу орқали одам боласининг феъл-атворини англаб етиш, ундаги иллатларни йўқотиб, фазилатларни шакллантириш йўллариини излашдир. Буюк тилшуносимиз Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” мумтоз асарида “йўриқ” сўзининг “феъл, феълу хўй, муомала” маънолари изоҳланган (“Девону луғотит-турк”, “Мумтоз сўз” нашриёти, 2016, 3-жилд, 12-бет). Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса, “йўриқ” сўзининг “иш-ҳаракат тарзи, усули, чора, тадбир, йўл” маънолари тилга олинган (М., 1981, 1-жилд, 354-бет). Ҳар икки изоҳли луғатда бу қадим туркий сўзнинг ўта пурмаъно-пурҳикмат экани яққол кўриниб турибди. Лекин, ўйлашимча, “йўриқ” сўзининг маънолари шугина эмас! Бу сўзни тўлароқ йўриш учун “йўр” ўзагидан ясалган “йўрма”, “йўрға”, “йўрғак” сўзларининг маъноларини ёдга олиш керак. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “йўриқ” сўздан кейин “йўрма” сўзи “каштачилиқда қўлланиладиган чок турларидан бири” деб изоҳланган. “Йўрға” эса, “майда қадам ташлаб тез юрадиган (от, эшак ҳақида)” ва “Бешикнинг бир текисда осон тебраниши учун унинг орқа ва олд оёқлари остига кўндаланг ўрнатилган ёйсимон ёғоч мослама”

деб кўрсатилган. Бир маромда қимирлаш нуқтаи назаридан у йўрға билан бу йўрға бир-бирига жуда ўхшаб кетади, лекин мазкур сўз от билан эшакка нисбатан сифат, бешикнинг бўлагига нисбатан эса, от вазифасида келиб, биринчисида “қандай?”, иккинчисида “нима?” сўроғига жавоб бўлиб турибди. АҚШдаги йирик шаҳарлардан бири Нью-Йоркнинг номида келган “Йорк” сўзининг кельт тилидан лотин тилига, ундан инглиз тилига ўтгани ҳақида манбаларда айтилган. Бу сўзнинг келиб чиқиши бўйича турли фаразлар мавжуд. Шулардан бири – бу сўз туркий “йўриқ” сўзи билан ўзакдош бўлиб, бу сўзда юқорида келтирилган маъноларнинг барчаси (феъл, феълу хўй, муомала, иш-ҳаракат тарзи, усули, чора, тадбир, йўл, кўрсатма,...) ўз ифодасини топган, айна чоғда, бу сўз “бошқарув (администрация)” маъносида ҳам қўлланади!.. Бас, шундай экан, Афандининг йўриғи нима? Афандининг юқорида саналган ва саналмаган барча маънолардаги йўриғи бу, албатта, унинг латифасидир! Латифада афандининг феъл-атвори ҳам, йўл-йўриғи ҳам, муомала маданияти ҳам, топган чораси, тадбири, ечими, кўрсатмаси, бошқаруви..., қўйинг-чи, бутун борлиғи ўз аксини топган! Бинобарин, даст аввал латифага берилган иккита таъриф (“Энг ҳозиржавоб жанр” ва “Энг топқир жанр”)га нисбатан яна-да қисқароқ, атиги иккита сўздан иборат таърифни бадиия сўнгида келтиришимиз мумкин: “Афандининг йўриғи”.

Энг севимли миллий қаҳрамонимиз Хўжа Насриддин афандининг йўриғи бўлган латифа шу кеча-кундузда ҳам бу жаҳон айвони бўйлаб энг учқур тулпордек дам йўрғалаб-йўртиб, дам қушдек қанот боғлаб учиб-қўниб, бутун башариятнинг кўнглини хуш, кайфиятини чоғ қилиб, қулиб-кулдириб юрибди! Бу оламда Афандичалик жаҳонгашта сайёҳ йўқ! Эшак миниб бўлса-да, не бир учқур тулпорлару арғумоқлар жиловидан тутган моҳир чавандозларни ҳам жаҳоний пойгада ортда қолдириб, бадий насрнинг энг мухтасар, энг пурҳикмат, энг гўзал жанрини амалда яратган энг зўр адиб ва жаҳон адабиётининг энг ўлмас қаҳрамони – Хўжа Насриддин афанди баайни Хўжаи Хизрдек то қиёматга қадар ўлмаслиғи ва жаҳонгашталиғи, бу жаҳон айвонининг барча қитъаларию юртларида ўзлигини кўп ва хўп кўрсатиб, ошини ошаб, ёшини яшайвериши тайин!

Йўлинг ҳамиша оқ бўлсин, эй улуг бобомиз, азиз отамиз, қадрдон оға-инимиз, жонажон қўшнимиз...

5 ноябр 2018 йил



# Qani mening YULDUZIM?

Таниқли шоир ва драматург Маишраб Бобоев 1941 йили Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида тугилган. Унинг “Онамга хат”, “Баҳор кайфияти”, “Гурунг”, “Кегки троллейбус”, “Олисдаги гироқ”, “Сўз”, “Мен билган сир”, “Қани менинг юлдузим?”, “Номсиз юлдузлар” каби ўнлаб шеърий китоблари нашр бўлган. Шунингдек, унинг “Ўттиз ёшиллар”, “Ер томири”, “Тошкентдан келган меҳмон”, “Мушкул савдо”, “Бизнинг ҳовли” (“Онаизор”), “Ўз уйингдасан”, “Суянг тоғлари” каби бир қатор саҳна асарлари томошабинлар таҳсинига сазовор бўлган.

Маишраб Бобоев А.Пушкин, Р.Ҳамзатов ва бошқа шоирларнинг шеърларини, В. Катаевнинг “Хайл тегаклари” романи, Муин Бисунинг “Таширф қозоғи”, Отар Чиладзенинг “Рангин дунё” шеърий китоби ва йигирмадан ортиқ драматик асарларни ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Маишраб Бобоев 2003 йили Тошкент шаҳрида вафот этди.





Ўқувчилик йиллар.

Инсоннинг шахсияти унинг асарларига ҳам юқади. Машираб Бобоев жудаям кўп китоб тикқарган эмас, лекин барга китоблари эсда қоларли. Унинг шеърларида жуда катта ижтимоий салмоқ, жуда катта фалсафий фикр бор эди.

Сайди Умиров

Маширабнинг инсоний фазилятларига қойил қолардим. У ҳамманинг туғилган кунини билар, жуда бўлмаганда, сим қоқиб табриклар қўяр, бўлмаса оиласини етаклар уйга кириб келарди. Аммо бир нарса менга таскин беради. Маширабнинг босган излари қолди. Мен шундай инсон ва ижодкор билан замондош ва маслакдош бўлганимдан фахрланаман.

Маҳкам Муҳаммедов



Тилак Жўрава, Неъмат Аминов билан.



Машираб ака шеър ўқиганда кўзларидан ўт гақнагандай бўларди, унинг телесериалларидан бир қисмини кўрсангиз кифоя – боғланиб қолардингиз. Насри, драматургияси ҳам фалсафий, сеҳрли эди. Пайариқнинг гекка бир қишлоғидан шундай истеъдод тикқанига ишонқирамай қолардингиз.

У муборак хотираларда яшаяжак!

Нусрат Раҳмат

Машираб Бобоев деганда фақатгина пьеса, шеърларини эмас, инсонийлигини хотирлаймиз. Чунки ҳар бир ҳаракатида инсоннинг кўнглига тегмайдиган қилиб гапирарди, уқтирарди ва ёзарди.

Тўти Юсупова



Рўзи Чориев, Сайди Умиров, Тўрғун Бекназаров билан.



Тўти Юсупова, Раъно Ярашова билан.

Бу ҳаётда Машираб Бобоевдек покиза ва софдил инсонлар кам бўлади. Қагонким акани эсласам, унинг ёруғ табассумли гехраси кўз ўнгимга “ялт” этиб келади. Ака биз укаларини беҳад суяр, биз ҳам ҳаммиша унинг меҳрини ҳис этиб турардик. Машираб ака самарали ижодкор эди: шеърлари, пьесалари, ҳикоя ва қиссалари, таржималари ўзбек адабиёти бағрини тўлдириб турибди.

Хуршид Даврон





1996й.

Машираб ака гоаят нозиктаъб, зукко муҳаррир, айтиши мумкинки, адабиётнинг заҳматкаш мардикори эди...

Ўзи ёзганларидан кўра бировларнинг асарларини эпақага келтирмоққа кўп умр сарфлади раҳматли, “Сувдаги балиқ билмаса, холиқ билар” дердими, қайдам. Биладиганлар бор Машираб ака! Шуларнинг дуоси, миннатдорлиги нарги дунёларда сизни қўллагай...

**Эркин Аъзам**



МаҳкамМуҳаммедовбилан.



Ижодкор дўстлар билан.

Машираб ака “Сўз” деб аталмиш китобларининг биринги саҳифасидаги шеърда навбатдаги сўзларининг яхшими ё ёмон эканини билмаганларини айта туриб: “Унда биронта ҳам ёлгон йўқ асло, марҳамат, сўз биздан, сиздан-ги, баҳо”, деб ёздилар. Мен 1978 йилнинг баҳоридаяқ бу китобга “аъло” баҳо қўйиб эдим, ҳали ҳам бу баҳодан тонганим йўқ. Бу баҳо мен дунёдан ўтиб кетганимдан кейин ҳам қолади. Чунки “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган яхши одам” Машираб Бобоевнинг асарларига фақат менгина эмас, халқ “аъло” баҳо қўйган. Халқ эса адашмайди.

**Тоҳир Малик**

Машираб ака атрофидаги одамларга, айниқса, ёшларга бир қадрдон ака, меҳрибон устоз илиниши мумкин бўлган барга нарсаларни сидқидилдан илинади. Бу инсон ўзидан кўра ўзгаларнинг ўй-ташвишларига барҳам бериш, қайғусини шодликка айлантириш йўлига умрини харжлаб яшайди. Бугун Машираб акани ким биландир қиёслагим келади, аммо унинг ўзидан ўзга қиёс топилмайди.

**Йўлдош Ҳайдаров**



Шукӯҳли дамлар




МарямИхтиёрова, МаҳкамМуҳаммедов, ЙўлдошҲайдаров билан.



Оила даврасида.

У кишининг феъл-атвори ўзига хос эди. Болаларни ҳам сизлаб гапирарди. Турмуш ўртоғим билан 32 йил яшадик. Шу кунлар менинг энг бахтиёр кунларим бўлган.

**Райҳон Бобоева,**  
рафиқаси



**Машхура НУРМАТОВА**  
тайёрлади.





*Nilufar*  
УМАРОВА

1972 йили туғилган.  
Қарши давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Кўнгил розлари”, “Дуогўй ёмғир”, “Хаёл кўзлари” каби китоблари нашр этилган.

## Bulut kabi to‘zg‘iydi ruhim

### ХАЁЛ ИСКАНЖАСИДА

Бирин қувсам, бирин аврасам,  
Пайдо бўлар яна бошқаси.  
Қай бирида иггайман қасам,  
Бири таниш – отнинг қашқаси.

Булут каби тўзғийди руҳим,  
Ҳам айрилиб қолганман ҳушидан.  
Озод сўзлар дийдори угун,  
Қайтгайдирман боғи беҳишдан.

Тоғ бошида қордай эрirman,  
Сайр этарман назмий елканда.  
Қоқ тунлари бошим ўрнида  
Хаёл ўсиб тикқар елкамдан.

\* \* \*

Хаёл кўзгусига дарз кетар бир дам,  
Яқинлашиб келар ҳар неки йироқ,  
Бир-бирига ишқаб тақмоқтошини  
Юрагимни ёқар момоқалдиروқ,

Булутлар лашкарин қувмоқлик угун,  
Баҳор қамғи босар угқур отига.  
Нетай, қулоқ тутгим келади менинг  
Йиғлоқи ёмғирлар муножотига.



\* \* \*

Тандирида нон ёпяптими,  
Сигирини соғаяптими ё.  
Парво қилмас қўнғироқларга  
Ташвишларга кўмилган аёл.

Хаёлида яқинлар ёди,  
Ёнган нонин тафтидек қайноқ.  
Сутдек ҳалол билиб дунёни,  
Дастурхонга тортади қаймоқ.

Кузатаркан тараддуд билан,  
Фарзандларин севган ишига.  
Манфаатин ўйлаш ўзининг  
Етти ухлаб кирмас тушига.

Англар меҳр кўрсатса дилдан,  
Юраклардан ғам аришини.  
У билади шу меҳр билан  
Одамзодни қутқаришини.

\* \* \*

Барглари узирган шамоллар телба,  
Боғларни куйдирар олов нафаси.  
Олтин сирғасини ўеирлатган куз  
Ў, сен хазонларнинг муқаддас фасли.

Ёмғирлар суҳбатин тинглар сукунат,  
Дарахтлар гўлкалаб ўйлайди бетин.  
Бунгалар ўжарсан, Осмон, яхшиям –  
Юрак инжиқлигин кўтаради тун.

Тонггага фурсат бор ўйламоқликка,  
Бирор илинж бордир балки тушларда.  
Тагин хаёлларим тушарлар йўлга,  
Тонгда парвозга шай турган қушлардай.

\* \* \*

Узуноёқ йўллар писандмас девдим,  
Қани, шу йўлларда саргардон бўлсам.  
Ота, далангиз ҳам одам кўнглини  
Одамдан ортиқроқ оларкан, билсам.

Бунда борлиқнинг-да уйқуси уйғоқ,  
Бир-бирини кўрмас бедор киприклар.  
Кўз кўзга тушганда ҳар уйғонгувги  
Меҳр кўнгишларни боғлар кўприклар.

Ҳалол луқма билан қотган ҳар гавда,  
Кесақларни сизлаб силаган қўллар.  
Ингитка эгатлар бор бўйигага  
Чизилган тизикдан тизмаган йўллар.

Дардин бўлишганда таънаси йўқ ҳет,  
Бугдойи устига ёпар тўнини.  
Бунга оқибатли бўлмаса булар,  
Меҳр билан тупроқ ога-иними?!

Ой билан йўлма-йўл келиб далага,  
Ўнгида ширин туш кўрганин айтар.  
Қоронғулик мутлоқ ҳоқим паллада,  
Ортга қарай-қарай изига қайтар.

Узуноёқ йўллар писандмас девдим,  
Қани, шу йўлларда саргардон бўлсам.  
Ота, далангиз ҳам одам кўнглини  
Одамдан ортиқроқ оларкан, билсам.





**Шавкат ҲАСАНОВ**,  
филология фанлари доктори.

1967 йили туғилган.  
Самарқанд давлат  
университетининг ўзбек  
филологияси факультетини  
тамомлаган. “Достон  
ва лирика”, “Замонавий  
достон поэтикаси”, “Достон  
таркиби ва табиати”  
монографиялари нашр  
қилинган.

## “Kichik” odamlarda katta qalb KO‘RGAN ADIB

Ўтган асрнинг 60-йилларида Сталин сиёсати қоралангач, адабиётдаги вульгар социологик қарашларга бир қадар барҳам берилди. Инсонга инсондек қараш, унинг жамиятдаги ўрни, мавқеини англаш, ҳаёт фақат галабалардан иборат эмаслигини тушуниш, инсон табиати хато ва қусурлардан холи эмаслиги, эрка ташналиги, ўй-хаёллари, хатти-ҳаракатлари ҳамиша ҳам рисоладагидек бўлавермаслигини бадий талқин этишга ҳаракатлар бошланди. Адабиётга янги истеъдодлар кириб келади. Шулардан бири Чингиз Айтматов эди.

Чингиз Айтматов ижодида диний қарашлар, Шарқ ва Фарб маданиятининг ҳаётбахш хусусиятлари ўзига хос тарзда синтезлашганини кўриш мумкин. Ёзувчининг энг муҳим хизматларидан бири шундаки, у соцреализмнинг тор, биқиқ муҳитига тоза насимлар олиб кирди, рангин ва серқирра услуби билан унинг имкониятларини кенгайтди.

Чингиз Айтматов ижодини унга замондош бўлган Габриэл Гарсиа Маркес ижодига қиёслаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Маркес эркин ижод қилди, Чингиз Айтматовда эса бундай имконият бўлмади. Яъни Маркесдан фарқли ўлароқ, Чингиз Айтматов ўз истеъдодини тўла-тўқис намоён этолмади. Истеъдоднинг маълум қисмини ўзи мансуб бўлган тузумнинг хоҳиш-иродаси учун қурбон қилишга мажбур эди.

Ўз даврида ва ундан кейин ҳам шўро тузумининг объектив манзарасини, унинг туб моҳиятини тасвирлашда Чингиз Айтматовга тенг келадиган ёзувчи бўлмаса керак. Аҳамиятли жиҳати, улкан адибнинг эстетик қарашлари социалистик реализм руҳат берган чегаралар доирасида эди. Бу жиҳати билан у ўзининг севимли адиби Михаил Булгаков ижодига ҳам яқин туради.

Чингиз Айтматов яратган характерларга ёзувчи биографияси орқали қарайдиган бўлсак, бу характерлар ва қаҳрамонлар тарихи Айтматовлар оиласи тарихи эканига гувоҳ бўламиз. Адиб яратган сюжетлар унинг ўзи бошидан кечирган, болалигининг беғубор осмонларини қуюқ булутларга тўлдирган воқеликнинг ҳаётий фабуласидир. Тақдири азал унинг манглайига бахтсиз болаликни



битган эди. Зеро, тош асрида ҳам, қулдорлик ва феодализм шароитида ҳам хунрезликлар, зўравонликлар, вайронагарчиликлар бўлиб турган, бироқ буларнинг ҳеч бири кўлами, трагизми ва бардавомлиги билан XX асрдагидек бўлмаган эди.

Чингиз Айтматов яратган характерларнинг кўпчилиги ёлғиз, етим, ўғай ва кимсасиз... Ёзувчи деярли барча асарларида ушбу мотивларга қайта-қайта мурожаат қилганини кўриш мумкин. Масалан, “Юзма-юз” да Бексоат кампир, яъни урушдан қочиб келган Исмоилнинг онаси келини Саидага оиласининг тарихини сўзлаб беради: “Энди ўйласам, қанчадан-қанча азоб-уқубатлар чекмадик, бир умр тақдир бизга соя солди. Болаларим ўлди, эрим ўлди, акаларимни қулоқ қилишди, жамоа хўжалигида тонгдан тонггача ишлаб, кексайиб, касалманд бўлиб қолдим”. “Жамила” қиссасидаги Дониёрни муаллиф бундай таништиради: “Кейин билишса, Дониёр асли шу ерлик экан. Айтишларича, у ёшлигида етим қолиб, ҳар кимларнинг эшигида юрган, охири Чақмоқдаги қозоқ тоғалариникига кетиб қолган, шу-шу болани излаб боргудек биронта ҳам жонкуяри бўлмаган экан”.

“Сарвқомат дилбарим” даги Илёс етимхонада ўсган. “Биринчи муаллим” даги Дуйшен – очарчилик йиллари овулдан кетиб, бир муддат темир йўлда ишлаб, сўнг домдараксиз йўқ бўлиб кетган ўша Тоштанбекнинг ўғли.

“Ота мен сенга ёдгорлик ўрнатолмадим. Сенинг қаерда дафн этилганлигингни ҳам билмайман. Ушбу асаримни, отам Тўрақул Айтматов, сенга бағишлайман...”

“Сомон йўли” асарида эпилот ўрнида келган ушбу бағишловнинг бошламасидан аён бўладики, асарга асос бўлган давр воқелиги қахрамонларга осон ва равон тақдир йўлларини раво кўрмаслигидан китобхонни огоҳлантиргандек бўлади.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, Чингиз Айтматов ўзининг, ота-онасининг, ука-сингилларининг ҳаёт йўлларини қахрамонларига улашиб чиққан. XX аср қирғиз халқининг ҳаёти Айтматовлар оиласининг тақдири мисолида типиклашган.

Чингиз Айтматов яратган ҳар бир характер асарга ўзининг ўтмиши билан кириб келади. Ўтмиш бу характерлар учун хотиралар тафтида исиниб, бирпас тин олгач, бир манзилдан ўзга манзилга, бир фаолиятдан бошқа бир фаолиятга йўлловчи ўзига хос адабий бекатдир. Улар давр суронлари аро ўзлигини излашади.

Бахтсиз муҳаббат мотиви адиб асарларида тез-тез учраб туради. Танабой ва Бибижон, Райимали оқин ва Бегимой, Эдигей ва Зарифа муносабатлари алоҳида-алоҳида армон ва ўкинч шевасида битилган мунгли, маҳзун муҳаббатномалардир. Бир-бирига ўхшамаган, бир-бирини такрорламайдиган бу севги қиссаларидаги жуфтликларнинг ҳар бири ўзларича бахтсиз. Уларни бирлаштириб турган севги ришталари айрилиққа туташаверади. Ёзувчи оила, муҳаббат, бурч масалаларини талқин этганда шарқона менталитетга таянади. Табиийки, гарб ёзувчиси бу масалаларни бошқача талқин этган бўларди.

Чингиз Айтматов поэтик услубининг яна бир жиҳати – унинг персонажлари кўпинча табиий офат синовларига дуч келади. Кутилмаганда ёғиб қоладиган жала, қор, сув тошқини ва бошқа табиат ҳодисалари шусиз ҳам мураккаб вазиятни янада чигаллаштириб юборади, сюжетнинг янги бир тармоғини юзага келтиради. “Соҳил ёқалаб чопаетган Олапар” тўлалигича ана шу концепция асосига қурилган. Бу асарда ёзувчи учун қадрдон бўлган тоғу даштлар адабий макони океанга



кўчирилади. Тўртовлон қайиқда овга чиққанда океанни куюқ туман қоплайди. Юлдузлар йўл кўрсатмайди, туманни тарқатиш учун шамол ҳам эсмайди. “Чексиз зулмат қўйнида адашиб қолган ёлғиз қайиқ ва ундаги азоб-уқубатдан, очликдан, ташналиқдан тинка-мадори қуриган одамлар туман ичида бир жойда айланишлар, номаълум қисмат ва умидсизлик чангалидан чиқолмас эдилар...” Ёзувчи шундай бир трагик вазият яратадики, қаҳрамоннинг биргина сўзи, биргина ҳаракати унинг ким эканлигини ярқ этиб намоён қилади. Океаннинг суви шўр – ичиб бўлмайди, чучук сув тугаёзган, егуликка эса қурилган шўр балиқ қолган, холос. Туман тарқаб, соҳилга етгунча бола – Кирискга сув етар-етмас. Боланинг яшаб қолиши учун аввал бобоси, кейин тоғаси, сўнг отаси ўзларини қурбон қиладилар – инон-ихтиёрларини чексиз зулмат ва сув қоплаган баҳрга топширадилар.

Чингиз Айтматов реалист ижодкор. Аммо унинг реализми мифология, халқ оғзаки ижоди, диний сюжетлар ва мотивлар, фантастикага тўйинган. “Мусибат паллаларида бир оғиз айтилган гапнинг тагида ундан неча баробар кўп ҳақиқатлар айтилмасдан туради”, дейди “Сарвқомат дилбарим” асари қаҳрамонларидан бири. Агар адиб ижодини шўро даври мусибатлари тарихи деб тасаввур қиладиган бўлсак, ёзувчи айтмоқчи бўлган жуда кўп ҳақиқатлар унинг услубига жило берган эртак, ривоят, мифларнинг қат-қатига сингдириб юборилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Чингиз Айтматов феноменини юзага чиқарган яна бир жиҳатга эътибор қаратиш зарур. Буюк ёзувчи адабиётга янги инсонни, янги характерни олиб кирди. Бу инсон образи ўзининг яқин салафларидан фарқли ўлароқ курашчан, жанговар ҳамда муайян ғоялар яловбардори эмас, балки кичикроқ бир жуғрофий ҳудудда ўзлигини, жамиятдаги ўрнини излаётган инсон. Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асари у билан деярли бир вақтда яратилган Габриэл Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” асари шу жиҳатлари билан бир-бирига жуда ўхшаш. Реализм ва мифологиянинг уйғунлиги, параллел ҳолда кечиши ҳар икки асар учун хос хусусият. Бундан ташқари, ҳар икки асарнинг воқеа-ҳодисалари цивилизациядан четроқ, овлоқ маконда кечади. “Ёлғизликнинг юз йили” қаҳрамонлари Макондонинг тўрт тарафи сув билан ўралганлигини англаб, тамаддундан четда чириб, ном-нишонсиз йўқолиб кетмаслик учун у ердан чиқишга ҳаракат қилишади. “Оқ кема”

қиссаси қаҳрамонлари эса ўз маконлари – ўрмон хўжалигидан чиқиб кетишни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Чунки уларни цивилизациянинг ўзи шу овлоқ гўшага улоқтириб ташлаган.

Узоқ асрлар давомида чорва ортидан яйловдан тоққа, тоғдан яйловга кўчиб юрган кишилар учун шаҳар ҳаёти зерикарли, диққинафас. Шу боис ҳеч қандай куч уларни ўз маконларидан чиқаролмайди. Ўрмон хўжалигида бор-йўғи учта оила: Мўмин чол кампири ва невараси билан, Ўрозқул хотини Бикей ҳамда Сейидахмед хотини Гулжамол ва қизчаси билан яшашади. “Оқ кема”нинг архитектуроникаси шундай қурилганки, персонажларнинг бирортаси ўзлари яшаб турган микро ҳудуддан ташқарига чиқиб кетолмайди: ҳамма бир-бирига бегона бўлса-да, ҳамма бир-бирига кўринмас ип билан боғлаб ташлангандек.

Сюжет оддий: жоҳил Ўрозқул ҳар гал маст бўлиб, фарзандсизлиги учун хотинини калтаклайди, Мўмин чол – табиатан муте, қўлидан ҳеч иш келмай, титраб-қақшаб изтироб чекади, Ўрозқулга ялиниб-ёлворади. Бир чеккада буларни кузатиб турган бола эса йиғлаб, ўзининг эртаклар дунёсига талпинади. Қиссада келтирилган шу реал ҳаёт манзараси билан параллел равишда киритилган ривоят туфайли асар сюжетидаги хронотоп, яъни макон ва замон категорияси чексиз космик миқёсларга кўтарилади. Ривоят қирғиз халқининг келиб чиқиш тарихидан бошланади. Ривоятдаги рамзийлик боис ўтмиш ва келажак бугуннинг чорраҳасида туташади. Табиатан мўмин бўлган, эртак ва ривоятларга ёш боладек ишонадиган, кўз ёши қилиб тинглайдиган чол – фожиалар гирдобиди яшайди. Реал воқелиқдан зада бўлиб, эртаклар оламига сингиб бораётган бола – ўтмиш ва келажакни боғлаб турган кўприк. Ўрозқул эса жоҳилликнинг тимсоли. Жаҳолат эса, барча замонларда қурбонлик талаб қилган. Бола шу жаҳолат қурбони эди.

Мўмин бобо бу ҳаётда нимагаки эришган бўлса, барчаси завол топди. Ўғли урушда ҳалок бўлди, хотини унинг доғида вафот этди, кичик қизи боласини унга қолдириб, шаҳарга кетиб қолди. Катта қизи Бикейнинг аҳволи эса бу. Ўзи эса кейинги кампирининг қарғиши ва Ўрозқулнинг зуғумларини ютиб яшашга маҳкум. Бу фожиаларнинг кўлами кенг, бу фожиаларнинг поёни йўқ. Булар камлик қилгандек Мўмин бобонинг шохдор Она Буғуга – халқининг халоскорига, ўзининг ўтмишига, боланинг келажакига ўз қўллари билан ўқ узиши



шундай ҳаётий мантиқ билан асосланганки, ҳеч қандай фантастик тафаккур кучи билан ҳам бу ҳақиқатни рад этиб бўлмайди.

Собиқ шўро адабиётида Чингиз Айтматов ижодидан таъсирланмаган носирлар кам топилади. Сюжетни тармоқлантиришда, характер хусусиятлари ва қаҳрамон психологиясини очишда, реал ҳаёт ва мифологияни уйғунлаштиришда, пейзаж ва портрет чизишда, интригаларни кучайтириш ва конфликтни ўткирлаштиришда, ҳуллас, одам ва оламнинг бадиий манзараларини тасвирлашда ўзбек ёзувчилари ҳам Чингиз Айтматов сабоқларидан баҳраманд бўлишди.

“Қандай яшаш керак?” – деган саволга ҳаёт, тарих, динлар, маданиятлар, шахслар, фалсафа, шароит ва муҳитнинг жавоблари, талқинлари турлича. Ч.Айтматовнинг қаҳрамонлари ана шу бошқотирма жавоблар лабиринтида доимо йўл излашади. Шуниси муҳимки, ҳар қандай давру шароитда ҳам инсон шаъни ва номига доғ туширмаслик керак деган ғоя ёзувчи яратган аксарият характерларнинг қон-қонига сингдириб юборилган. Турли-туман касб-корга, индивидуал ҳаёт йўллари, характерга эга ранг-баранг оддий кишилар образининг Чингиз Айтматов насрида пайдо бўлиши, биринчидан, адабиётни реал ҳаётга янада яқинлаштирган бўлса, иккинчидан, турли миллий адабиётларда ана шундай муайян ҳаётий мақсадлар ва дардлар билан яшаётган “кичик”, “кўп қатори” образлар асрини бошлаб берди. Кейинги давр ижодкорларидан Т.Муроднинг Зиёдулла, Деҳқонқул, Э.Аъзамнинг Бердибой, Бакир, Х.Султоновнинг Адаш Карвон, Б.Қобулнинг асарларидан асарларига кўчиб юрадиган Болакай каби бир қатор образлар шулар жумласидан.

Чингиз Айтматов Мўмин чол тимсолида давр воқелиги эзиб, абгор қилган инсон образини яратган эди. Кейинчалик романларида акс эттирган манқурт, икс зурриётлар ғарбу шарқда, шимолу жанубда кечган, кечаётган воқеликнинг бадиий умумлашмалари, назаркарда адибнинг кароматлари бўлиб қолди.

“Кассандра тамғаси” га келиб ёзувчи ўзликдан, қадриятлардан воз кечишнинг фожиавий оқибатлари глобал миқёсларга чиққанлигини кўрсатади. Крилцов ўз лабораториясида ундирилган эмбрионлардан маҳкума аёлларнинг бачадонларида кўплаб икс зурриётлар, яъни ота-онаси ҳам, ака-укалари ҳам, тоға-жиянлари ҳам,

ҳуллас, бирорта қариндош-уруғи йўқ болаларни етиштира бошлайди.

XX асрнинг охириги ўн йиллигида кечган тарихий жараён – бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш бошқа онг қирралари каби бадиий адабиётда ҳам ижтимоий фикрнинг салмоғини оширди. Шулардан келиб чиқиб, Чингиз Айтматов услубидаги икки асосга эътибор қаратмоқ зарур. Қиссаларида табиат ва табиатга яқин характерлар кашф этилган бўлса, романларида жамият ва шахснинг ижтимоийлашиш жараёнлари кучайганлиги сезилади. Ҳозирда ана шу икки асоснинг турли хил комбинацияларидан ранг-баранг асарлар яратилиптики, бу алоҳида тадқиқот мавзусидир.

Бу асарларида охирзамон аломатлари ўзининг бутун маҳобати билан гавдаланади. Шу билан бирга, ёзувчи инсон умрининг пойдорлиги ва бардавомлигига, инсоният келажагига умид билан қарайди, ана шу умидворлик энг оғир дамларда ҳам унинг қаҳрамонларига таскин ва далда беради: “Инсон ўйлари билан Денгизга ва Осмонга тенглаша олади. Шу ўйлари билан у табиатнинг абадий қудрати олдида ўзининг мавжудлигини исботлайди, шу билан инсон коинотнинг теранлиги ва юксаклигига муносиб бўла олади. Шунинг учун инсон ҳаёт экан, у руҳан денгиздай қудратли, осмондай чексиз: чунки ўй-хаёлотнинг чеки йўқ. Агар инсон ўлса, унинг ўй-хаёлларини бошқа бир инсон давом эттиради, у ҳам ўлса, кейингиси ва ҳоказо, бу ҳодиса чексиз давом этаверади...”

Инсон иродаси ва шаънига тиклаган бадиий обидалари туфайли Чингиз Айтматовни кўпчилик илм ва ижод аҳли Лев Толстой, Михаил Шолохов, Габриэл Маркесларга қиёслайди. Бу тўғри. Чунки ҳар бир давр ўз ғояларининг ифодаси ўлароқ ана шундай мутафаккирларни тарих саҳнасига олиб чиқади.

Тасаввуф талқинига кўра, оламнинг яратилишидан мақсад – инсон, инсоннинг яратилишидан мақсад комил инсондир. Комилликка йўл – шоду хуррамликка йўл эмас, қайғуга сафар, мусибатларга сафар. Ҳақиқий талантнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳам худди шундай – машаққат ва заҳматлардан яралади, ўзликни англаш ва тинглашга даъват этади, маънавий покланиш ва юксалишга чорлайди.

Ана шу азалий ва абадий ҳақиқатни Чингиз Айтматов ўз асарлари билан ҳаёт ва давр тасдиғидан ўтказди.

# Yurak aldamaydi

*Nikoya*

*Хали олис ўша қутлуг кун,  
Парвозингни баланд ол, юрак!  
Курашларда енгмогим угун  
Узоқ умр кўрмогим керак.*  
**Машраб БОБОЕВ**



## Ашурали ЖЎРАЕВ

1956 йили тугилган.  
Тошкент давлат  
маданият институтини  
(ҳозирги ЎзДМС) тамом-  
лаган.  
“Тошбақалар пойгаси”,  
“Юрак бўронлари”, “Ўқ уз-  
ган ким?”, “Танимадинг-а?”,  
“Саҳифага сизмаган  
сатрлар”, “Майсалар  
уйғонган тонг”, “Конверт  
одам” каби китоблари  
нашр этилган.

Касалхонада даволаниш учун ётганимда юрагимни кардиограм-  
ма қилишди. Уни кўздан кечирган докторлардан бири: “Сиз тик  
оёқда инфаркт ўтказиб юборгансиз. Мана бу чандиқлар инфаркт-  
нинг белгиси”, деса, иккинчиси: “Ҳеч қандай инфаркт ўтказмаган-  
сиз. Мен унинг аломатларини кўрмайпман. Кардиограммадан кўри-  
ниб турибдики, юрагингиз тез ураркан, холос”, деб ташхис қўйди.

Аслида ҳар ким ўз юрагининг табиби. Шу боис ташхисни ҳам ўзи  
қўйгани дуруст.

Кутилмаганда кимдир зўр бериб, юрагимга мих қоқаётандай  
қаттиқ санчиб қолади. Унга оҳиста қўлимни қўяман. “Художоним,  
ўзинг асрагин”, – дейман шивирлаб.

Баъзан яхши воқеаларни эшитиб, юрагим ҳапқириб, тез-тез ура  
бошлайди. Баъзан ёмон, кўнгилсиз воқеалардан “хўмрайиб” қолади.  
Яна унга тасалли бераман; “Шошилма, ҳовлиқма, юракжон, ҳали  
қиладиган ишларимиз кўп”, дейман.

Дўстларим, танишларим, ўзларига яқин оладиган биродарларим  
кўпинча танбех берадилар:

– Ҳар нарсага куйинавериш яхши эмас... Бўлар-бўлмас гап-сўз-  
ларни ҳам юракка олаверманг... Кўпам жиззаки бўлманг... Булар-  
нинг ҳаммаси юракка оғирлик қилади... Юракка тош ортишнинг  
нима кераги бор?!

– Эҳ, Фазлиддин, Фазлиддин юрагингга раҳминг келмайди-  
ми? – дейди яна бир оғайним ҳолимга астойдил ачиниб. – Қўй, шу  
ўт-олов феълингни, нуқул тўғрилиқ, тўғрилиқ, адолат, деб ёнавер-  
ма! Ҳақиқатнинг йўли олис ва машаққатли, унинг манзилига етиш  
осон эмас. Адолат манзилига етиш учун одамга битта юрак камлик  
қилади.



Шундай пайтларда ўзимдан ҳам кўра, юрагимга жуда-жуда раҳмим келади. Юрагим озор чеккан воқеа-ҳодисалар, азобли лаҳзалар ёдимга тушаверади. Эсланган сайин яна юрагим сиқиллаверади. Юракка ачинаман. Бу оғир ва машаққатли йўлни юрак жуда эрта танлаган бўлса нима қилай?

Олти ёшда эдим. Кеч куз маҳали. Бувим, онам эшикларни бекитиб, мени ҳовлига қоровул қилиб, ўзлари пахта теришга кетишарди. Ўшанда пахта сиёсати оғир даврлар эди.

Бир куни ҳовлида ўйнаб юрсам, очиқ дарвозамиздан беш-олти киши шаҳдам юриб кириб келди. Битта гавдалисининг бошида ҳарбийга ўхшаш шапка, елкасидаги пагонлари тўла катта юлдузлар. Бир пакана семиз одам: “Уйда ким бор”, деб сўради. Мен ҳаммалари пахта теришга кетганини айтдим. Шунда у:

– Бувинг билан онанг пахта ситадими, – деб савол берди.

– Ҳа, ситади, – дедим билагонлик қилиб.

– Ситган пахталарини нима қилади?

– Йиғилган кўрпачаларнинг орасига тиқиб кўяди...

– Бизга кўрсатасанми?

Битта деразамизнинг тавақаси яхши бекилмасди. Номига ёпиб қўйиларди. Шартта бориб деразани очдим ва ундан ошиб тушиб, ситилган пахталар бекитилган кўрпа-кўрпачалар йиғиб қўйилган жойни кўрсатдим. Ҳалиги одамлар орасидан битта озғин киши деразадан ошиб ичкарига кирди. Кўрпалар орасига қўлини тиқиб, бир неча сиқим ситилган момик пахтани олиб, чўнтақларига солди.

– Чигитларини нима қилади, – деб сўради у.

– Молларга берамиз, – дедим хурсанд бўлиб.

Лекин икки кўзим милисами, ҳарбийми кийимидаги одамда эди. Унинг вазоҳати кўрқинчли эди.

Улар кетиш олдидан отамнинг исмини сўрашди. Бу саволга ҳам дарҳол жавоб бердим. Пахтани чўнтақларига солган киши этиги қўнжидан букланган дафтар олиб, нимадир деб ёзди. Кейин билсам отамнинг исмини ёзган экан.

Қош қорайганда бувим билан онам пахта теримидан ҳориб-толиб келишди. Икковларининг елкаларида икки фартук ўт. Улар қўл-юзларини ювмасдан, бўлган воқеани оқизмай-томизмай, хурсанд бўлиб гапириб бердим. Ҳатто ўша семиз амаки бир дона конфет берганлигини ҳам мақтаниб айтдим. Икковларининг ҳам ранги ўзгарди. Бувим индамади. Онам оғзига келган “яхши” сўзлар билан роса таъзимини берди. Шунда нотўғри иш қилганимни тушундим. Энди кеч бўлган эди...

Отам ўша оқшом ишдан қайтмади. Айтишларича, у кишини совхоз идорасига чақириб, ўша жойдан милицияга бериб юборишибди. Ўн беш кундан сўнг ранг-рўйи бир аҳволда уйга кириб келди. Отам озиб-тўзиб кетганди.

Отамни кўриб, югуриб бориб салом бердим. Ҳар доим саломимга алик олиб, “Фазлиддинжон эркатойим, ақлигим” деб эркалайдиган отам, бу гал индамай келди-да, зарб билан бир тарсаки урди. Тарсаки шу қадар қаттиқ эдики, супанинг пастига учиб кетдим. Отам индамай уйга кирди. Бу тўғрилиқ учун олган биринчи юксак мукофотим эди...

Ўшанда кўрқув исканжасида қолган жажжи юрагимнинг аҳволи нима кечганини билмайман. У ҳам менга қўшилиб тарсаки зарбидан йиғлагандир, кўрқувдан дир-дир титрагандир. Ҳар қалай хурсанд бўлмаган бўлса керак...

Бувим билан онам даладан териб келиб, ситиб қўйган бир ҳовуч пахта “жиноят” бўлса, мен унинг сирини очдим – тўғрисини айтдим. Агар ўша бир сиқим пахта ҳақиқатга муҳтож бўлган бўлса, мен ўша ҳақиқатни рўй-рост гапирдим. Лекин бундан жажжи юрагим қанчалар озор чекканлигини, унга озор берганимни мен нодон тушунмаганман. Нега тарсаки еганимни ҳам англаб етмаганман. Ўшанда шўрлик отамни ўн беш кунга қамашганини ҳам билмаганман.

Мактабда ўқиб юрган кезларимда юрагим тарихида бундан ҳам даҳшатли воқеа рўй берди. Чунки юрак кутилмаган тўқнашувлар ва оғир синовларга, ҳар қадамда рўй берадиган тасодифий воқеа-ҳодисаларга тайёр туриши кераклигини мен – ёш бола қаердан ҳам билай?..

Бобом мулла Жўра қишлоғимизнинг номдор домласи эди. Ўқитувчим Фарида Шагаеванинг эри совхозимизнинг парткоми эди. Шўро замонида мулла билан партком мутлақо чиқишмасди. Ўқитувчим баъзан менга: “Ҳа, мулланинг боласи. Билиб қўй, бобонг ёлгончи, Худо билан кўрқитмасин, Худо йўқ!”, – деб дўқ урарди. Мен ўқитувчининг бу гапларига унча парво қилмасдим, бу гапларнинг моҳиятини ҳам унчалик тушуниб етмасдим-да. Лекин Худо борлигини, Худойим ҳамма нарсани кўриб турганини бобом қайта-қайта тушунтирган эди...

Бобом менга араб алифбоси ҳарфларини уйда ўргатарди. Бир кун нима бўлди-ю, ўша арабча алифбо ҳарфлари ёзилган варақни ўқитувчим – Шагаева “Ўқиш китоби” м орасидан топиб олди. У мени бақир-чақир қилиб доскага чиқарди.

– Мулланинг боласи мулла бўлади. Нега арабчани ўрганасан? Бобонг халқ душмани!

Уни турмада чиритаман, – деб қулоғимдан чўзиб, ура бошлади. Бир маҳал қулоғимдан қон оқди. Ўқитувчи шошиб қолди... Қонни кўриб мен ҳам кўрқиб кетдим.

Ўша кечаси иссиғим кўтарилиб, алаҳсираб чиқдим. Танам билан бирга юрагим ҳам қўшилиб ёнди.

Эртаси куни бобом мени Карманадаги докторга олиб борди. Доктор эса милицияга юборди. Бўлган воқеани терговчи ёзиб олди. Орадан бир ҳафтача ўтиб, ўша жаҳлдор ўқитувчи, унинг партком эри ва яна икки-уч киши синфимизда мажлис қилишди. Мажлисдан олдин ўқитувчимиз, бутун синфни менга қарши “қуроллантир”ди.

Мажлис бошланди. Мени доскага чиқаришди. Милиция кийимидаги киши савол бера бошлади. Мен юрагим дукиллаб жавоб қайтара бошладим. Шунда ўқувчилар кутилмаганда бутун синфни бошларига кўтариб, бақироқ ўқитувчи ўргатган “сўз”ларни бор овозда тўтиқушдай такрорлашди:

– Фазлиддин тухматчи! Фазлиддин тухматчи! Тухматчи!..

Мен нима дейишимни билмай доска ёнида тошдай қотиб турардим. Ноҳақликка, жаҳолатга дуч келган юрагим ҳам тош қотган эди. Уряптими-йўқми, сезилмасди. Ҳаётимдаги энг оғир ва унутилмас бу даҳшатли воқеа муштдайгина юрагимни жароҳатлади.

“Тухматчи!” деб жар солаётган синфдошларимнинг кўзларига умидвор бўлиб, жовдираб қарардим. Улар эса кўзларини олиб қочишарди. Бир нарса аниқ эсимдаки, мен мағрур турардим. Мени мардона тутиб турган нарса мағрур юрагим эди. Ўшанда ҳақсизликни кўриб, аввал юрак йиғлади, қон бўлиб йиғлади. Кейин мен йиғладим. Юрагим бу ҳаммаси ўйин эканлигини,



Расмни Оловиддин Собир ўғли тизган.

ўқитувчим синфдошларимни кўрқитиб шайтоннинг ишини қилаётганини юрагим яққол сезиб турарди. У кўксимда туриб мени ҳимоя қилар, тасалли берарди. Ўшанда юрагимнинг даъвати билан овозимни баланд кўтариб: “Мен тухматчи эмасман. Улар тухматчи! Бу гапларни уларга ўқитувчи ўргатди!” – дедим ва чи-долмай йиғлаб юбордим.

Кейин бобом бечорани кўп овора қилишди. Гоҳ у, гоҳ бу идорага қатнайвериб ҳолдан тойган бобом шўрлик; “Худога солдим. Уларнинг жазосини Худойим берсин”, деб астойдил хафа бўлди... Бир кеча уйғониб кетсам, бобом жойнамоз устида ўтириб, Худога қайта-қайта илтижолар қилиб йиғлаётган экан.

Кўп вақт ўтмай биз Жалойир қишлоғига кўчиб кетдик. Ўша даҳрий ўқитувчидан ҳам, унинг ашаддий коммунист эридан ҳам кутулдик...

Орадан йигирма йилча вақт ўтиб, бир куни “Тошкент – Бухоро” поездидан Навоийга кетаётсам, купе эшиги очилиб бир йигит



кирди. У мен билан тўрт йил бирга ўқиган синфдошим эканлигини айтиб, ўзини Бахтиёр, деб таништирди. Анча жойгача суҳбатлашиб кетдик. Гап орасида Бахтиёр ўша ўқитувчимиз Фарида Шагаеванинг руҳий азобдан телба бўлиб қолганини, бобом яшаган уйнинг атрофида кўп марта айланиб юрганини кўрганини айтиб берди. Унинг ашаддий коммунист эрини асранди ўғли чопиб ўлдирганини ҳам гап орасида қистириб ўтди. Бу совуқ хабарлардан асло хурсанд бўлганим йўқ. Аксинча, уларнинг аянчи тақдирларига ачиндим. “Художон, борлигинга шукур...” Юрагим бу гал ҳам ҳақ бўлиб чиқди...

Отам раҳматли бироз жаҳлдор эди. Отам қанчалар жаҳлдор бўлса, раҳматли онам шунчалар кўнгли бўш эди. Жаҳлдор юрак билан раҳмдил юракнинг тил топиб яшаши осон эмасди. Отамнинг кўли, онамнинг тили узун эди. Бундай мураккаб шароитда ҳар икки юракнинг мустақам боғловчилари, ашаддий кўриқчилари ва жанжал бўлиб қолганида даволовчи малҳамлари биз, ўнта фарзанд эдик. Уларга қўшилиб, бизнинг юракларимиз ҳам озор чекарди, қийналарди, бир-биримизга сездирмай, кўрпага ўраниб йиғлардик. Буларнинг барчасига ночор яшашимиз камбағаллигимиз сабаб эди... Камбағалнинг юраги ҳамиша ярим бўларкан, доим кўнгли ўксиб яшаркан. Сабри тоғларга тенг экан. Камбағалнинг ўзи оч, юпун бўлса ҳам ҳамиша кўзи тўқ юраркан. Онам менга кўпроқ меҳрибон эди. “Фазлиддинжон катта ўқишларга киради, катта одам бўлади”, деб кўнглимни кўтарарди. Онажоним ният қилгандай одам бўлдимми, йўқми билмайман. Лекин у кишига андак ёрдамим тега бошлаганда, онам шўрлик оламдан ўтди...

Отамнинг костюми иккита бўлмай, олтмишга ҳам кирмай оламдан ўтди. Ўшанда юрак қон ютиб зор-зор йиғлади. Кўз ўнгимда улкан тоғ қулагандай эди... Орадан тўққиз йил ўтиб, онажоним ҳам қандли диабет касалидан вафот этди. Юрак тобутни бўзлаб-бўзлаб, йиғлаб-йиғлаб кўтарди. Гўё юрак бўм-бўш ҳувуллаб қолгандай эди. Ота-онам яшаган уйга боришга юрак энди шошмайди. Ҳовлида юракни ўзига боғлаб турадиган меҳр-муҳаббат ришталари узилгандай эди.

Жигарларим – укам, бироз ўтиб синглим юракни чексиз аламларга тўлдириб, жароҳатлаб бизларни ташлаб кетди. Юрак яна парча-парча бўлди, чок-чокидан ситилди...

Ўқишга киролмадим. Бир балл етмади. Шу бир баллни деб юрагим зил кетди, жуда-жуда озор чекди. Дунё кўзимга зулматдай кўринди...

Қишлоққа қайтмадим. Заводга ишга кирдим. Ҳаётимда навбатдаги сарсон-саргардонлик ва уқубат йиллари бошланди. Юрагим ҳам галдаги ташвишлар гирдобига шўнғиди. У ҳам менга қўшилиб озор чекаётган эди...

Ёлғиз ўғлимни бир ёш уч ойлигида бармоғини каламуш тишлади. Каламушлар ин қурган Ун заводининг омонат уйида яшардик. Ҳаётдаги каламушлар етмаганидек, уйимиз ҳам тўла каламуш эди. Бу аблаҳ каламушлар фарзандимнинг эмас, гўё менинг юрагимни тишлаб кетди. Унинг тикондай ўткир тишлари боламнинг бармоқларига эмас, менинг юрагимга санчилди. Юрагимдан дарё-дарё қон оқди. Боламнинг новдадай чиройли бармоқлари тузалгунча юрагим қон ичида қолди. Бу ноҳақликка чидай олмаган юрагим боламини каламуш тишлагани ҳақида докторлар хулосаси ёзилган маълумотномани олиб, ариза билан турли катта-кичик идораларга мурожаат қилдим. Ҳеч қандай натижа бўлмади. Айрим катта эшиклар ортида ўтирган тош юрак амалдорлар қабул ҳам қилмади. Балки уларда юрак бўлмаса керак.

Юрак даъвати билан ўша даврда “нажот қалъаси” бўлган Москвага хат йўлладим. Қисқа вақт ичида ҳақ қарор топди. Биргина хат сабаб биз билан омонат барақда яшаётган кўплаб оилалар янги уйли бўлишди. Хат ёзганим учун нозик идоралардан анча-мунча танбех эшитдим...

Бир гал юрагим жуда оғир тухмат гирдобига қолди. “Устоз, устоз” деб юрган битта муттаҳам очиқ-ойдин, кўзларимга тик қараб тухмат қилди. Тухматдан юрагим гангиб қолди. Тухмат ёмон экан; нима қилишимни билмайман. Ҳар сафар юрагимда ишонч билан терговчи ҳузурига борганман. Менга қўшилиб юрагим бўзлайди. Терговчи инсофли экан. Ишни адолат билан кўриб чиқди. Адолат қарор топди. Тухматчига ҳукм ўқилди. Юрагим озодликка чиқди. Бу худойимнинг чексиз марҳамати эди. Ҳар гал фотиҳа ўқилганда юрагимга қўшилиб; “Қуруқ тухмат балосидан ўзинг асрагин”, деб доимо Яратгандан сўрайман...

Юрагимга бу озорлар етмаганидек, ўта бюрократ ва ашаддий бир порахўр Раҳбарга ўринбосар бўлдим. Юрагим қайта қийноққа тушди. Соҳадан анча йироқ, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган бу маймунсифат раҳбар ҳам юрагимни нишонга олди. Унинг бемаъни иш услуби, қўпол хатти-ҳаракатлари, таҳликали юриш-туриши, ҳатто минбарни ушлаб сўзлаши Сталинни эслатарди. Ичимда “Сталин ўлмаган”, дердим.

Фақат унинг мўйлови йўқ эди. У мажлисларда қассобнинг итидай қутуриб кетарди. Қутурганда ҳўлу қуруқ баробар ёнарди. У, асосан, ходимларнинг юракларига зарба берарди. Унинг зулмидан қанча-қанча яхши, самимий, покиза юраклар озор чекди. Айрим софдил юракларга инфаркт чангал солди.

У қамалганидан сўнг аён бўлдики, ходимларни қўрқитиб, атрофдагиларнинг юракларига таҳдид солиб, давлатнинг катта маблағини аждарҳодек ютаётган экан. Уни ҳалол, пок ва меҳнаткаш юракларнинг қарғиши урди...

Биз ҳозир юрак билан анча босилиб, бир-биримизга мослашиб оляпмиз. Ҳаяжонланмасдан, бақир-чақир қилмасдан гаплашишни машқ қил-япмиз. Баъзан у менга, мен унга “ақл” бўламыз. Аҳён-аҳёнда юрагим санчиб қолади. Шунда унга чин юракдан илтижо қиламан, ёлвораман. “Юрагим оғримасин, озор чекмасин”, деб Худойимдан сўрайман.

Бир сафар уни чалғитиш учун андак суҳбатлашдик.

– Нега хомушсан?

– Атрофда бўлаётган айрим воқеа-ҳодисаларни, баъзи одамлар хатти-ҳаракатида рўй бераётган кўнгилсиз ҳолатларни таҳлил қилолмаяпман. Гўё кучим етмай, гангиб қоляпман, шекилли?

– Бирор жойинг оғрияптими? Очиқ айт. Ахир сен тўғрилиқ ва адолат йўлини танлагансан-ку! Гапир, шунда енгил тортасан.

– Биласанми, тўғриси айтсам, вужудим титрапти.

Юрак шундай деб, чуқур уҳ тортди ва узоқ жим бўлиб қолди. У гўё тўхтаб қолгандай эди. Қўрқиб кетиб, унга секин бармоғимни теккиздим. Юрак яна тилга кирди:

– Биласанми, менга кўпроқ айрим одамларнинг бойликка ҳаддан зиёд муккасидан кетаётгани, нафс ва жаҳолат қурбонига айланаётгани, пок ва ҳалол юракларга озор етказётгани азоб беради. Баъзиларнинг бойлик қулига айланиб бораётганидан ташвишдаман. Бундай очкўз юракларни кўрмасам, дейман. Наҳотки, пок, ҳалол юраклар сафи камайиб кетса, деб жуда қўрқаман. Бойлик туфайли ота-бола, қон-қариндош ўртасида низолар авж оляпти. Баъзан нопок юраклар тоза юракларни топтаяпти, бадном қияпти, эзиб ташлаяпти. Бойлик кимнинг қўлида тўпланса, куч ҳам, зулм ҳам унинг ҳукмида бўлади. Одам қанча кучли, иродали бўлмасин,

бойлик олдида ожиз кимсага айланади. Бойлик одамни мансабга кўтаради, керак бўлса тупроққа ҳам қоради... Бойлик – аждарҳонинг оғзидаги олов, бойлик – илоннинг заҳри; ози даволайди, кўпи ҳалок қилади...

Шу сўзларни айтиб юрак тез-тез ура бошлади. Унинг толиққанини сезиб, тинчлантиришга уриндим.

– Кўп ташвиш чекма, ҳадеб куйинаверма. Сен ваҳима қилганингдек барча ҳалол юраклар нопок йўллардан юрмайди, бойликнинг бандасига айланмайди. Қони тоза, имони мустаҳкам юракларни сотиб олиб бўлмайди. Яхши фидойи ва пок юраклар бор экан, ҳалоллик, адолат ҳамиша тантана қилаверади...

Юрак меъёрида ура бошлади ва қисқа гапирди.

– Биламан, дунё яхшиларнинг меҳр-муҳаббати билан барҳаёт! Яхши юраклар сафи кенгаяверсин!

Савол бериб, юракни бошқа безовта қилмадим...

Энди сўзни мухтасар қилиш лозим. Қийналган юракни яна азобга қўйиш инсофдан эмас. Бу воқеа-ҳодисалар шижоат ва жасорат билан меҳнат қилиб келаётган фидойи юрак ҳаётидан олинган айрим жонли хотиралар, холос. Энди юрак фаолияти билан боғлиқ қисқа метражли ёки бир лаҳзалик воқеаларга батафсил тўхталиб ўтирмаймиз. Бундай кўнгилсиз ишлар сочимдан-да сероб...

Ўйлаб қарасам, юракнинг жўшқин ва мароқли ҳаёти, унутилмас яхши кунлари, бетакрор байрамлари, қувонч ва изтироблари ҳақида “Минг бир кеча” эртақларидай жилд-жилд китоб ёзиш мумкин экан. Юрак чидаб берса бас!

Ана шунақа гаплар. Болаликдан тўғрилиқка ўрганган, адолат йўлини танлаган юракни энди ўзгартириб бўладими? Асло!

Баъзан юрагимда заҳматкаш отнинг дупур-ду-пури эшитилади. Баъзан ҳайбатли арслоннинг ўкириши қулоқларни қоматга келтиради. Гоҳ юрагимда булбул нола қилса, гоҳ бургут улкан қанотларини ёзиб учишга шайланади.

Юрагим, юракжоним, ҳали сен билан қилдиган ишларимиз жуда кў-ўп. Сен суянч тоғим, мўл ҳосилга тўла боғим, қайнаб турган булоғим бўл!..

Юракжон, сенга ташхис қўйишга шошилмайлик. Сен ўз аҳволингни ўзинг жуда яхши биласан. Юракни танлаган йўлидан қайтариб бўлмайди. Мен сенга ишонаман. Юрак алдамайди.





## Markes bilan uchrashuv\*

Шимолий кенгликнинг ўттиз иккинчи, жанубий кенгликнинг эллик олтинчи градуслари оралигидаги саккизта жўгрофий минтақада ястаниб ётган ва ўттиздан зиёд каттаю кичик мамлакатдан иборат Лотин Америкасида олтимиш йил муқаддам Габо таваллуд топди, колумбиялик ана шу бола пайти келиб Габриэль Гарсиа Маркесга айланди.

Дунёи қўтирнинг борки аччиқ-чучугини татиган бу зотнинг юраги баҳри мавжвард тўлқинлари каби қирғоқларини беаёв савалагани савалаган. Йўқса, Нобель мукофоти топшириш тантанасида сўзлаган нутқида адабий қарашлари ва ижод сирлари ҳақида гапирриш ўрнига ақобиру аёнлар қиёфасини шу қадар алайно-ошкор фош қилардимиз у?

Эзгулик, дарддошлик, мардонаворлик. Маркес сарбаландлигининг, муқтадирлигининг ибтидоси ана шулардир. Унинг жисму жонини булар қанчалик чуқур банд этганлигини англаш учун ҳеч бўлмаса “Мустабиднинг паймонаси” ва ёки “Полковникка ҳеч ким хат ёзмаётир”ни ўқиб чиқиш кифоядир. Ёинки, “Юз йил танҳоликда”ни.

Маркес ижоди билан танишганимдан ва, айниқса, “Юз йил танҳоликда” романини Нурали Қобул билан бирга ўзбекчага ўгирганимдан сўнг бу улкан сўз санъаткорига, адабиётшунослар таъбири билан айтганда, замонамиз адабиёти маршали бўлмиш аллома адибга нисбатан юрагимда чексиз эҳтиром туғилди.

\* Жузъий қисқартиришлар билан берилмоқда.



Анвар ЖўРАБОЕВ

Адибнинг янги асарларию ижоди тадқиқ этилган рисоалар ундаги янги-янги хислатларни намоён этгани сари бу туйғу тагин зўрайди. Ахийри, у билан учрашиш, суҳбатлашиш орзуси кўнглимни банд этди. Лекин қандай учрашиш мумкин у билан? Ахир, Колумбия қаёқдаю Тошкент қаерда! Умуман, у 1979 йилдан буён мамлакатимизга келмаган.

Кунларнинг бирида Маркес ҳақидаги мақола-ни кўздан кечири туриб, унинг гапидан олинган кўчирмага кўзим тушди: “Ўн йиллар давомида ревизионизмда, антисоветизмда айблаб келишди мени. Гўёки майда буржуазия ва реакцион гояларни тарғиб қилар эмишман. Асли мен айтган гаплар шу кеча-кундузда СССРда содир бўлаётган яшариш хусусида эди. Ўшандаёқ Совет Иттифоқида ҳам, жаҳондаги социализм ҳаракатида ҳам туб ислохотлар бўлиши зарур деб ўйлаган эдим”. Шунда, демак, Маркес мамлакатимизга келади, ахир, содир бўлаётган бурилишни ўз кўзи билан кўришни истамаслиги мумкин эмас, деган хаёлга бордим.

Орадан кўп вақт ўтмай, унинг Москва кинофестивалига ташриф буюриши ҳақидаги хабар кулоғимга чалинди. Зудлик билан Москвага учушга аҳд қилдим. Фестиваль очилишига бир неча кун қолган. Ўзингиз биласиз: июлнинг бошларида самолёт билети анқонинг уруғи. Устига устак, фестивалда иштирок этувчи журналистлар алақачоноқ аккредитация қилинган. Одатда, улуғлар суҳбатини магнитофонда ёзиб оламан, лекин кейинги пайтлар у панд берар, устахонадагилар эса эплаб тузата олишмасди. Тагин, япон кассеталаридан топиш амримаҳол денг...

Хуллас, минг ташвиш гов каби йўлимни тўсиб турарди. Аммо... ният холис бўлса, доим ишинг ўнгидан келади. Икки кун ичида самолётга билет топилди, аккредитация муаммосиям ечилди. Дўстим, тожикистонлик шоир Шодмон Жўраев эса Душанбедан самолёт орқали анча кассета бериб юборди. Москвада магнитофонни тузатиш икки соатлик иш.

“Домодедово” аэропортидан тўғри “Москва” меҳмонхонасига йўл олдим, жойлашгач, фестиваль штаби – “Россия” меҳмонхонасига кирдим, оралиқ масофа яқин – кўчанинг нариги юзидан Қизил майдон бўйлаб Василий Блаженный соборининг шундоқ чап томонига ўтилса – бас.

Матбуот марказидагилар рўйхатга олишди, аккредитация карточкасини беришди.

“Ҳа, Маркес келган, – дейишди улар менинг саволимга жавобан, – лекин қайси меҳмонхонада, шуни аниқ айтолмаймиз. Фестивалнинг

бошқа хизмат группасидагилар балки ёрдам беришар сизга”. Бу беҳисоб группалар улкан меҳмонхонанинг талай хоналарини банд этган эди. Ўша куни кирмаган хонам қолмади, лекин уринишларим зое кетди.

“Фестиваль очилишидан бир неча кун илгари келувди у. Очилиш маросимида қатнашди. Энди... юради дейсизми ёпилиш маросимини кутиб. Қайтиб кетгандир...” – бир журналист шундай деди. “Наҳотки? Шунча йўлдан келиб...” Хунобим ошиб кечаси ухломмай чиқдим. Эрта-лаб яна штабга кирдим, ярим куним Маркеснинг шу ердами ёки йўқлигини аниқлашга кетди. Уринишларим натижа бермади ҳисоб. Аммо куннинг иккинчи ярмида омад кулиб боқди менга.

Тушдан кейин “Россия” меҳмонхонасига бақамти киноконцерт зали ёнидан ўтаётиб, кўрдимки, бу ерда Маркеснинг “Ошкора қотиллик қиссаси” асосида суратга олинган фильм намойиш этилар экан. Олдинига ишонгим келмади. Ахир, Маркес асарларининг экранлаштирилишига қарши-ку. “Юз йил танҳоликда” асосида фильм яратайлик, деб киночилар мурожаат қилавериб, уни жон-қолига қўйишмаган, шунда у: “Майли-ю, лекин бунинг эвазига миллион доллар тўлашларинг керак бўлади”, деган. Орадан бир йил ўтгач, киночилар рози бўлишган. Аммо Маркес кўнмаган. Икки, ҳатто уч миллион доллар тўлаймиз дейишса-да, у ижозат бермаган. Кейинчалик балки бу соҳага ёзувчининг муносабати ўзгаргандир?!

Киноконцерт залида фестиваль жюри аъзолари, хорижий меҳмонлар ҳамда даст аввал билет олган кишилар учунгина фильмлар кўрсатилар (журналистларга алоҳида кинотеатр хизмат қилар) эди. Шу сабабли, бу ерга кириш роса қийин, айниқса, яхши фильмлар намойиш этиладиган кун. Бугун ҳам одам кўп эди! Эҳтимол, ортиқча билет топилиб қолар?!

Қаёқда дейсиз. Кўнглим чўкиб, четга чиқиб турганимда кимдир билагимдан тортди. Қарасам, ўртаяшар бир аёл.

– Узр, мабодо, Ўзбекистондан эмасмисиз?

– Ҳа, нима эди?

– Ўзим ҳам шундайдир деб ўйлаган эдим. Биласизми, ўзбекларни жуда ҳурмат қиламан. Узоқ йили уйимиз ёнаётганида кенжа ўғлим тўрдаги хонада қолиб кетибди. Шунда бир ўзбек аскар йигит уни оловнинг ичидан олиб чиқди. На қайси қисмдан эканлигини биламан, на исм-шарифини. Шу йигит бўлмаганида... Умри узоқ бўлсин, ишқилиб. Шундан бери... қарзимни узай дейман-у... Боя билет сўраб юрувдингиз, олинг



меникини. Олаверинг, – у билетини кўлимга тутқазди.

Ният холис бўлса амалга ошар экан-да, деб залга кирдим, бўш жойлардан бирига ўтирдим.

Сочлари силлиқ таралган қиз саҳнага чиқди-да, микрофонга яқин келди: “Азиз меҳмонлар! Ҳозир биз Франческо Розининг “Ошкора қотиллик қиссаси” фильмини намойиш этамиз. У конкурсдан ташқари кўрсатиляпти. Италия ва Франция кинематографчилари яратишган. Картина Канн фестивалида яқинда махсус соврин билан тақдирланган... Ёнимдаги меҳмон фильм сценарийси муаллифи Тонино Гуэрро! Ушбу фильм буюк ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати Габриэль Гарсиа Маркеснинг қиссаси асосида Колумбияда суратга олинган. Азиз томошабинлар! Залда сеньор Маркес ҳам ўтирибди!..”

Зал олқишга тўлиб кетди. Олдинги қатордагилар ўтирилиб кўз учида Маркесни қидира бошлашди.

– Ана, ҳув ана у! – деди ёнимда ўтирган йигит ҳаяжонланиб. Мен ҳам юрагим хаприқиб:

– Ҳа, ҳа, кўряпман! – дедим.

Маркес атиги етти-саккиз қатор нарида, зални иккига айирган йўлак четдаги курсида ўтирар эди. У одмигина кўйлак кийган, бўйнига эса шарф боғлаб олган эди. Одамлар таниб қолмасин дебми у ҳам бошини ортга буриб, бошқаларга қўшилиб қарсак чаларди. Лекин уни тезда ўзгалардан ажрати олишди. “Маркес! Маркес!” – дея хитоблар янгради залда. Фотоаппарат ушлаган беш-олти киши югуриб унинг

ёнига боришди, гоҳ чўккалаб, гоҳ тик туриб улуг адибни суратга тушира кетишди... Кейин уларнинг сафи дастхат ишқибозлари билан “бойиди”, Маркесга улар китобу дафтар... тутишар, имзо чекишини сўрашар, у эса мийиғида жилмайганча бу илтимосни бажарарди.

Ёнимдаги йигит ҳам блокнотини олдию адиб томон отилди...

Унинг олдидаги одамлар камайиш ўрнига тобора кўпаярди.

– Жаноблар, сеньорлар, ўртоқлар! Маркесни холи кўйинглар энди! – дея мурожаат қилди кимдир, ахийри микрофон орқали. – Илтимос қиламан, жой-жойларингга ўтиринглар. Фильм бошланиши керак бўлган вақтдан ярим соат ўтиб кетди-ку, ахир!

Одамлар истар-истамас Маркесдан ажралишди. Чироқлар ўчди ва фильм бошланди...

Фильм оҳанрабодек ҳаммани ўзига тортган, нигоҳлар экранга қадалган эди. Ниҳоят, у тугади. Чироқлар ёнғач, яна қарсаклар янгради, яна ҳаммамиз орқага ўтирилдик, аммо Маркес жойида йўқ эди...

Залдан бирин-кетин чиқа бошлаймиз. Дафъатан ҳайҳотдай вестибюлнинг нариги четида гуж бўлиб турган одамларга кўзим

тушди. “Маркес!” – ана шу фикр миямга яшиндек урилди. Борсам, Маркес эмас, Тонино Гуэрро экан. “Маркес билан учрашимизга балки у кўмаклашар” деб ўйлайман ичимда.

Гуэрро одамлардан зўрға ажралиб эшикка томон юради. Унга етиб олиб: “Янги фильмингиз билан қутлайман. Ростини, анчадан буён бундай ажойиб картина кўрмаган эдим”, дейман ва ўзимни таништираман. Сўнг мақсадга ўтаман. Интервью беришга рози бўлади. “Русчани яхши билмайман, хотиним тилмочлик қилади. У мени ташқарида кутаётган эди, кетиб қолмаган бўлсин-да”, дейди.

Эшикдан чиққан заҳотимиз сочи жингалак аёл бизга рўбарў келади. Гуэрро рафиқаси билан мени таништиргач, “Дўстимиз Тошкентдан экан, суҳбат учун беш минутча вақт ажрата оламиз-а?”, дейди. “Албатта-да”, ширин жилмаяди рафиқаси.

Суҳбатимиз анчага чўзилади. Қизгин суҳбатга берилиб, Маркеснинг координатларини сўраш мутлақо ёдимдан кўтарилибди. Ким билади дейсиз, балки у ҳам яширармиди? Ҳарқалай, фильмга тушмасимдан олдин Маркес шу ердами, йўқми, деб ташвиш чекаётган эдим, энди бу иккиланишга чек қўйилди. Аммо мен ахтариб юрганымда у Ватанига кетиб қолса-чи? Яна зиқланаман, “кетмас ҳали”, деб ўйлайман ўзимча, шунда ички бир туйғу орқали у билан барибир учрашимизни сезаман. Бу сезги, гарчанд мустаҳкам бир пойдеворга эга бўлмаса-да, интервьюга нисбатан сўна бошлаган умидни қайта алан-



га олдиради. Шу сабабли меҳмонхонага келаману учрашувга ҳозирлик кўраман.

Аввало, Маркесга берилажак саволларни бир-бир назардан ўтказаман. Совғаларни тахтлаб юктўрвага жойлайман. Эртаси кун эса... дастлаб нуфузли устахонага магнитофонни олиб бордим, “тузатишга камида ўн кун кетади. Устига устак, кўпгина керакли қисмлар ҳам йўқ, – дейишди улар, – биласизми, яхши-си, “Сони” фирмаси вакилларига учрашинг”.

“Жаноб Арай эшитади. Ҳа, ҳа, “Сони” фирмаси, – деди соф рус тилида, ўзини жаноб Арай деб таништирган япон. Унга аҳволни тушунтирдим, – келинг, – деди у шунда, – кўлимиздан келганича ёрдамлашамиз!”

...Фирма ваколатхонаси Халқаро савдо марказида жойлашган экан. Жаноб Арай – ҳали ёши ўттизга етмаган, миқтигина йигит шарқона илтифот билан кутиб олди: “Тошкентданман денг? Фестивалга келибсиз-да. Қайси киноларни кўрдингиз?..”

Маркеснинг қиссаси асосидаги фильмдан бошқа ҳеч вақо кўрмаганлигимни айтдим. “Маркес – улугъ ёзувчи!” деди у ҳаяжон билан. Шу пайт хонага жаноб Арайдан ҳам ёшроқ йигит кириб келди-да, табассум ила сўрашди. “Бизнинг устамиз, – дея таништирди уни жаноб Арай, – қани, беринг-чи, магнитофонингизни”. Улар магнитофоннинг уёқ-буёғини кўриб, ўзаро бир нарсаларни гаплашишди. Кейин: – Агар малол келмаса, нариги хонага кириб ўтиратурсак. Уста бир иложини топар, – деди жаноб Арай менга қарата.

Кўшни хона кенггина экан, ўртада турган думалоқ стол атрофида эса чиройли стуллар териб қўйилганди. Девор томонда экрани катта антиқа телевизор, унинг ёнида эса...



– Фирмамизнинг энг сўнги янгиликларидан бири – компакт кассетали видеомагнитофон, – дея изоҳ берди жаноб Арай, – буниси эса... видеопластинкали приставка, – тортмадан пластинка олиб (ўзимизнинг одатдаги пластинкадан ўта ялтироқлиги билан фарқ қилади), уни жойлаштирди, шу заҳоти экранда рангли тасвир пайдо бўлди. – Эстрада концерти ёзилган. Сиз бемалол кўраве-ринг, мен ҳозир, – дея чиқиб кетди ва беш минутлардан кейин кофе келтирди.

Ўзбекистон, Маркес, оламда донг таратган “Сони” фирмаси, бу ердаги меҳнат ва турмуш шароитларию техника янгиликлари ҳақида гаплашамиз. Бир пайт уста кириб келади ва жаноб Арайга бир нима дейди. Жаноб Арай менга юзланади:

– Бизни кечирасиз, магнитофонингизнинг иши кўп экан. Мундай қилсак: уни бизга ташлаб кетасиз, сизга эса, – ўрнидан туриб, у пастки тортмадан яп-янги магнитофон олиб менга узатади, – то фестиваль тугагунича

ишлатиб турасиз, унгача сизникини ҳам тузатиб кўямиз, келиб алмаштириб кетасиз.

“СМ-17” маркали бу магнитофон фойдаланишга жудаям қулай, уни чўнтакда ҳам бемалол олиб юриш мумкин эди.

– Маркес билан учрашингизга тилакдошман. Ишларингиз ўнгидан келсин. Умид қиламанки, магнитофонимиз ҳам оғирингизни енгил қилади, – дейди хайрлаша туриб жаноб Арай. Мен эса: “Маркеснинг координатларини қандай топиш мумкин? – деб ўйга толаман, – ким менга кўмак беради?” Ва шунда биласизми ким, ўзимизнинг Одил Ёқубов (аниқроғи, бу сеvimли ёзувчимизнинг “Улугбек хазинаси” романи) менга ёрдам қўлини чўзди. Подмоскovieда яшовчи ўртоғим – Леонид беш-олти ойча бурун гаплашиб қолганимизда, “мабодо, яна Москвага йўлинг тушса, Одил Ёқубовнинг “Улугбек хазинаси”дан ўзинг билан бир дона ола кел”, дея илтимос қилган эди. Тошкентга келгач, асарнинг русча нашрини сўраб-суриштириб зўрға топдим.

Леониднинг уйида телефони йўқ, шу боис Москвага келганимни унга билдиролмадим, лекин ишим бир ёқли бўлса тўғри уникага бораман, деган ниятда ҳамиша китобни ўзим билан олиб юргандим. Штабга келсам тушлик бошланган экан. Тамадди қилгани бориб навбатга турдим, зерика бошлагач, “Улугбек хазинаси”ни кўлимга олиб, аллома шоҳ фожиаси тасвирланган саҳифани очиб, нечанчи марта ўқий бошладим.

– Сизми охири?

Диққатим чалғиб бошимни кўтардим, бир тўда қизларнинг олдида тургани қайта сўради:

– Охири?..

– Ҳа.



Навбат секин-аста силжийди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Қизларнинг эса оғзи гапдан бўшамайди. Кейин улар бирдан жимиб қолишди, шивир-шивир қила бошлашди. Баногоҳ “Ёқубов!” деган сўз қулоғимга чалинди, қолган гаплари унча эшитилмади. “Одил акани билишар эканда”, ич-ичимдан қувонаман. Шу чоғ боя навбатнинг охирини суриштирган қиз:

– Кечирасиз, сиз Ўрта Осиёдан эмасмисиз мабодо? – дея сўради.

– Ҳа, Ўзбекистонданман, – дедим унга юзланиб.

– Ҳамюрт экансиз-да Одил Ёқубовга. Зўр ёзувчи-да у. Сизга айтсам, анчадан буён “Улугбек хазинаси” ни ахтариб юрувдим. Агар... малол келмаса, сотинг шу китобингизни менга! – деб қолди у ҳеч қутилмаганда.

– Рост, бир ўртоғим сўрагани учун... Шунга атаб олиб келувдим, – дедим хижолат чекиб.

– Тошкентда... Танишларингиздан топилар, унга юборарсиз, мен... Йўқ деманг! – Қиз кўзлари мўлтиллаб илтижо билан тикилди.

– Сотишга-ку сотмайман-а, лекин... совға қилишим мумкин. Ҳа майли, манг, олинг! – дейман тантилигим тутиб, “Тошкентга боргач, ўзимдаги нухани почта орқали Леонидга жўнатарман”, деб ўйлайман ичимда. Қиз шу қадар севиниб кетадики, “Раҳмат сизга, дейди, мингдан минг раҳмат!” Сўнг ўзини таништиради:

– Фестивалчиларданмиз, исмим Елена, агар, бирор масалада ёрдамимиз асқатса... хурсанд бўлар эдик!

– Э, шундайми! Мабодо, Маркеснинг координатларини топишда ёрдам сўрасам-чи?

– Ҳаракат қиламиз, – дейди Елена, – тамадди қилиб бўлгач, биз билан юринг.

Иккинчи қаватга кўтарилиб, ўнгга қараб юрамиз... Қизларнинг аксарияти йўл-йўлакай фестивалнинг турли идоралари, яъни хизматларини ўтаётган хоналарга кириб кетишади. Елена: “Сиз шу ерда тура туринг, – дейди менга ва ўзи таржимонлар хонасига бурилади. Бироздан сўнг қувона-қувона чиқади. – Мана, Маркеснинг таржимони – Марина Сергеевна Акопованинг телефон номери. Акопова орқали Маркес билан боғланишингиз осонлашар, – дейди бир парча қоғозни менга узата туриб!

Ҳа, ният холис бўлса!..

Шартта меҳмонхонамизга бориб, Акоповага телефон қила бошлайман. Аммо жавоб бўлмайди. Пичадан кейин яна сим қоқаман, яна... Яна, яна...

...Алламаҳалда ниҳоят жавоб беради – эркак кишининг овози, бу Марина Сергеевнанинг турмуш ўртоғи Александр Иванович Седой экан.

“Марина ҳаливери келмайди, – дейди у. – Тошкентдан бўлсангиз, Шухрат Аббосовни танирсиз?” “Мен ишлайдиган журналда редколлегия аъзоси у киши. Биз деярли кунора учрашиб тураемиз”. Александр Иванович Шухрат ака билан институтда бирга ўқиган экан. У Шухрат Солиҳовичнинг соғлиғи, бугунги ишлари билан қизиқа кетади... Биз бирпасда апоқ-чапоқ бўлиб оламиз. Ниҳоят, мақсадга кўчилади.

– Маркес билан учрашиш... Ҳақиқатан ҳам... Аммо дўстимнинг оғайнисига ёрдам бериш менинг бурчим. Марина келса бирор йўлини қидириб топармиз. Сиз эртага кечқурун шу вақтда телефон қилинг, – дейди Александр Иванович.

Кўнглимдаги ниятни юзага чиқаришда боя Одил Ёқубов мухлисининг муҳаббати қанча ёрдам берган бўлса, энди Шухрат Аббосов шаъни шундай кўмак бераётган эди. Рост, шундай забардаст ҳамюртларим борлигидан шу қадар фахрландимки, уёқ-буёғи йўқ!

Эртаси кун айтилган вақтда Александр Ивановичга телефон қилдим.

– Марина айтибди, – деди у, – Маркес рози. Фақат “ўн бешинчи июлдан кейин” дебди. Ҳозир иши роса кўп экан.

Демак, Маркес фестивалнинг охиригача бўлар экан-да. Анжуман сўнгида Москвада у яна бир-икки кун қолиши ҳам мумкин. Шуни аниқ биладимки, ҳали бирор мухбир ундан интервью олганича йўқ. Ўн бешинчидан сўнг... менга навбат тегармиди?! Нима бўлсаям, ўшангача гаплашиб олиш шарт. Александр Ивановичга шундай дейман.

– Гапингизда жон бор. Лекин...

– Юмушимизни осонлаштирадиган нарса йўқмас, – дейман унга, – бир дўстим билан Маркеснинг “Юз йил танҳоликда” романини ўзбекчага ўгирганмиз. Таржима бултур журналда чиққан. Яқин орада китоб ҳолида чоп этилади. Таржимонига сал мурувват кўрсатар? Марина Ивановна билан бир уриниб кўрмайсизми, а?

Яхши, эртага бир телефон қилинг.

Эртасига эса...

Эртасига, аввало, Марказий Кино уйи қошидаги Ёш кинематографчилар клубида СССР ва АҚШ киночиларию олимлари иштирокида шу куннинг энг долзарб муаммолари хусусида ўтказилган баҳсни тинглайман. Тушдан кейин “Россия”нинг қуйи тарафида жойлашган “Зарядье” кинотеатрида фестивалнинг ҳужжатли фильмларини томоша қиламан.

Ёз пайтлари, хусусан, шом сепини ёяётган маҳал Москвада тез-тез ёмғир ёғиб туради.

Одатда у бир шовдираб ўтади-кетади. Анжуман ўтаётган кунлар эса мутлақо ўзгача эди: ҳаво бир кун иссиқ, бир кун совуқ, осмонни ҳадеб симобранг булутлар қоплагани-қоплаган, гоҳо эса куни билан майдалаб ёмғир ёғади.

Бугун кечқурун... кинотеатрдан чиқишимиз билан руҳафзо ҳаво бизни оғушига олди. Осмон тиниқ, нилий рангда. Ботаётган қуёшнинг заррин нурлари шафақни қирмизи туста киритган. “Россия” меҳмонхонаси пештоқида турли давлатларнинг байроқлари сезилар-сезилмас ҳилпирайди.

Анжуман оқшом тароватига байрамонга тус бағишлаган. Меҳмонхона олдидаги йўлакларда турли-туман русумда кийинган одамлар. Уларнинг аксарияти диққинафас номерларини холи қолдириб, сайр қилгани атай пастга тушишган.

Шулар орасида баногоҳ Маркесни кўриб қолам! У қораманган келган бир йигит билан алла-нарсалар ҳақида гаплашганча айланиб юрар эди.

Уларнинг хиёл ортида икки аёл. Бири кўзимга иссиқ кўринди. Қаердадир суратини кўрганман. Мерседес! Маркеснинг хотини. Иккинчиси новча, тўладан келгани, ҳойнаҳой, ёзувчининг таржимони!

Бор журъатимни тўплаб унинг ёнига бораман, “Салом, Марина Сергеевна!” дейман, у эса ҳайрон бўлиб менга тикилади. Дарҳол ўзимни таништираман.

– Ҳа, ҳа, эрим сиз ҳақингизда гапирувди. “Юз йил танҳоликда”ни ўзбекчалаштирганмиз денг?

– Ҳа. Журналда чиқди, нақ учта сониди, улар Маркесга энг яхши совға бўлади, деб опкелганман.

– Роман учун қанча қаламҳақи юбордиларинг Маркесга? – ҳеч қутилмаганда савол беради Марина Сергеевна.

– Рост, рост... аниқ билмайман. Бу иш билан мутасадди ташкилотлар шуғулланади-да. Ишқилиб, анча юборишган чиқар.

– Олдин анигини билиш керак. Адабий агентининг айтишича, бизда сўнгги йиллар давомида ёзувчининг кўплаб асарлари чиққан-у, аммо қаламҳақига келган-да... баъзи нашриётлар фирромлик қилишган. Куни кеча Маркес шу хусусда ёниб-куйиб гапирган эди. Агар сиз ҳам ўша таржима ҳақида айтсангиз... Бу ерда қийин бир муаммо бор, шекилли. Уни каттароқ идораларда ҳал қилиш керак. Эрим илтимосингизни етказувди... Тўғри, ўн бешинчидан кейин ҳақиқатда ҳам учрашолмай қолишингиз мумкин. Нима қилдик, а?

– Ишқилиб, бир иложини топинг! – дейман.

– Бўлмаса бундай қилсак, – дейди у хиёл ўйга толиб, – эртага соат учларда Маркеснинг номери

олдида учрашайлик... Ҳа, ҳа. “Россия”да, ўн еттинчи қават. Беш юзу учинчи хона. Балки ишингиз юришиб кетар. Лекин яна бир бор огоҳлантириб қўяй, таржима хусусида оғиз очмайсиз. Келишдикми?

– Раҳмат, Марина Сергеевна! Айтмоқчи, Александр Ивановични безовта қилиб юрмай энди, ҳал бўляпти-ку масала. У кишига ҳам миннатдорлигимни етказиб қўйсангиз.

Эртаси кун – ўн биринчи июлда суратчи иккаламиз айтилган вақтда “Россия” меҳмонхонасининг ўн еттинчи қаватига кўтариламиз. Номер томон ўтаётганимизда: “Қаёққа? Қаёққа?” дея сўрайди навбатчи аёл йўлимизни тўсгудек бўлиб.

– Беш юзу учинчига, – деймиз биз.

– Олдин телефон қилиш керак, агар рухсат беришса, марҳамат.

Телефонни ҳеч ким кўтармайди.

– Ий-е, мана-ку калитлари! Ҳали қайтишмабди. Нариги хонада ўтира турунлар, “соат тўртдан кейин” дейишган бўлса, келиб қолишар. Одатда роса кеч қайтишади улар. Машҳур одамлар-да! Уёққа таклиф қилишади, буёққа таклиф қилишади... Ўзи юқори қаватларимизда фақат машҳур кишилар қўноқ бўлишади, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов... – дейди гурур билан навбатчи аёл.

Кутиш хонаси шинамгина экан. Деразадан ажиб бир манзара кўзга ташланади. Аммо... “Бордию навбатчи айтганидай, ҳориб-чарчаб кеч қайтишса-чи? Унда, табиийки, интервью ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Маркес Марина Сергеевнанинг илтимосини рад этган бўлса-чи?..”

Бир маҳал йўлакда оёқ товушлари эшитилди. “Келишди, шекилли, – дейди суратчи, – хабар олчи?”

Ҳа, ўшалар! Маркес билан Мерседес шундоқ ёнимдан ўтиб, номерларига кириб кетишади. Марина Сергеевна эса навбатчи аёлнинг ёнида турибди. Балки навбатчи унга биз ҳақимизда гапирётгандир... У мени кўради-да, кела бошлайди.

– Биласизми, – дейди у салом-алиқдан сўнг, – аниқ бир нарса ваъда қилолмайман. Ҳеч қўлимиз бўшамаяпти ташрифлардан. Мана, ҳозир ҳам академик Велиховнинг хузуридан келдик. Ярим соатдан кейин эса министрнинг қабулида бўлишимиз керак. Балки кейинроққа кўчирармиз учрашувни... Кечирасиз, кутиб қолишди. Эрта-индин телефон қилинг, бир йўлини топармиз. У яшин тезлигида номерга кириб кетади. “Марина Сергеевна! Марина Сергеевна!” деганча қолавераман.



– Нима дейишди? – сўрайди шу пайт хонадан чиққан суратчи.

– Пича сабр қилинглар, дейди, қандайдир министр билан сўзлашаркан ҳозир, – ёлгон гапираман мен, ўзимни зоҳиран хотиржам кўрсатиб.

– Телефондами? Билмадингми қайси министрлигини? Маданият министри бўлса керак-да, ҳойнаҳой... Тўрт-беш минутда гапи адо бўлади дейсанми уларнинг, чўзилса керак анчага. Юр, ўтира турамиз. Юлдузлар билан учрашишнинг ўзи бўладими. Яқинда Москвага Челентано келганида ундан интервью оламан деб қанча мухбирларнинг она сути оғзига келди-ку. Бу эса Маркес! Маркес!

“Наҳот шунча оврагарчиликдан сўнг икки қўлни бурунга тиқиб қайтиб кетаверсак? Эрта ҳам, индин ҳам Марина Сергеевна ёрдам беролмаса-чи? Унда нима бўлади?..” Шунда миямга бир фикр келади: ётиб қолгунча отиб қол! Агар, министрликка боришадиган бўлишса, ҳозир, албатта, қайтиб чиқишади ва ўшанда бирдан ҳужумга ўтиш керак. Марина Сергеевна бу қилигимдан ранжиб, таржима қилишдан бош тортса-чи? Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас, ўйлашимча, у менинг тарафимни олади. Маркеснинг ўзи хафа бўлса-чи? Нима бўлса бўлар...

Маркес турган хонадан гўнғир-гўнғир овоз эшитилди, сумкамни елкамга осиб, коридорга чиқаман. Зум ўтмай эшик очилади-да, Маркес билан Марина Сергеевна чиқишади. Шунда Маркеснинг олдига ўтиб: “Буэнос диас, сеньор Маркес!” дейман ва қўл узатаман (испан тилида “салом” дегани бу), у қўлимни маҳкам сиқади, нимадир дея гапира кетади. Мен эса гунгу кардай жим туравераман. Маркес ҳайрон. Бир менга, бир таржимонига боқади. Марина Сергеевна олдин хўмрайиб менга қарайди, сўнг хиёл табассум билан Маркесга ниманидир тушунтира бошлайди. “Ўзбек” деганидан англайманки, у мен ҳақимда гапираётир.

Маркес бирдан хохолаб кулиб юборади. “О, ўзбек” ва яна алланарсалар дейди у кифтимга қоқиб, Марина Сергеевна ҳам ўзини зўрға кулгидан тийиб, унинг сўзларини ўгира бошлайди, испанчалаб салом берганимда, Маркес мени ўзининг ҳамюрти деб ўйлаган экан...

Кула-кула лифт томон юрамиз. Маркес юртимиз ҳақида саволлар беради. Мен уларга атрофлича жавоб қайтаришга уринаман. Адибнинг Ўзбекистонга бўлган бундай қизиқишидан бошим осмонга етади.

Гув этиб келган лифт кўзимга балодай бўлиб кўринади, суҳбатимизнинг белига тепади-да у.

Улар лифтга чиқишади. “Қани, сизлар ҳам”, дея таклиф қилади Маркес суратчи иккаламинизни.

Таблога қарасам – ўн учинчи қаватнинг тугмачаси босилган. Демак, министр деганда улар Камшаловни – СССР Кинематография Давлат комитетининг раисини назарда тутишган экан-да (Кинофестиваль давомида Комитет вақтинча “Россия” меҳмонхонасининг ўн учинчи қаватига кўчиб келган ва у бу ерда, асосан, фестиваль Бош дирекцияси функциясини бажараётган эди).

Биз кўз очиб юмгунча ўн учинчи қаватга тушамиз. Маркес қабулга киришдан олдин ниятимни айтиб улгуришим керак. Олдинга пича иккиланаман, сўнг ўзимни тутиб, кўнглимдагини тўкибсоламан.

– Кутиб турунглари-чи шу ерда, – дейди хиёл норози оҳангда Маркес.

...Ниҳоят, улар чиқишади.

– Кетдик, – дейди Маркес бизни лифт томон бошлар экан. Унинг авзои дуруст, демак, суҳбатлари анча яхши ўтган.

– Сумкангиз мунча катта? Нималар солиб олгансиз-а? – сўради у.

– Ўзбекистондан совғалар опкелувдим сизга!

– Опкелган бўлсангиз, нега шу пайтгача топширмай юрибсиз, ўзингизни қийнаб? Ахир, юкингиз энгиллашарди-да аллақачоноқ, – ҳазиллашади, унинг ҳазили руҳимизга анча энгиллик бағишлайди.

Маркесларнинг қаватига етиб келганимиздан сўнг, у тўрдаги ойнаванд холлга бошлайди ва “Бу гал сизларни узоқ куттирмаймиз”, деб Марина Сергеевна билан номерга киради.

– Нима деб ўйлайсан, интервью берадимикан? – деб сўрайман суратчидан.

– Албатта-да, – дейди у ишонч билан, – йўқса, “мени кечиринглари, вақтим зиқ”, деб қайтариб юборарди...

Мен ичимда саволларни такрорлаганча хонанинг у бурчагидан бу бурчагига бориб-келаман. Суратчи эса аппаратини текширишга тушади.

Чиндан ҳам бу гал бизни кўп куттиришмайди.

– Мен энди сизнинг ихтиёрингиздан, – дейди Маркес.

– Суҳбатдан илгари, ижозат берсангиз, сизнинг таъбирингиз билан айтганда, юкимни энгиллаштириб олсам.

Сумкадан беқасам тўн, дўппи, қийиқ... оламан. Чопонни Маркеснинг эгнига кийдириб, белига белбоғ боғлаб, бошига дўппи кийдираман.

– Менга ўлчагандай тикилган экан-а, раҳмат, – дейди у ва мени қучиб олади.

Шу пайт аллақердан пайдо бўлган Мерседес “Ўзбекка айланиб қолган” эрини кўриб, хандон отиб кулади, ҳеч ўзини босолмайди.

Маркес унга мени таништиради.

– Мерседес, – табассум билан қўлини узатади хоним.

– Бу сизга, сеньор Маркесга бизнинг миллий овқатлардан ҳам тайёрлаб беришингиз учун!

– Эҳ-ҳе, зўр-ку! – қизиқиб қолади Маркес ҳам ва улар мен Мерседесга ҳады қилган “Ўзбек таомлари” китобини (унинг тексти ўзбек, рус, инглиз тилларида эди) бир-бир варақлаб, рангли суратларни кўздан кечиришади.

Пахтагулли чинни товоқдаги паловнинг олтинранг гурунчлари ял-ял товланади. Чиройли қилиб тугилган мантилар, чучвараю варақи сомсалар...

– Ажойиб таомларингиз бор экан! – дейди Мерседес. – Уларни қандай тайёрлашни, албатта, ўрганиб оламан. Айтинг-чи, ўзингиз қайси таомни хуш кўрасиз?

– Паловни. Мана у, – дея расмни кўрсатаман.

– Палав, – дея жилмайиб такрорлайди Мерседес.

– Бошлаймизми, – дейди Маркес дўппи билан қийиқни хотинига узататуриб.

Биз тўрдаги диванга ўтамыз. Маркес билан Марина Сергеевна мени ўртага олишади. Шу пайт Мерседеснинг: “Ҳей, менга қаранглар! Ярашдимми?” – дегани эшитилади. Биз ўгирилиб қараймиз-да, кулиб юборамиз: у бошига дўппини кўндириб олган, белида – белбоғ. “Мен ҳам ўхшадимми ўзбекка?” деб сўрайди шўхлик қилиб.

Унинг бу ҳазили, сезиб турибман, Маркесга чексиз завқу шавқ бағишлайди.

– Шарққа муҳаббати чексиз бунинг! – дейди у. Мерседес эса: “Маили, сизларга халақит бермай”, деб нариги хонага кириб кетади. – Шарқнинг, айниқса, Бухоронинг гиламларини Мерседес жудаям ёқтира-ди, – дейди Маркес гапида давом этиб, – шундай гиламлардан коллекция қилган, боқиб тўймайсан уларга. Ҳар бири қойилмақом санъат асари! Шу қадар нафиски!..

– Диди ўтқир экан-да рафиқангизнинг, – дейман.

Шунда Маркес:

– Меники-чи? – дея ҳазиллашади. – Ахир, ҳаммаям тополмайди-ку шундай нозик дидли аёлни.

Маркес билан Мерседеснинг иноқлиги, улар орасидаги ўта самимий дўстона муносабат ҳақида кўп эшитган эдим. Мана, бунга ўзим ҳам гувоҳ бўлиб турибман.

Маркесга суқсурдек икки ўғил ҳады этган бу аёл ҳаётнинг барча ғаму аламини, шодлигу



қувончини эри билан тенгма-тенг баҳам кўриб келаётир. Адиб асарларининг дунёга келишида унинг ўзига яраша ҳиссаси бор. Маркес “Юз йил танҳоликда” романини ёзишга ўтиришдан аввал, бор бисоти – машинасини сотиб, пулни хотинига беради-да: “Олти ойда романни ёзиб тугатаман. Унгача шу пул етар”, дейди. Асарнинг ёзилиши бир ярим йилга чўзилади. Пул тугаб, йўқчилик зиклантириб турса-да, Мерседес оғирликни зиммасига олиб, роман битгунча эрини безовта қилмайди...

– Очиғини айтсам, – дейди Маркес, – ёзувчига хотин бўлиш ҳамма аёлнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мерседеснинг мен туфайли кўрмаган азоби қолмади. Энди бу ёғи роҳат-фароғат дейсизми? Қаёқда!..

Шуни таъкидлаш керакки, Маркес оилапарвар. “Аслида менинг энг яхши асарларим китобларим эмас, ўғилларимдир. Баъзан шундай пайтлар бўладики, уйга таъбинг тирриқ ҳолда қайтасан. Лекин мен буни на рафиқамга, на болаларимга билдираман.

...Менинг бош вазифам – оталик.

...Бизникида ёзилмаган бир ақида мавжуд: оиламиз аъзолари олдидаги ҳар бир муаммони, албатта, тўртталамиз биргалашиб ҳал қиламиз”.

Магнитофоннинг лентаси бир маромда айланади. Суратчи апаратыни тинимсиз чиқиллатиб, гоҳ у, гоҳ буёққа ўтади.



Маркес гапира туриб суҳбатдошига тик боқадди. Унинг тийрак, каттакон кўзларида гоҳо қалбни сиқиб юборадиган айёрлик аломати, гоҳ меҳр учқунлари жилва қилади.

Суҳбатимиз оғир бир саволдан бошланди, режамга кўра, бу охирги савол эди аслида, хаёлимда кўп айланганиданми, бошқа сабабларданми, ишқилиб, дабдурустдан шундай дебман:

– Сеньор Маркес, Сиз ҳақингизда гап оғилса, баъзилар у ҳозир шу қадар юксакликка эришиб олганки, энди ижоду адабиётдан кўра кўпроқ пул ва шуҳрат қизиқтиради, дейишади...

– Бундай деб фақат извогарларгина айтиши мумкин. Баландга эришган одам, қайтиб тушиши ҳақидаям ўйлаб кўриши керак. Инсон қанга тепага эришса, тушишида шунга кўп лат ейди. Шунинг уғун мен ерда юришни афзал кўраман. Пул масаласига келсак, кам эмас пулим. Лекин у ижодимнинг равнақига хизмат қилади, холос. Пул ҳет қатон менинг юрагимни забт этолмайди. Мен ўзимни пулга эга бўлган камбағал ҳисоблайман ҳамиша. Тан олиш керакки, адабиётга илк қадам ташлаётганимда фақат шуҳрат уғун, мени кўпроқ яхши кўришлари, тобора кўпроқ ҳурмат қилишлари уғун ёзар эдим. Ёзувчилик машхурликнинг кетидан қуввиш эмас, балки қалб даъвати эканлигини кейингалик англадим.

– Илк ҳикояларингизни қатон ёза бошлагансиз?

– Ўқишу ёзишни билмаслигимдан анга илгари.

– ?!

– Мен ёзишу ўқишни билмасимдан аввал расм тизишни ўрганиб олудим, дастлабки ҳикояларни расмлар ёрдамида “ёзганман”.

– Ёзувчиларни, асосан, истеъдодлар ва истеъдодсизлар тоифасига ажратиш мумкин. Аммо Сиз уларни қандайдир бошқа тоифаларга ажратар экансиз?

– Тўғри, ёзмайдиганлар ва ёзадиганлар тоифасига ҳам бўлинамиз биз. Ажабланирлиси шундаки, давраларнинг тўри ёзмайдиган ёзувчиларники бўлади ҳамиша. Ҳозир аксар жойларда бу русумга кирапти – бирор кишининг ёзуви деган номи бўлса – бас, қандай ижодкорлигидан, ҳатто ангадан буён қўлига қалам олмай кўйганидан қатъи назар, сажда қилгудек бўлишади.

Ёзадиган ва ёзгандаям зўр ёзадиган ёзувчи эса элга кам кўринади. Чунки у мудом ижод билан машғул бўлади-да.

– Ёзувчилар борки, бир бет нарса ёзиш уғун жуда кўп қоғоз сарфлашади. Биз – ўзбекларнинг Абдулла Қаҳҳор деган талантли адибимиз ана шундай ижодкорлардан эди...

– Биласизми, бир марта ўн икки бет ҳикояни ёзиш уғун ярим мингта қоғоз сарфлаган эдим...

Одатда, электромашинкада ёзаман. Иш жараёнида жумла кўнгилдагидек эришмасам ёки бирор сўз ўрнига тушмасам, устидан ўтирмайман, тоза қоғоз олиб, бир бошидан бошлайман.

– Агар мумкин бўлса, ижодий жараёнингиз билан таништирсангиз.

– Ёшим ўтган сари ёзиш тобора оғирлашаётганлигини сезяпман. Ёшлигимда, газетада ишлаб юрганымда, ишдан кейин қолиб, ярим кетагага ижод қилар эдим. Ҳатто бир ўтиришда ҳикоя ёзиб ташлаган пайтларим бўлган. Энди эса... агар куни билан ярим бет, нари борса бир бет ёзсам (эртасига қайта ишланмайдиган пишиқ-пухта қилиб, албатта), қувониб кетаман.

Иш тартибим қуйидагига: эрталаб соат олтида ўридан тураман. Икки соат мутолаа қиламан. Соат тўққизларда машинкага ўтириб, то иккигага ишлайман. Дам олиш куни мутлақо йўқ менда.

Ишга киришишдан олдин соқол оламан, ўзимни тартибга келтираман. Одатим шунақа. Бунга сабаб, мен ўқиган коллежда тартиб қаттиқ эди: эрталаб бешда турардик-да, ҳовлига эришиб, муздай сувга ювинардик. Дарсга эса пиджак кийиб, галстук тақиб борардик.

– Ҳар бир асарингизни қиёмага етказиш уғун қанга вақт сарфлайсиз?

– Ёзувчининг бирор асарини ёзиш уғун қатъий бир муддат белгилаши кулгили, албатта. Асарнинг мукамаллашуви осон келмайди, шунга яраша вақт кетади. Масалан, “Мустабиднинг паймонаси”ни етти йилда ёздим. Унинг икки вариантдан воз кетишга тўғри келган...

– Сизнинг “бўш поэзия адабиётга жуда керак” деган фикрингизни қандай тушунмоқ лозим?

– Адабиёт ишқибозларининг кўпи мураккаб шеърларни дафъатан тушунишмайди. Шу боис улар мундайроқ шеърларни ўқишади. Ва кўпчилиги, ана шу шеърлар ёрдамида поэзия оламига киради, яъни маълум тажриба орттиришади. Худди шу тажриба эса уларга гинакам поэзия эшикларини бир-бир оғишда, унинг моҳиятига тобора гуқурроқ кириб боришда асқатади.

– Ёзаётганларингизни бошқаларга кўрсатасизми?

– Йўқ. Адабий меҳнат бу ўта шахсий иш. Ёзувчи ижод жараёнидаги барга муаммоларни фақат ёлғиз ўзи ҳал қилиши керак, бу борада ҳет ким унга гетдан туриб ёрдам бера олмайди.

– Ҳар бир ижодкор кимнингдир таъсирида бўлади...

– Ҳа, бўлади. Лекин ёзувчи ҳет кимга ўхшамаслиги лозим. Мен ўзимга ёқадиган ёзувчилар, айниқса, Фолкнер таъсиридан қоғишга доимо ҳаракат қиламан.

– Сизнингга, ёзувчининг сиёсий вазифаси нимадан иборат?

– ...Яхши ёзишдан. Ёзувчидан ижодини қуруқ сиёсий қуролга айлантиришни талаб қилиш нотўғри. Ғоявий тайёргарликни ўтаган ижодкорнинг қатъий сиёсий позицияси бор экан, истаса-истамаса, буларнинг бари унинг асарларида ўз аксини топади.

– Маълумки, Лотин Америкасида романгилик ангадан буён тараққий этиб келаётган бўлса-да, кўпгиликнинг қизиқиши суст эди. Сўнги йилларда унга эътибор шунгалик ошдики, ҳозир на Сизнинг, на бошқа ҳамюртларингизнинг китобларини дўкондан топиб бўлади...

Лотин Америкаси насри, хусусан, романларининг оламшумул довуғи, Сизнинг назарингизда, нима билан изоҳланади?

– Ҳақиқатан ҳам, романгилигимиз катта тарихга эга. Олтмишинчи йилларда Лотин Америкаси адабиётида кузги портлаш юз берди (унинг туб моҳиятини танқидчилар ҳозиргага билишолмай гаранг). Бу портлашнинг акс-садоси дунёдаги барга адабиётларда ўз аксини топди ва топмоқда. Гарганд нокамтарлик бўлса-да, шуни таъкидламоқчиманки, ушбу портлаш менинг “Юз йил танҳоликда” романидан бошланди. Бундан бахтиёрман, албатта.

Бунгага Рульфони, Алехо Карпентьернинг кўп-лаб романлари босилиб чиққан, ўзим ҳам бирмунга асарлар ёзган эдим. Лекин... “Юз йил танҳоликда” эълон қилинганга одамларнинг диққати бирдан бизга жалб бўлди, улар Лотин Америкаси романининг моҳиятини илғай бошлади. Бошқага қилиб айтганда, биз керакли нишонга уриб, ўқувчиларни ўзимиз томонга оғдириб олдик.

Илгарилари асарларимиз кам таржима қилинса, таржимонлар энди бизнинг қўйишмас эди. Олдинлари “Китобларимизни топ эдинглар” деб ноширларга биз ялинсак (масалан, менинг “Барги хазон” деб аталган қиссам ёзиб бўлинган, у йилдан сўнг босилиб чиққан) эндиликда ноширларнинг “хужумидан гоҳ шкафнинг ортига, гоҳо каравотнинг остига яширинадиган бўлдик.

Лотинамерикалик китобхонлар ақлдан озишган шекилли, йўқса, улар ўз ҳамюртларининг китобларига шундай катта муҳаббат қўйиб

ўқишармиди, дея ҳеч нарсага тушунмай, ҳайратдан ёқа ушлашарди ноширлар. Лекин, табиийки, улар бундан хурсанд, тунки босиб чиқаришаётган китоблари пешма-пеш сотиларди-да. Шундан руҳланиб, бор асарларни (яхшими, ёмонми, барибир) кўр-кўрона босишди ҳам. Оқибатда кўпининг бозори касодга угради. Энди улар қайси ёзувчининг асарини ва қанга нусхада топ этишни яхши билишади...

Маркес “Юз йил танҳоликда” романини 1967 йилда ёзиб битиради. Оилалари қарзга ботган, ҳамма умид ана шу асардан келадиган маблағда эди. Аммо нималар кутяпти уни олдинда? Мерседес романнинг қўлёзмасини почта орқали “Сур американа” нашриётига жўнатар экан, асосан, шу ҳақда ўйларди.

...Нашриёт романни атиги... саккиз минг нусхада босиб чиқарди. Нашриёт мутасаддиларининг наздида бу китобга шу тираж ҳам кўпдек туюлган, сотилмай қолиб кетишидан чўчишган. Роман бир ҳафтадаёқ тарқалиб кетди! Шоша-пиша иккинчи тираж чиқарилди. Бу ҳам яшин тезлигида тарқалди. Энди романнинг дунё бўйлаб салб юриши бошланди. Хорижий мамлакатларда унга бағишлаб тоғ-тоғ монографиялар, мақолалар эълон қилинди.

– Сеньор Маркес, романгиз бизнинг китобхонлар томонидан ҳам катта қувонг билан кутиб олинди.

У кўнглимизга яқин бўлиб қолди. Асарнинг аксар қаҳрамонлари қайсидир жиҳатлари билан ўзбекларга ўхшаб кетади. Китобда тасвирланган айрим воқеа-ҳодисалар эса бизнинг қишлоқларда бўлиб ўтгандек туюлади.

Унинг руҳи ҳам бизга яқин...

– Мамнунман. Айтинг-чи, шахсан сизга китобимдаги қайси образ кўпроқ ёқади? – гапимни бўлиб сўрайди Маркес.

– Урсула!

– Нега?

– Нимаси биландир у менинг онамга ўхшайди. Ким бўлган унинг прототиби?

– Маълум бир прототиби йўқ. Лотин Америкаси аёллари, оналарининг йиғма образи у.

– Деярли ҳамма асарларингизда диктаторлар...

– Бор. Гап шундаки, Лотин Америкасида бениҳоя кўп диктатор ўтган. Ҳозир





ҳам кам эмас улар. Аксарият регионлар инсониятга кўпгина талантли рассом, ёзувчи, ҳайкалтарош, музыкачи олимларни етказиб бераётир. Биз эса ўз диктаторларимиз билан “маишхурмиз”. Эҳ-ҳе, улар не куйларга солишмаяпти халқни... Шунинг угуни ҳам мен доимо диктаторларга қарши курашганим-курашган.

– Эсингиздами, Пиночет Чилида тўнтариш қилганида Сиз...

– “Пиночет давлат бошида турар экан, ҳет нарса ёзмайман”, деб айтувдим. Лекин кейинчалик шуни англадимки, агар, ёзмай юриверсам, бора-бора ёзишни эсимдан тиктариб қўяман экан. Шу сабаб, қайтанга яхши асарлар ёзсам, Пиночетга кўпроқ зарар келтиришим мумкин, деган хулосага келдим.

Ҳа, мен Пиночет билан бўлган бу курашда мағлубиятга уградим. Ёзувчининг ҳаёти кўпроқ мағлубиятлардан иборат ўзи. Аммо мен угуни муҳими – энг сўнгги, ҳал қилувчи курашда ғалабага эришишидир.

– Дейлик, Сизни Колумбияга президент этиб тайинлашганларида, аввало нима қилган бўлардингиз?

– Энг яқин сиёсий консулхонага жуфтагимни ростлаб колардим.

– Нега?

– Чунки ҳокимиятни ёмон кўраман. “Ҳокимият одамни йўлдан оздиради, мутлақ ҳокимият эса йўлдан мутлақо тойдиради” деб жудаём топиб айтишган. Иккинчидан (бу жиддийроқ сабаб), менда раҳбарлик лаёқати йўқ.

– Лотин Америка киноси Фондига президент килиб сайлашганларида рози бўлгансиз-ку?

– Жон жойимдан ушладингиз-да... Менинг бу ишга кўнишимнинг муҳим сабаби бор. Огиғини айтсам, махсус адабий маълумотга ҳам эга эмасман ва ҳатто испан тили грамматикасини ҳам дуруст билмайман мен. Аммо кино... Мен уни профессионал даражада ўрганганман – Римдаги киномарказда режиссура ва сценарийнависликка ўқиганман. Бир сўз билан айтганда, кинони мукамал тушунаман, шунинг угуни ҳам унинг ривожига амалий ёрдам бериш қўлимдан келади.

– Кинематограф билан адабиётнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида фикрингиз қандай?

– Ҳозир кино қай даражада адабиётга тобе. Чунки режиссёрлар доимо пишиқ-пухта сценарийга, демакки, ёзувчининг кўмагига муҳтож. Аслида эса кино тамомила мустақил бўлмоғи, яъни режиссёр ўзгалар тўқиган воқеаларга ҳадеб мурожаат қилавермаслиги, балки юрагидаги дардни ифодалай билиши керак.

Аксарият ҳолларда кино билан адабиёт ҳамкорлиги никоҳлари омадсиз бўлса-да, бу ҳолни бегоналарга билинтирмай, усталик билан яшаб келаётган баъзи эру хотинлар ишига ўхшайди.

– Сеньор Маркес, Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали ўтиб туришидан хабарингиз бўлса керак?

– Тошкентда бир марта бўлгандим, шаҳрингизга яна ташириш буюриш ниятим йўқ эмас. Чунки ўшанда уни тўйиб томоша қилолмаганман.

– Қазон бўлувдингиз Тошкентда?!

– Бундан анга илгари. Дўстим Фидель Кастро билан бирга бир ёққа боратуриб Тошкентда тўхтаб ўтганмиз. Туғилганимдан буён қадамим етган энг олис нуқта – сизнинг юртингиз бўлади. Тошкент менга сирли ва жозиб туюлган. У ҳозиргина қурилган, айни пайтда ўта қадимий шаҳарга ўхшаб кетади. Қани, яна қандай саволингиз бор?

– Боя Сизнинг олдингизга келаётиб эшитиб қолдим, бугун, яъни ўн биринчи июль куни ер юзида беш миллиардинги одам туғилар экан. Унга нима истаклар билдирасиз?

– Ҳа, хабарим бор. “Беш миллиардинги одам” номини оладиган гақалоқ қайси мамлакатда туғилмасин (балки туғилгандир ҳам), соғ-омон ўссин, бахтли бўлсин ва йигирма иккинчи асргага умр кегирсин!

– Мана, суҳбатимиз ҳам ниҳоясига етди.

– Энди бизнинг номерга бир кириб ўтсаларинг, – таклиф қилади Маркес...

Каттакон стол атрофида Мерседес бизни табассум билан кутиб олади.

Бу ердаги суҳбат бояги суҳбатга уланиб кетади. Аммо энди эру хотин кўпроқ мени саволга тутишади. Саволлар эса, асосан, Ўзбекистон хусусида. Улар бизнинг маданиятимиз ва санъатимиз, урф-одатларимиз билан қизиқишади. Гап тагин халқаро Тошкент кинофестивали устида борганида, уларни яна бир бор шаҳримизга таклиф қиламан. “Москвадан Тошкентгача неча соат училади?” – сўрашади улар. “Уч ярим, тўрт соатлар”. “Бизлар эса Колумбиядан келгунча роса ўн соат учдик... Май ойида совуқ бўлмайдим ишқилиб? Совуқдан сал кўрқамиз-да”, дейди Мерседес. “Мутлақо совуқ бўлмайди. Баҳор айни қулф урадиган палла бу, Тошкентимиз шу қадар гўзаллашадики! Турфа гуллар, чечаклар! Бунга ўз кўзларингиз билан кўришга нима етсин!” “Насиб қилса, шу баҳор Ўзбекистонда бўлаемиз”, дейди Мерседес. “Кутамиз сизларни!..” – дейман хайрлашатуриб.

Уларнинг номеридан қушдай енгил тортиб чиқаман...

1988 йил. 1-сон



## ШҶОБИЛ ВАЛИ

1965 йили туғилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. “Пахса қишлоғим”, “Минг иккинчи кезга”, “Сукунат мулки”, “Аскар кундалиги” номли насрий ва шеърӣ тўпламлар муаллифи.

# Soyam meni yo‘lga boshlardi...

## ТҶУМАН

Бир осмон  
Нам тўшак,  
Бўрқситар нам пар.  
Кўтарилар илоҳий кўрна...  
Нилий девордан  
Ошиб тушар  
Регистоннинг  
Угинги шери.

## ҚИШКИ САМАРҚАНД

Регистоннинг томидаги қор  
Бунга гўзал, бунга сервиқор;  
Гўё оппоқ салла ўраган  
Тарих отли кекса оқсоқол.

Руҳободнинг оппоқ гумбази,  
Момом айтган аллага ўхшар.  
Жаранглайди кумуш овози,  
На унутиб, на эслаб бўлар.

Қилиг мисол ялтирайди қиш,  
Гўр Амирнинг тарновларида.  
Тўрт томонда тўртта Алпомиш  
Тиг тутгандек бедовларида.

Кетиб қолган баҳши бобомлар,  
Регистоннинг миёнасидан.  
Қантар оғса, балки қайтарлар,  
Офтоб тегиб пешонасидан.



## ЛИРИКА

Бир қир ошдим – ястанганди тун –  
Мен йўқолган қўйим излардим.  
Вужудимдан ўн карра узун  
Соям мени йўлга бошларди...

Бир сир кўрдим Ҳазрат Довуднинг  
Нурга тўлган пок горларида.  
Изларини кўрдим умиднинг  
Харсанг горнинг деворларида.

Жарангларди бир нурли овоз,  
Тараларди овозки нурли,  
Зўр қоялар тинглашарди ғоз  
Ажиб борлиқ ажиб ҳам сирли.

Мағрур тоғлар, дайди шамолнинг  
Қоғган эди гаток руҳлари.  
Чизилганди расми хаёлнинг  
Муаллифин кўрмас кўзларим.

Мен англадим ўшанда бирдан,  
Қидириб борганим жонлиқмас...  
Кўзим гавҳарини зулматга тўкдим  
Мангу бир васлга ошно бўлгани!

\*\*\*

Юрагимни мой босмиш зимдан  
Шууримни қопламиш туман.  
Чиқолмайман шаҳри азимдан  
Ўксир мендан узоқ бир туман.

Ҳар шанбада ерлар музғалоқ,  
Ҳар якшанба туғар хотиним.  
Ҳар душанба ишда иш гаток,  
Бошқа кунлар “портлар” мошиним.

Семираман гўшти қабондан,  
Шундан ит гўшт қиламан газак.  
Нусха олиб ажиб замондан,  
Телевизордек тўқийман эртак.

Сўнг ўқийман секин, игимда,  
Ҳар бир мисра гекади ёҳу.  
Юрагимни мой босар гиндан,  
Кўзларимни элитар уйқу.

\*\*\*

Хиёнат куйдириб алданган ишқни,  
Ортмоқлаб сузади елкансиз кема,  
Жиққа ҳўл туйғулар нам юкхонада  
Борар, индама...

Уғрар-да бу улкан сувда бандаргоҳ,  
Тўхтар-да бирор кун тинимсиз оқим...  
Тўхта, деб аллаким қилади огоҳ,  
Кетдик, деб этагим тортар аллаким.

Бу гексиз кенгликдир, мовий сарҳаддир,  
Сўнгига етмассан, қанга ўлғам.  
Бу энг улкан денгиз – тўнг муҳаббатдир,  
Сўзмоқда кема,  
Сўзмоқда кема,  
Сузар, индама.

## ТАСКИН

Яна улгурмадик, яна қор ёғди,  
Яна ҳисларимни қоплади туман.  
Яна кунтарози тунларга оғди,  
Айтмоқ сўзларимни бўғди Ёсуман!

На севги, на соқи беролмас таскин.  
Вужудни ларзага салади оғриқ,  
Дўстлар тарк этади, билдирмай секин,  
Хира могорлайди меҳрсиз борлиқ.

... Ҳали кўп вақтим бор, умидим бисёр:  
Не-не йўқотишига бардош беролдим.  
Бизга нима бўпти, ахир, совуқ қор,  
Ҳали кўп қорларни кўрамиз, қалбим.



# Качқилоқ

Никола



## Холмуҳаммад КАРИМИЙ

1966 йили туғилган.

Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. "Хурайро", "Хурлиқо", "Буни ҳаёт дейдилар..." номли қисса ва ҳикоялар тўпламлари нашр этилган.

Лойсупада уюлиб турган эски-туски пойабзаллардан бирини уста чарм фартугининг этагига солди-да, мум суртилган шордозни жуводизга ўтказа бошлади. Супага соя бериб турган зардоли барглари-нинг шабадада секингина шитирлаши гўёки шивирлаб гурунг бераётгандек, уста эса бошини эгиб уни тингламоқда. Гоҳо пишиб етилган мева унинг диққатини бўлиб ҳар-ҳар замон ерга "тап" этиб тушгач, янги қабрга ўхшаб дўппайиб қолади. Супа четидаги ола-чолпоқ сояда мушук олд оёқлари билан чарм қийтигини турткилаб сичқон билан ўйнаётгандек ирғишлаб умбалоқ ошади.

Катманда ҳар пайшанба бўладиган бозорнинг кириш йўлагига тоқа темир оёқни тескари ўрнатиб, пойабзалга мих қоқиб ўтирадиган уста олдидаги пойабзал уюмини ҳам ўшанда йиғиб олади. Эринмаган мижоз жойида пойабзалига мих қоқтириб ёки енгил таъмирлатиб олса, кўпчилиги келаси ҳафта олиш шарти билан қолдириб кетади. Бозор ҳафтада бир кун бўлганидан уста, асосан, йиғиш билан машғул. Унга қишлоқ орадагини ҳам қўшса, ҳар куни устанинг қўлида бигиз-сўзон. Бундай арзон-гаров пойабзалнинг йиртилиши қанча осон бўлса, уни ямаб-тузатиш шунча қийин. Афсуски, эскини ямайман-эплайман деб, устанинг эси кетган билан хизмат ҳақи арзимас: ипак шордозни мумлаб ишлатаман, ямоқ соламан, вақтим кетади, хизмат ҳақим "фалон" бўлади деса, мижознинг энсаси қотади; уста, ботинканинг хунуни сўраяпсиз, сиз айтган пулга яна шунча қўшсам, биласизма, нақд янғисини беради-я, дейишади улар. Ким кўп, бозорда ямоқчи кўп. Сал қалтисроқ гапириб юборса, мижоздан ажраб қолиши ҳеч гапмас. Шу боис тилни тияди-да, мижознинг берганига рози бўлиб қолаверади. Тирикчилик ҳаминқадар бўлганидан сўнг уйда бўладиган минғир-синғирларга чидаш осонмас.

– Ҳой отаси, чой совиб қолди. Нимага ўз вақтида ичмайсиз? – дея хотини ўдағайлаганча устанинг олдида пайдо бўлди, бироз олдин қўйиб кетган дастурхони ҳамон жойида турганидан жаҳли чиқиб. – Шу палакатни камирмасдан сиз ҳам одамларга ўхшаб, бундай бошни кўтариб атрофга қаранг. Болаларимнинг эртаси нима бўлади деб ўйлаб кўрасизма ҳеч?



Оилага етарлича даромад келтирмайдиган иш билан устанинг ивирсиши хотинига ёқмайди, гоҳо эрига нисбатан одамлар нописанд муносабатда бўлаётганини сезиб ори келади, кейин бор кучи тилига йиғилади, таъна-маломат ёғдиради: одамлар бирни бирга уриштириб икки қилади, баланд-баланд уй солиб, дабдабали тўй беради... Аввали пешонам қурсин, тенгим шу тепса тебранмас бўлди дея манглайига шапатилайди.

– Манави тўкилган зардолиларни болалар билан териб олинглар, кейин қайнатасанма ёки ёйиб қуритасанма, ўзинг биласан, ишқилиб, увол бўлмасин, – деди уста гўёки хотинининг гапини эшитмагандек.

Эрининг одатдагидек талмовсирашидан унинг баттар алами келди. Шундай одамга садқаи гап, аслида, манави мушук ҳам ундан авло, бир тепса миёв дейди, бу эрга гапирдинг нимаю тошга гапирдинг нима деб ўйлади-да, жаҳл билан мушукни тепиб юборди. Ҳақиқатан ҳам, бир думалаб тушиб “вағ” дея қочиб қолди. Шундан сўнг сал хумори босилгандек, ҳарқалай, ортиқ гингшимасдан бир силтаниб кенг кўйлаги пириллаганча ошхона томон кетди. Мушукни тепаётганда хотини устанинг кўзига алвастидек кўринди. Алвасти дегани ҳам шу хотинга ўхшаса керак дея уста мийиғида кулди-да, туфлига қадалиб турган бигизни суғуриб тешикка жуводизни суқди. Яна бир-икки бор бигиз билан ямоқ устидан тешиб шордозни тугун қилгач билинмайдиган қилиб кесиб, ботинкани айлантириб текшириб кўриб, ўрнидан қўзғолди. Қўлини чайқаганидан сўнг совуқ чойни “хўр-хўр” латиб, нон кавшашга тушди. Салдан кейин заҳари-маҳрингга ют дегандек хотини бир коса зардолини “дўқ” этказиб қўйиб кетди. Бепарволик билан уста косани олдига суриб: “Ош бўлсин, ямоқчи”, – дея ўз кўнглини ўзи хушлаб овқатланди. Бозоргача ишини тугатиб қўйиш мақсадида яна қайта жойига ўтирди. Навбатдаги ботинканинг йиртиғига чамалаб чармдан бир парча қирқди. Ямоқни текислаб жойлаштиргач, бигиз билан сўзонни қўлга олиб астойдил ишга берилди. Бу орада қанча вақт ўтгани билан қизиққани ҳам йўқ. Бирини тугатиб, иккинчисини қўлга олиш билан андармон. Бир маҳал қадам товушидан хотинининг келаётганини сезиб ҳушёр тортиди. Қани энди имкони бўлса-ю, қулоқларни бекитиб олиб тинчгина ишингни битирсанг, ҳеч қандай товуш халал бермаса деб ўйлади.

– Болаларнинг ичи шилиниб кетди, эртаю кеч егани мева-чева. Шилдир шўрва баданга юқмаса, бозор куни қўй гўшт олинг, болаларга

дармон бўлсин, – дея у дастурхонни йиғиштираркан, тепса тебранмас эр ҳамон миқ этмаганидан кейин кесатиқ билан бобиллаб берди. – Ҳў эр киши, сиз ўзи мени эшитяпсизма?.. Гўдак-киналар мактабдан сумкасини зўрға судраб келишяпти. Бориб болаларнинг ҳолини кўринг, қоракўрдек ерга қараб сингаламанг-да.

Рўзғор деганлари эски тўрвадек гап экан, қай жойига бармоқ урсанг тешилади. Камбағалнинг хотини шу эски тўрвани тешиб ўйин қилишдан роҳатланадими, билмай қолди. Худо-йи-ма, бу дунёда хотинни эркакнинг кўзини очирмаслик учун яратганмисан дея ўйлади-ю, миясига келган бу ўйдан қўрқиб кетиб, астаффируллоҳ дея пичирлади.

– Нега мум тишлагандек гунг бўлиб олдингиз ёки гапим нотўғрима? – деди эрининг ҳамон ишдан бош кўтармаётганидан гаши келиб.

Хотини тоза ошқинлайвергандан кейин ноилож уста ишидан тўхтаб, ажабланган кўйи унга қаради.

– Бозорга бориш учун ишимни тугатиб қўймасам, пулни қаердан оламан? Гўштни пулга беради, хоним, – деди. Яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, хотини дастурхонни зардолига осилган саватга иргитиб, ўгириласолиб шипиллаб қолди. Аччиқ устида кетаётиб жаҳл билан рўмолини бошидан юлқиб олиб, қайта танганини кузатиб турган уста бошини сарак-сарак қилганча яна ишига киришди.

Бу хотин тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Рўзғор дегани ўз номи билан ғор бўлса. Нафс бер дейишдан чарчамагандан кейин қанча топмагин, ғорга тушиб йўқ бўлиб кетаверади. Дунё дунё бўлибдики, рўзғорнинг ғорини тўлдирдим деган инсон бўлган эмас. Шундай одамни топсам, оёғидан тавоф қиламан. Ана шу ғорнинг тепасида турган одам менга ўхшаб топармон-тутармон бўлмаса, унинг адо бўлгани шу экан...

Бир томонда қизларнинг ҳам бўйи етиб қолди, уларни узатиш учун сарпо-суруқ ғамлаш керак. Йиққан-тер-



Расми Оловиддин Собир ўғли тизган.

ганини хотинига тутқазяпти. Албатта, у бечора ҳам тежаб-тергаб латта-путта йиғади, ҳаёт шу экан.

Ҳозирча устанинг билгани шу: орта-тоша топмагандан кейин кўзни чирт юмиб яшайверади. Аммо вақт ўтгани сайин оила ташвиши катталашиб, хотинининг эгови ҳам ўткирлашмоқда. Қўлидан келганича темтиниб ётибди. Ҳолва деган билан офиз чучимаса, бирор нарса бўлар деган умидда жони борича бигиз-сўзонга ёпишади. Бошқа нима ҳам қилсин? Болалар улғаяверсинчи, Худо пошшо, ризқини етказар деб овутади ўзини.

Тушдан кейин ҳаво дим бўлиб қолди. Энгашиб бораётган офтоб нурлари супага тўлиқ тушган, соя эса томорқа оралаб чўзилиб боряпти, уста исиб кетаётган бўлса ҳам, бугунга ажратган сўнги пойабзални ҳафсала билан ямамоқда. Ишини яқунлаб, ўрнидан турганида фарқ терга ботган эди. Кўз олди қоронғилашиб, боши гир-гир айланганидан дарахтга суяниб анча вақт жойида турди. Кўз олдини қоплаган туман тарқаганидан кейин қўланса ҳид таратаётган фартугини ечиб шохга илди. Уст-бошини қоқиб, у ёқ-бу ёққа юриб оёқ чигилини ёзди. Қуёш тафти пасайганига қарамай, ҳамон мудроқ

ҳолат ҳукмрон. Тек қотган дарахтлар худди гамга ботган устадек қовоқ уйиб чуқур ўйга толган. Фир этган шабада эсмайди, аммо терак барглари-нинг қалтираганча девонадек гинғиллаши, ҳашаротларнинг ҳорғин чириллаши кишини баттар ланж қилади. Уста ҳорғин ҳолда атрофга синиқ назар солиб, супа четида ётган кетмонни ушлаганча томорқа оралади. Шиғиллаб гулга ўтирган помидор пушталарида якка-дука кўкарган бегона ўтларни чошиб, қотиб қолган мушакларини бўшаштиришга ҳаракат қилди. Тайинли бир иш қилмаса ҳам томорқада кечгача кетмон ушлаб вақт ўтказди.

Кечки дастурхон атрофида оила йиғилиб, шилдир шўрвани “қур-қур” ичиб бўлишганида рўзгорнинг яна бир ёриғи очилди.

– Ота, ота, – деб ўғли эркаланиб арзи ҳолга ўтди. – Дам олиш куни шаҳарга томошага борарканмиз. Ҳайвонот боғини, музейни кўрсатишар экан. Шунгача синфдошларим “зебра” майка олишмоқчи. Ўғил болалар бир хил кийинишга келишдик. Менга ҳам оберинг. Уларга мен ҳам оламан деб қўйдим, ота-а. Оберасиз-а?

Ташвишли жаранглаган бу гапдан устанинг эти жимирлаб кетди. Унинг гўшт ва бозор-ўчарга мўлжаллаб турган харжи нима бўлади? Бу савил-



нинг оти майка бўлган билан фалон пул туради. Ўғлига нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди; гўшт пулига майка олиб берса, ҳафталик бозор-ўчар харжини йўл пулига беради. Шилдир шўрва яна суюқлашади-ю, минғир-минғир кўпаяди.

Икки ўт орасида қолди. Узун-калта, йўғон-ингичка қилиб ўйлаётган эди. Оғзига талқон солиб олган эрининг қилиғига хотин чидолмади. Бунинг устига, бола отасининг оғзига маҳтал мўлтираб ўтирибди, буни кузатиб ўтирган хотин индамас эрни қақиб-ўйиб гапирди.

– Болам, сен ҳеч ғам ема, – деди онаси заҳарханда қилиб, – эски майкангни кун чалган бўлса ҳам бинойидек бутун. Отанг донғи кетган уста бўлса, анави тери-пўстакларининг қийтиғидан қуроқлаб беради. Зебранинг ўзи бўласан-қоласан.

Уста хотинининг кесатиқларига мутлақо эътибор қилмади. Унга ярашиқли жавоб берганда ҳам, бир нарса ўзгариб қолмайди, шу боис одатдагидек ўзини эшитмаган ёки англамаганга олди.

– Ҳей полвоним-ей... бозор куни эрталабдан аввал сенга “зебра” оламиз, кейин менга ёрдамлашиб юборсанг, бирга-бирга қайтаверамиз. Маъқулма?

Укасининг хурсандлигини кўрган икки опаси ҳам шодланиб кетди. Чунки эрта-индин қизларнинг ҳам арз-ҳоли бор. Аммо беўйларча ваъда бераётган эридан нафратланган хотини гезариб ўтирарди...

Орадан бозор ўтиб уста зардоли соясида бир уюм пойабзалларни саралаётганида хотинининг шарпасини сезиб афти бужмайиб кетди.

– Каттангизга кўйлак керакмиш, битирув кечасига, – ташвишли хабар билан хотини келиб супанинг бир четига омонат чўқди. – Мен емай-ичмай қизларнинг сепини бутлайман деб ўлиб-тирилсам, сиз ўйламай сочасиз. Ўғил бола томошадан қолса киндиги чиқмасди, бироқ қиз боланинг йўриғи бошқа, буёғи бўй етиб турган бўлса, тенг-тўшларидан ортда қолса, номус бўлади. Олдиндан айтганим шу бозор куни матосини олиши керак, чеварнинг ҳам одами кўпайиб ётибди экан, ўшангача зўрга тикиб берса ҳам. Бундан ташқари, туфли олиши бор, майда-чуйдасига ҳам пул керак.

– Пул ўзининг қўлингдан-ку, бирга боринглар-да, болаларинг кўнглига ёққанини олсин.

– Болалар нима деса олавер дейишингизга қараганда, биз билмаган хазинангиз борга ўхшайди, уста. Бигиз-сўзонга ишониб катта

гапирмаётгандирсиз?..– дея хотиннинг жазаваси кўзиди. – Сиз ўйлаб гапиряпсизма ҳеч, бунча пулни қаердан оламан ёки бир ҳафта тишнинг кирини сўриб ўтирамизма? Худди олам-жаҳон пул тутқазиб қўйгандек оғзини тўлдириб гапиршини қаранг-а. Мен шунча эпламасам, аллақачон оёғингиздан житиб кетардингиз, шуни биласизма? Оғзи-боши қийшаймай тагин пул бериб қўйдим дейишига ўлайма?

Уста жилмайди. Йўқ деса ҳам балого қолади, хўп деса ҳам. Нима қилиш керак?

Хотини жавраб-жавраб кетганидан кейин устанинг қўли ишга бормай қолди. Асбобларини бир томонга қўйиб, томорқа оралади. Шу ёшга киргунча анча-мунча жойга бош суқиб кўрди. Ачинарлиси, ҳеч биридан наф чиқаролмади. Пешонада бори шу экан деб, бигиз-сўзонни қайта қўлга олди. Ўзи ҳам худди бигиз-сўзондек турмушни ямаб-ясқаш билан овора гоҳида...

Гўё бутун борлиқ тўхтаб қолгандек, ўсимликлар тек қотган, аҳён-аҳёнда қорачигиртканинг чириллаши қулоққа чалинади. Оғир юк остида қолган уста базўр оёғини судраб томорқада мақсадсиз сермалжийди. У айланиб юриб нафас олишга-да ҳоли йўқлигидан не қиларини билмай терак соясига келиб тўхтади. Терак барглари ўз-ўзидан қалтирар... Нимадан бунча безовта бу тераклар, ахир, шамолнинг эпкени ҳам сезилгани йўқ-ку, деб ўйлаиб қолди. Ёки унинг ҳам дардлари менга ўхшаб ичида қолганмикан? Ўйлагани сайин баттар юраги сиқилиб, қулоқлари чиппа битиб, мияси ачиган хамир каби кўпчигандек бўлди. Турган жойида чўккалаб, рангсиз, ҳидсиз ва товушсиз оламга нурсиз кўзлари билан бақрайганча ўтирди...

Орадан қанча вақт ўтди – билмайди. Аста-аста қулоғида шанғиллаш пайдо бўлиб ўзига келди. Ҳаммаси ўз ўрнига қайта бошлади. Қулоғидаги шанғиллаш терак қалтирашига ўхшаш овозга алмашди, аммо бу товуш ташқаридан эмас, ўз кўксидан келарди. Юраги дук-дук этиб-мас, гўёки терак баргидек дир-дирларди. Нохуш сукунат қўйнида уста ўз қалбининг қалтираётганини тинглади. Жуда таниш, аммо шу пайтгача умуман эшитмаган бу овоздан ажабланди. Ажабланди-ю... ўрnidан ирғиб туриб, ўзини ҳам эшитмаслик учун минғирлаб хиргойи қилганча илдам юриб бориб жойига ўтирди-да, бигизни қўлига олди. Шунда “тап” этиб тушиб, янги қабрдек дўппайиб қолган зардоли диққатини тортди. Унга узоқ тикилиб қолиб, дунё ажойиб-а, дея ўйлади. Гуллайсан, пишасан, тўкиласан, тушасан...



## Мафтун РАИМҚУЛОВА

1998 йили туғилган.  
Ўзбекистон давлат  
жаҳон тиллари универ-  
ситети талабаси.

Республика ёш ижод-  
корларининг Зомин се-  
минари иштирокчиси.

## Кутгин мени...

Кутгин согинг ёмғирларини,  
Мен юзингда шабнам бўламан.  
Юлдузларга сингил тутиниб,  
Вужудингда бахтга тўламан.

Олисларга кетмадим, асло,  
Ҳали дилга қайтишларим бор.  
Ўшал маънос ишқ куйларимиз,  
Қўшиқ қилиб айтишларим бор.

Униб гикса ердан бир гетак,  
Ифориди яшайман шаксиз.  
Биз яратган ажойиб эртак,  
Асрники бўлар шубҳасиз!

## Димоғимда исинг бор, тупроқ

## Соғиниш

Кенг шаҳарда ўқияпман, дўст,  
Кенг шаҳарда бахтлиман, Она.  
Бу ерда йўқ бирор каму кўст,  
Ахир, пойтахт якка-ягона.

Товонимда ялтирар йўллар,  
Тупроқ эмас бирор жойи ҳам.  
Бунда қадоқ бўлмайди қўллар,  
Ўзгагадир кўкда ойи ҳам.

Биолари осмонга етар,  
Айлантирар бу содда бошим.  
Ақл шошиб, ўзидан кетар,  
Энди ўсма безамас қошим.

Замон дедим, товоним ўпган,  
Созларимни тўзгитди шамол.  
Энди эса қишлоқни севиб,  
Йўқламоқлик келмоқда малол.

Одамлари осмонга етар,  
Оғритади боқсам кўзимни.  
Ақл шошиб, ўзидан кетар,  
Таниёлмай қолдим ўзимни.

Бу ерда бор фақат тош йўллар,  
Димоғимда исинг бор, тупроқ,  
Шу шаҳарнинг бир геткасида,  
Сени севган қизинг бор, тупроқ.



# Turgenov ibrati



*З*аким САТТОРИЙ

1953 йили тугилган.  
Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)ни тамомлаган. “Хотира карвони”, “Амир Темури севган юрт”, “Ҳазрат Соҳибқирон”, “Имзоли хатлар”, “Малак тоши”, “Вақт манзаралари” сингари бадиий публицистик китоблари, “Соғинг” романи нашр этилган.

Ўз даврида фақат ўзи учун эмас, балки халқи, адабиёти учун янги йўл ахтариб, тинимсиз чарх урган, саъй-ҳаракатлари давомида инсон кечирishi мумкин бўлган турли ҳолатлар: яккаланиб қолиш, мусофирлик, ўзаро тушунмовчиликлар туфайли аразлашлар, таҳқиқ ҳамда тазйиқлар, ва албатта, севги-муҳаббат можароларини кечирган, руҳий изтиробларини чуқур дард, самимийлик билан ифодалаган, Иван Тургеневнинг ҳаёт ва ижод йўлида фақат унинг ўзигагина ярашадиган жозиба бор. Шубҳасиз, унинг таржимаи ҳолида янги босқичга кўтарилиш азму шижоатида бўлган халқининг кайфияти, руҳонияти қуюқ акс этган.

Тургенев саҳро баҳодирларига ўхшаган йирик одам бўлган. Уни ардоқлаб “Спасск Гарпагони” (Мольернинг “Хасис” комедияси асосий қаҳрамони) деб аташган. Лев Толстойнинг ўғли Сергейнинг хотираларида дарж этилганки: “Мен Тургеневнинг бўйи баланд эканини эшитгандим, кўрганимда эса кутганимдан ҳам зиёда бўлиб чиқди. У менга мулозим нигоҳлари билан боқиб турган, қизил юзли, яхши таралган қалин оқ, ҳатто сарғиш сочли паҳлавондек туюлди. Отам гарчи бўйи ўртадан юқори бўлса-да, унинг олдида кичкина бўлиб қолди. Муомалаларидан сезилардики, Иван Сергеевичнинг ёши улуг, отам унга босиқлик, қизиқиш ва ҳурмат билан, Тургенев эса жўшқинлигига қарамай бироз эҳтиёт бўлиб муомала қилишарди”.

Бу манзара Тургенев 50 ёшга тўлган пайтидаги ҳолат, бунгача икки муҳтарам зот ўртасида кўплаб сир-савдолар кечганди...

Тургеневнинг саҳро баҳодирларига ўхшаши беҳуда эмас эди. У насл-насаби ва келиб чиқишига кўра туркий қавмларнинг авлоди эди. (У ўзининг томирлари билан фахрланиб юрган; Бадедаги вилласини сотишга тўғри келганда пинагини бузмай, “Мен учун уй-жой ҳеч нарса эмас, чунки томиримда кўчманчилар қони оқади, уларга ўтов ҳам бошпана” деган экан).

1440 йили Олтин Ўрдадан ўрта даражали амалдорлардан бири мирзо Арслон Турғун (мурза Лев Турген) Василий Васильевич ҳузурига келиб, рус фақирлигини қабул қилганини билдиради ва ўзига қўнимжой сўрайди. Князь унга Иван деган русча исм ва Калуга губерниясидан ер беради. Шундан сўнг Тургеневлар Русь тартибларини қабул қилишади ва ўрта тоифали дворянлар қаторидан ўрин эгаллашади. Тургеневлар сулоласининг кўплаб вакиллари

Россия тарихида ўз мақеига эга бўлишган. Айниқса, уларнинг кўпчилиги “давлат полки” – ҳарбий кучларнинг олий табақасида нуфузли мавқеда бўлади. Яков эса Пётр I саройида масхарабоз ҳамда боярларнинг соқолини оладиган (бу юмуш ўшанда давлат аҳамиятига эга бўлган) сартарош ҳам бўлган, бошқа бир қариндошлари – бобокалони Роман Семенович Нарва юришида қатнашган, Полтава жангида ярадор бўлиб, подшонинг назарига тушган экан.

Иван Сергеевичга эса бошқа тақдир nasib этди. Бу борада унинг она томон авлоди (гарчи улар давлат бошқаруви ёки ҳарбий соҳада жиддий ютуққа эришмаган ва рус йилномаларида бу сулола номи қайд этилмаган бўлса-да) муҳим ўрин эгаллади. Қолаверса, ёзувчи Тургеневнинг таржимаи ҳолида онаси Варвара Петровна Лутовинованинг ўрни бўлакча.

Орлов губерниясининг чўлолди унумдор ерларида Чаплигин ўрмони, унда Спасск боғи ёйилиб ётар, унинг бағрида дворянлар авлодидан бўлган Лутовиновлар умргузаронлик қилишарди. Уч ўғил ва беш қизнинг отаси Иван Андреевич Лутовиновнинг кенжаси Пётр Екатерина Ивановна Лавровага уйланди ва ягона фарзанди туғилишидан икки ой олдин вафот этади.

Ўғилларнинг қолган иккаласи ёлғиз ўтишади, бироқ иккинчи ўғил Иван Иванович яхши маълумот олади, Пажлар корпусида машҳур файласуф А.Радищев билан бирга хизмат қилади. У француз, лотин тилларини ўрганган, анча маърифатли бўлиши билан бирга, ота мулкида катта боғ ва уй-жой яратади. Ота вафотидан сўнг туғилган қиз (ёзувчимизнинг бўлажак онаси) кейинчалик ана шу мулкка ягона қонуний меросхўр деб топилади ва кутилмаганда катта бойликка эга бўлади. Етим қолиб, турмуш зарбаларига учраган (онаси бошқа эрга теккан, Варвара у муҳитда доимий хўрлаш ва камситиш шароитида яшаган) қиз анча пишиқ-пухта, қолаверса, шафқатсиз бўлиб тарбияланган эди. У бир муддат Ватан уруши ярадорларига кўнгилли бўлиб шафқат ҳамшираси сифатида



ёрдам ҳам кўрсатади. Катта мулкка эга бўлгач эса уни қаттиққўллик билан бошқаради. Ҳатто бошқарувда император аёллардек тутумни йўлга қўяди (хизматидаги амалдорларини “министрлар” деб атар экан). Ҳамма нарса кўнгилдагидек, фақат Варваранинг ёши ўтиб бораётган, у бўлажак шаҳзодаларнинг оқ отда келишини интизорлик билан кутиб тонгларни оттираётган эди.

1815 йил Орёлга отлиқлар полки кўчирилган эди. Тезда ҳарбий мақсадларда от сотиб олиш учун сафарбар этилган ремонтёрлар сафида Спасска йигирма икки ёшли навқирон, хушрўй поручик Сергей Нико-

лаевич Тургенев келиб қолади. Бу жойларнинг танҳо бекаси Варвара Петровна тақдир унга мўъжизани дуч қилганини дарҳол сезиб гарчи ўзидан олти ёш кичик бўлса ҳам, поручик атрофида парвона бўлади, бу омадни қўлдан чиқармасликка тиришади. Бутун санъатини ишга солиб, муомала қилади, мулкани кўрсатиб, меҳмоннинг кўнгилни овлайди ва яна келишига ваъдасини олиб, жўнатади. Бу пайтда Тургеневларнинг моддий аҳволи яхши эмас, воқеадан хабар топган отаси “Лутовиновага уйлан, уйлан, бўлмаса, рўзгоримиз тўзиб, гадойнинг ҳолига тушамиз” деб астойдил қистайди. Шундай қилиб, 1816 йилнинг 14 январь куни тўй маросимлари бўлиб ўтади. Бу никоҳдан уч ўғил фарзанд туғилади. Биз учун қадрдон ўртанча ўғил Иван 1818 йили 28 октябрь, душанба куни дунё юзини кўрган экан. Бу ҳақда Варвара Петровна уй дафтарида аниқ-тиниқ ёзиб қўйган эди.

Варвара Петровна ва Сергей Николаевичнинг никоҳини икки тиниқ чашманинг қўшилишига қиёслаш мумкин. Зеро, асил насллар тоза палакларда туп ёзади. Бу ҳолни минг йиллик тарих исботлаган. Бундан юз йил олдин Спасскадаги черковда никоҳ маросимида гувоҳ бўлганларда ҳам шундай туйғу бўлгани шубҳасиз: Тургеневлар ҳам, Лутовинлар ҳам ўз насл-насаби жиҳатидан эътироф этилган оилалар эди. Бу тантаналарнинг бошқаларга ўхшамаган яна бир жиҳати бор эди: амалда бўлган тартибларга зид равишда тўй куёвниқиде эмас, келиннинг мулкида бўлаётганди. Ушбу вазиятни келиннинг ҳаддан ташқари иштиёқи баландлиги ва куёвнинг моддий



имкониятлари пастлиги билан изоҳлаш мумкин. Кейинчалик ҳам табиатан шаддод, биринчиликка мойил Варвара Петровна мавқеини қўлдан бермайди, ичкуёв унга қулоқ тутишга мажбур, мулкда эса аёлнинг хоҳиши қонун.

И.Тургенев шахсиятидаги юксаклик унинг болалик чоғларидан нишон берганлигини тасдиқловчи кўплаб далиллар ёзиб қолдирилган. Унинг гўдаклигиданоқ ширинтойлиги, кулгили қилиқлари ҳаммага ёқса-да, тўғрисиўзлиги, қолаверса, бетгачопарлиги Варвара Петровнани ноқулай ҳолатларга тушириб қўйган чоқлари кўп бўлган. Бир сафар уларникига теварак-атрофда эътиборли княгинялардан бири меҳмонга келди. Унинг ёши ўтиб қолган, кўриниши ҳаддан ташқари оҳанжама, пардоз-андозга зўр берганди. Унга чуқур ҳурмат кўрсатилди, болаларга таништирилди. Коля ва Серёжа мўминқобиллик билан бош эгишди, хонимнинг қўлини кўзларига суртишди. Ваня эса меҳмонга узоқ тикилиб қолди, ранги ўчди ва бирдан томдан тараша тушгандек ҳаммага эшитарли қилиб, шундай деди: “Сиз маймунга ўхшайсиз!” Онаси бўлганича бўлди.

Ёки оиланинг яқин дўстларидан масалчи шоир Иван Дмитриев ташриф буюради. Обрўли меҳмоннинг ҳурмати учун 3-4 ёшларда бўлган Ваничкани таклиф қилиб, масаллардан ёддан ўқиб беришини сўрашади. Болакай уйнинг ўртасига туриб олиб, баланд товушда шеърни ўқийди. Бундан кекса шоир жуда таъсирланади. Бола эса ёлтоқланиб меҳмонга яқинлашади, унга тикилиб: “Сизнинг масалларингиз яхши, аммо Иван Андреевич Криловники жуда яхши”, дейди.

Бола бундай тўғрилиқка туғма равишда мойилга ўхшарди, унинг бошқача бўла олмаслиги маълумдек эди. Ҳа, шундай ҳам бўлиб қолди. Ёзувчи Иван Тургенев жаҳон адабиёти тарихида ҳақиқатни гапирган (ёзган), уни ҳимоя қилган, у учун курашган буюк қаламкашлар рўйхатида мангу қолди. Зотан, ҳар қандай шароитда адолат тарафида бўлиш, бор гапни қўрқмай айта олиш ҳам нодир хислат ҳисобланар экан. Ҳамма ҳам тўғри гапни бори-ча сўзлай олмайди, бу хислат одамнинг тарбиясига боғлиқми ёки табиий фазилатми – бир нарса дейиш қийин. Ахир, нозандек салобатли одамлар

арзимаган манфаат учун ғирт ёлгон гапириб турганини ёки чин гапни айтиш лозим бўлганда тил чайнаб қолганини кўп кўрганмиз. Ҳар ҳолда “Гар қилич бошимга ҳам келса дегаймен ростин” – бу инсонни безайдиган маънавий юксаклик!

Умуман, уларнинг оиласи ўзига тўқ бўлиши билан бирга (кўпроқ она томоннинг ютуғи, ҳиссаси) маърифатга ошно, жамоатчиликка танилган машҳур кишиларга яқин эди. Ана шу икки омилнинг қўшилиши ва боладаги табиий иқтидор Россия тарихида маълум бир йирик шахснинг камолга етишини таъминлаган, деб айтиш мумкин. Демак, оила муҳити ҳавас қилгудек эди. Масалан, дастлабки рус романларидан бири “Юрий Милославский” нинг муаллифи М. Загоскин отасининг дўсти бўлган, уларникига тез-тез келиб турган. Роман билан эса немис муаллими Краузенинг пансионатида танишади. Рус халқининг польяк-литва босқинчиларига қарши 1612 йилги курашини акс эттирган асар халқона ширали тили билан ўқувчини жалб қилган бўлса, Минин, Пожарский сингари халқ йўлбошчиларининг қаҳрамонлиги васфи билан ёшларда ватанпарварлик туйғуларини уйғотган эди. Ўша йилларда француз, инглиз, немис маданияти исканжасида бўлган рус зиёлилари ана шундай қаҳрамонномалар таъсирида миллий гурурлари уйғона бошлаган, улар миллий ўзлигини топиш борасида бирлашаётган эди.

Ўқиш йилларида ҳам Тургенев кўплаб таниқли зотлардан сабоқ олиш бахтига муяссар бўлган. Москва давлат университетининг илоҳиёт факультетида таҳсил олиб юрган чоқлари учинчи курсда тарих фанидан Н.Гоголнинг маърузаларини тинглаган. Шуниси борки, домлаликда ўз услубига эга бўлган Гоголнинг сабоқлари унга бошқа томондан таъсир қилган. Имтиҳонларнинг бирида домла ва талаба бир-бирини тушунмаган, жуда кўп китоб ўқиган Тургенев ўрта асрлардаги жазо турлари ҳақидаги саволга шунчалик кўп мисоллар келтирганки, уларни на Гоголь, на ассистентлик қилаётган ректор Шульгин билар эди. Бу ёғи қизиқ: баҳо “қониқарсиз” бўлган ва бундай муносабатдан кейин Тургенев ўқув юртини тарк этган. Шунақаси ҳам бўлиб туради.



Кейинчалик Тургенев катта ёзувчи сифатида танилган пайтида бу икки йирик шахс қайта учрашади, талабалик йиллари эслолмаган, шекилли, Гоголь “Биз анча олдин учрашишимиз керак эди”, деб таассуф билдирган экан. Маълумки, Николай Васильевич Гоголь рус бадиий тафаккурида ўчмас ва ёрқин из қолдирган, ўз вақтида тан олинган машҳур шахс. Бехудага 1836 йилнинг 19 апрелида Алесандринский театрида “Ревизор”нинг премьерасига подшоҳ Николай I қатнашмаган.

Худди шундай, Берлин университети фалсафа факультетида ўқиб юрган чоқларида “XIX аср Аристотели” деб шуҳрат қозонган Карл Гумбольднинг маърузаларини тинглайди, меҳмондорчиликларда суҳбатларидан баҳраманд бўлади. Россияда “Ҳақиқий ҳаёт ҳақида оғиз очиш мумкин эмас, бироқ истаганча фалсафа сўқса бўлади” тарзида ақида қарор топган шароитда йирик олимлар, гуманистлар билан суҳбатлар ёш йигит дунёқарашида кенг қамров ва теранликни тарбиялади.

Бўлажак ёзувчининг шахсияти шаклланиши, адабий иқлимни ҳис қилишида Виссарион Белинский билан учрашуви ва кейинги муносабатлари катта роль ўйнайди. Тургенев Белинский билан юзма-юз кўришганда 25 ёшда эди. Бунгача у машҳур шоир Жуковский билан учрашган, “Современник” журналида юртдоши, йирик олим Тимофей Грановскийнинг ёрдами билан учта шеъри эълон қилинган, поэмалар ёзган, немис классик фалсафаси руҳидаги донишмандлар билан баҳслашган, Фауст (Гётенинг машҳур қаҳрамони)нинг бирданига олийжаноб шахсга айланиб қолишидаги сунъий талқинни танқид қилиб, тилга тушган, Берлин университетини тугатган эди. Белинский унинг “Параша” поэмасига юқори баҳо беради. Парашанинг Фауст, Онегин, Печориндан фарқ қилиб, тақдир инъом этган тухфалардан маст бўлиб, ўзини турли куйларга урадиган романтик қаҳрамон эмас, балки эзилган, хўрланган кишилар(Россияда бундайлар тиқилиб кетган эди)нинг тимсоли эканлигини таъкидлаб, шоир унинг ғам-ғуссаларини жуда таъсирли ифодалаб, жамоатчиликда қуйи табақа вакилларига эътибор ва меҳр-шафқат уйғота олганини мақтайди. Тургеневнинг ўзи сезиб-сезмай қилган хизмати – адабиётни оддий халқ ҳаётига яқинлаштирганини улуг мутафаккир ва инсонпарвар табриклайди. “Умуман, у Русни тушунади, – дейди Белинский Тургенев ҳақида. – Унинг барча мулоҳазаларида ҳақиқат ва ҳаққоният кўриниб турибди. У ҳар қандай

мавҳумликнинг душмани. Шунинг учун унга қуллуқ қиламан”.

Ўзларига миллат, ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини юқтириб олган бу икки зиёлининг инсоний муносабатлари самарали давом этди. Белинский учун барча масалаларда Тургенев тенги топилмас суҳбатдош эди. Берлиндан яқинда қайтган собиқ талаба яратганнинг мавжудлиги ва мангулик масалаларида кечалари уйқуси қочиб юрган олимнинг кўплаб саволларига машҳур файласуф Фейербах таълимотидан келиб чиқиб, жўяли жавоблар қайтарар, салмоқли хулосалар янги талқинларга уфқ очар, суҳбатлар эса қизигандан қизирди. “Белинскийнинг хотини эрига ва менга ялиниб, бироз тин олишимизни сўрар ёки врачнинг қоғозини эслатиб кўярди, – деб эслайди Тургенев. – Белинский эса бир оз зарда билан менга “Биз ҳали Худонинг мавжудлиги ҳақида бир тўхтамга келмадик. Сиз овқатланишни хоҳлайсизми?” деб кўярди”.

Албатта, бу суҳбатларнинг бош мавзуси абдийлик фонида Россиянинг кейинги тақдири бўлгани шубҳасиз. Моддий (табиий) бойликлари мўл-кўл мамлакатлар эмас, тафаккури юксалган мамлакатлар инсониятни бошқарган. Ўша дамларда Россиянинг келажаги ҳақида икки хил қараш мавжуд эди. Фарбчилар тараққиёт андозасини Европадан ва ундан нардан олиш кераклигини уқтиришса, славянпарастлар ватанлари келажагини қадимий славян маданияти унсурларида, деб билишар, ҳатто Пётр I ни миллий тартибларга заха етказганликда айблашарди. Давраларда бу икки оқим тарафдорлари мурасасиз курашар, ҳар ким ўз фикрида ҳақ эди. Бу борада Белинский ва Тургенев ҳамфикр чиқиб қолишади. “Белинский Буюк Пётр кўрсатган йўлдан бошқа нажот йўқлигига қатъий ишонарди, – деб қайд этган Тургенев, – у Фарб тажрибасини фақат қуларча, кўр-кўрона эмас, хусусиятларни, тарихни, ҳатто иқлимни ҳисобга олиб қўллаш тарафдори эди. Ҳа, у Россияни севарди; шунингдек, у оташин эҳтирос билан маърифат ва эркинликни севарди: ўзи учун энг олий қадрият бўлган ана шу икки нарсани ягона воқеликда кўришни хоҳларди – мана, унинг ҳаётининг мазмуни нимадан иборат эди, мана, у бутун умри давомида нимага интилган эди”. Кейинчалик ҳам уларнинг дўстлиги самарали давом этди, мутафаккир танқидчи Тургенев ижодини муттасил кузатиб, ўз баҳосини бериб борди. Тургенев таржимаи ҳолида ёрқин из қолдирган буюк шахслар кўп бўлган.